


Абдулвоҳид Абдулазизов

**МУТОЛАА
МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛАНТИРИШНИНГ
СОЦИОЛОГИК
ТАҲЛИЛИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Абдулвоҳид Абдулазизов



**МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛАНТИРИШНИНГ
СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

(ўрта маҳсус. қасб-хунар ўкув юртлари мисолида)

Тошкент-2016



УЎК-124.2.5.7

КБК-82.10(5O'zb)2

А-52

Ушбу монография Наманган давлат университети Укув илмий-методик кенгаши томонидан нашрға тавсия этилган.

Монографияда мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимидағи ўқув юртлари ўсмир ёшлари мутолаа маданиятининг фалсафий, психологик, эстетик ва тарихий жиҳатлари социологик таҳлил этилади. Хусусан, мутолаа маданиятини ўқиш, ўқитиши ва англаш технологиялари, таълим субъектлари ҳамда мавжуд илмий-маърифий шарт-шароитлар билан уйғун жараён сифатида шакллантириш муаммолари таҳлил этилади. Мазкур соҳада пайдо бўлган муайян муаммолар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсиялар берилади.

Мазкур монографиядан Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, мутолаа маданияти муаммолари билан шуғулланувчи катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрант ва бакалавриат босқичи талабалари, академик лицей ва қасб-хунар коллежи ўқувчилари назарий ва амалий кўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Масъул мухаррир: социология фанлари доктори, профессор

А. Умаров

Такризчилар: социология фанлари доктори, профессор

М. Бекмуродов,

тарих фанлари доктори, профессор А. Расулов,

филология фанлари номзоди, доцент З. Содиков

ISBN – 978-9943-3815-5-1

Абдулвоҳид Абдулазизов

НамДУ доценти.

“Наврӯз” нашриёти, 2016



МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I- БОБ. МУТОЛАА МАДАНИЯТИ ҲОДИСАСИНИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1. Мутолаа маданиятининг методологик таҳлили.	11
1.2. Ўзбекистон ёшларида мутолаа маданиятини шакллантириш эволюцияси	29
II- боб. ЎСМИР-ЁШЛАРДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ.....	47
2.1. Ўзбекистон ўсмир-ёшларининг анъанавий мутолаа манбаларига муносабатлари	47
2.2. Мутолаа маданиятини шакллантиришда янги ахборот технологияларининг ўрни	74
III- БОБ. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	89
3.1. Ахборот-ресурс марказларида мутолаа маданиятини таркиб топтириш хусусиятлари	89
АРМ ахборот фонди ва унинг ташкилий элементлари.....	95
3.2. Академик лицей ва касб-хунар колледжлари Ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш йўллари	106
ХОТИМА	125
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	129
ИЛОВАЛАР	154

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожининг ҳамма жабхаларини, шу жумладан таълим тизимини ислоҳ қилишни тараққиётнинг муҳим омили сифатида белгилади. Давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати унинг устиворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, у бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни қабул қилишга олиб келди. Кадрлар тайёрлаш миллий модели чуқур таҳлилий, коцептуал модел бўлиб, юртимиз таълим амалиётида тўпланган амалий тажрибалар, ривожланган демократик мамлакатлар ютуқларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур моделнинг муҳим бўғини шубҳасиз ўрта-маҳсус, касб-хунар таълимидир. Касб ва хунар тарихда ҳам, ҳозирда ҳам инсоннинг тирикчилик манбанини ташкил этиб келган, инсоний жамиятнинг интеллектуал ривожланишини амалиётга татбиқини таъминлаган. Ислоҳотларнинг бугунги кундаги ахволи ва тақдири кўп жиҳатдан кадрларга, уларнинг салоҳиятига боғлиқлигига Президентимиз алоҳида эътиборни қаратиб, «буғунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий кадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин»¹- дейди. Маърифатли инсонларни вояга етказиш вазифаси уларда мутолаа маданиятини шаллантиришни ҳам тақозо қиласи.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. Т.: «Маънавият», 2008. 16-бет.

Хусусан, таълим-тарбиянинг муҳим жабхаларидан бири – ўртамахсус, қасб-хунар таълими муассасаларида ушбу масалага, яъни **мутолаа маданиятини таркиб топтириш ишига эътибор етарлими, деган ономон очик қолиб келмоқда. Ваҳоланки, мутолаа интенсивлигини ошириш билимли, маърифатли инсонларни тарбиялашнинг муҳим ширги, бунга эса, мутолаа маданиятини шакллантирумасдан эришиб булмайди.**

Іугуниги кунда ўрта маҳсус таълим тизимида мутолаа маданиятини **шакллантириш жараёнини тизимий ўрганиш, мавжуд ҳолатни ва унинг ривожланишини истиқболларини таҳлил қилиш, хорижий тажрибаларни қўлланаш имкониятларини кўриб чиқиш ва бунда миллий ўзига хосликларни ўтиборга олиш зарурлиги аён бўлиб қолди.**

Ўрта маҳсус таълим муассасалари, яъни академик лицей ва қасб-хунар коллежлари ўқувчи-ёшларида мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнларининг аҳволини объектив таҳлил этиш, шунингдек қўйилаги сабабларги кўра янада долзарб аҳамият қасб этади:

- ◆ **академик лицей ва қасб-хунар коллежларида мутолаа маданиятининг реал ҳолати, мавжуд аҳволи маҳсус социологик таъкидотлар ўтказиш орқали аникланмай келаётганлиги;**
- ◆ **мутолаа маданиятининг ўсмир-ёшларда шаклланиш ўзига хосликлари, муаммолари ва ечими йўллари ўрганилмай колчаётганлиги;**
- ◆ **мутолаа жараёнларини фаоллаштириш, уни умуммаданий тарроққиёт концепциясининг узвий қисми сифатида баҳолаб, ғиддикишининг таъиб даражасида эмаслиги;**

- ◆ мутолаа маданиятини ҳозирги замон илғор технологиялари электрон тизимлар, масофавий мулокотларнинг бугунги даражалари билан мувофиқлаштириш заруратининг ошганлиги;
- ◆ ўрта маҳсус таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг Ўзбекистонда баркамол шахсни таркиб топтиришга масъул бўлган муассасалар сифатидаги мавқенини муносиб баҳолашга доир ижтимоий заруратнинг қучайганлиги ва таълим тизими олдига қўйилган шу кунги талаблардан келиб чиқсан ҳолда мақсадли фаоллаштиришни белгилаб берувчи меъёрий хужжатлар ва услубий тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;
- ◆ мутолаа маданиятини ўқиши, ўқитиш ва англаш технологиялари, таълим субъектлари ҳамда мавжуд илмий-маърифий шартшароитлар билан уйғун жараён сифатида шакллантиришнинг кун тартибига чиқсанлиги;
- ◆ мутолаа жараёнларига миллий ғоя доирасида ёшларни тарбиялашнинг муҳим бўгини сифатида қараб, уларни тизимиш такомиллаштириш йўлларининг назарий асослаб берилмаганлиги.

Монографик аснода тадқиқ этилаётган мавзуу бир қатор фанлар кесимида жойлашган бўлиб, уни тўлик ёритиш социология, психология, педагогика, кутубхонашунослик, маданиятшунослик соҳаларида эришилган илмий ютуқларни қиёсий-таҳлилий ўрганишни талаб этади. Шу боисдан, бевосита таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари муаммоларини ҳам ўрганишга бағишлиланган кутубхонашунослик, шунингдек, тадқиқот объектидан келиб чиқсан ҳолда, ўсмир-ёшлар психологияси ҳамда ижтимоий жараёнларнинг узвий бўгини сифатида

социология фани доирасида ўрганилган адабиётлар таҳлил килиниши лотим.

Китобхонлик, унинг афзалликлари, оиласда мутолаа маданиятини таркиб топтириш масалалари улуг мутафаккирларимиз Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Захириддин Муҳиммад Бобур, Абдурауф Фиграт, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг исарларида ёритилган². Ҳусусан, XX аср бошларида яшаб ижод этгани матрифатпарвар зиёли Абдулла Авлоний, «...ёшлидан бошлаб төки на идрокимизни кувватландурмак учун азиз умримизни ўйинкулги, сағсата, молояъни каби бехуда сўзлар билан ўткармай, ҳар хил китоб, газита ва журналларни ўкуб, фикримизни очмоқ, зехнимизни куннитландурмак лозимдур» дейди.³

Маълумки, замонавий илм-фанда мутолаа тушунчаси орқали нафакат китоб ёки бошка нашр маҳсулотларини ўқиши жараёнини, шунингдек, турли аҳборот манбаларидан аҳборотни ўзлаштириш жариялари ҳам ёнгалиммоқди. Бу нуқтаи назардан олиб қараганда, ўзбек ҳалқида мутолаага иштилиш доимо юқори бўлиб келган дейиш мумкин. Чунки, аҳолининг саводхонлик даражаси анча паст бўлган даврларда ҳам, одимларининг бир жойга тўпланиб, турли китобларни биргаликда ўқин. Ҷуди шеърхонлик, газалхонлик ёки маснавийхонлик, достонхонлик кечалири, баҳру-байт айтишувлари уюстириб турганликларини ўзиги хос мутолаа жараёни дейиш мумкин.

Аниқ чогда мамлакатимизда ва хорижда бир қанча илмий ишлар ҳунғи келдики, улар бизнинг мавзумизга бевосита бўлмаса-да,

¹ Қўриғинг Форобий, Абу Наср. Фозил шаҳар одамлари. - Т.: Мерос. 1990. - 224 б, Фиграт А. Ончи ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият, 1998. - 112 б.,

² Алишин, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи, 1992. - 160 б.

³ Алишин, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи, 1992. - 31-бет.

бильосита боғлиқ. Айзенберг А.Я., Ванеев А., Карташов Н.С., Столяров Ю.Н., Қосимова О.Ғ., Йулдошев Э.Ю., Охунжонов Э.О., Раҳимова М.А., Шамсиев Ш.М., Туропов М.М. ва бошқаларнинг кутубхонашунослик ва библиографияшунослик бўйича асарлари ўрганилаётган муаммонинг баъзи назарий ва амалий масалаларини ёчишга интилингани билан аҳамиятлидир.⁴

Мустакиллик даврида Ўзбекистонда китоб мутолаасининг социологик масалалари биринчи бўлиб А.А.Умаровнинг илмий ишларида маҳсус тадқиқот обьекти сифатида ўрганиб чиқилди⁵. Б.И.Фаниева эса, мутолаа маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятларини тадқик этди⁶.

Ўрганилаётган мавзуга яқин бўлган баъзи ишлар рус кутубхонашунос - мутахассисларининг ўтган асрнинг 80 – 90- йилларида чоп этилган илмий мақолаларида ўз аксини топган. Жумладан, собиқ шўролар мамлакатидаги ўкувчиларнинг мустакил ўқиши ва уларга библиографик ахборот беришга бағишлиланган Ашаренкова Н.Г., Попова Т.С.⁷ ишларида, адабиётлар орқали ўкувчиларни ахлоқий-

⁴ Авлоний А. Туркӣ гулистон ёхуд ахлоқ - Т.: Ўқитувчи, 1992; Раджабов С. К истории советской школы в Узбекистане. - Т.: 1957; Қодиров И. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг ривожланиш тарихи /1917-1975/- Т.: Ўқитувчи, 1979; Давлетшин М.Г. Ёш психологияси ва педагогик психология. - Т.: Ўқитувчи, 1984; Фозиев Э. Тафakkur психологияси - Т.: Ўқитувчи, 1990; Маврулов А. Маданий согломлаштириш даври. - Т.: 1992; Турсунов И., Норматов К. Ўзбекистон истиқолилининг беш йиллиги. - Т.: Ўқитувчи, 1995.

⁵ Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараккиётни татьминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолааанинг роли. Соц-я фанлари доктори илмий дар-ни олиш у-н тай. дисс-я. Т, УзМУ, 2005 й.

⁶ Фаниева Б.И. Кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари. Педагогика фанлари номзоди илмий дар-ни олиш у-н тай. дисс-я. Т, Низомий номли ТДПУ, 2008 й.

⁷ Ашаренкова Н.Г. Формирование у старшеклассников готовности к самообразовательному чтению // Сов. библиотековедение. - 1983, №1 - С. 76-87.; Попова

жетстик тарбиялаш, юқори синф ўқувчиларида поэзияга қизиқиш үйготиш, мактаб ўқувчилари маънавий-руҳий дунёси хақидаги миссалалар Т.Д.Полозова, Е.В.Клятовский, Л.А.Балашова, И.Прилишь илмий мақолаларида ўз аксини топган.⁸ Юқори синф ўқувчиларининг үкинига раҳбарлик қилишнинг шакл ва усуллари бўйича Лебедова А.И. ва Тупельская Д.Н. ва бошқа олимларнинг ишлари мавжуд.⁹ Шунингдек, диссертация ишини ёзиш жараёнида кейинги йилларда Россия Федерациясида химоя килинган Абрамов А.П., Киселев Н.Н., Менчикова Л.А., Савенков А.А., Селиверстова Н.А., Юмашева Н.Д. ни бошқаларнинг диссертацион тадқиқотлари билан танишиб чиқилди.¹⁰

-
- ТС. *Библиографическое информирование школьников // Актуальные вопросы библиотечной работы: Теория и практика*. Сб. - М.: Книжная палата. - 1988. - С. 62-88.
- Полозова Т.Д. *Открытие мира* - М: Книга, 1979. - С.25.; Кветковский Е.В. *Литературное произведение в нравственно-эстетическом воспитании учащихся // Сын педагогики* - 1982, №1. - С.41-44; Балишова Л.А. *Формирование интереса к поэзии у старшеклассников* // Сон библиотековедение - 1989, №1. - С. 50-56; Прилишь И.А. *Эстетическое воспитание белорусских школьников // Сон библиотековедение*. - 1988, - №1. - С. 27-30.
- Лебедова А.И. О понятии эффективность массовых форм руководства летним чтением в библиотеках // Актуальные вопросы библиотечной работы. Теория и практика Сб. - М.: Книжная палата. - 1985. - С. 90-98.; Тубельская Г.Н. Роль игры в понятии эффективности руководства чтением подростков // Актуальные вопросы библиотечной работы. Теория и практика. Сб. - М.: Книжная палата. - 1989. - С. 114-120.
- Карани Абрамов А.П. Становление личности в системе средних специальных учебных заведений. // Дисс. на соискание ученой степени канд.социол.наук. Курск, 2006 - С.121., Киселев Н.Н. Информационная потребность как фактор социализации личности. // Дисс. на соискание ученой степени канд.социол.наук. Новосибирск, 1998 - С.132., Менчикова Л.А. Формирование и духовное развитие личности в специализированных учебных заведениях. // Дисс. на соискание ученой степени канд.социол.наук. Уфа, 2003. - С.153., Савенков А.А. Социализация студентов средних специальных учебных заведений в социокультурных условиях современной России // Дисс. на соискание ученой степени канд.социол.наук. Курск, 2004. - С.146., Селиверстова Н.А. Книжные культуры постсоветских обществ: специфика социокультурного взаимодействия посредством книги. // Дисс. на соискание ученой степени докт.социол.наук. Москва, 2004. - С.332., Юмашева А.Д. Чтение как практики

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда китобхонлик муаммоси кам ўрганилган соҳалардан бири бўлиб, айниқса ўрта таълим муассасалари ўқувчи-ёшларининг мутолаа маданиятини шакллантириш масаласи яхлит тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Ўзбек кутубхонашунос-олимларидан Э.Йўлдошевнинг болалар кутубхоналарида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш ҳамда ёш авлод вакилларида ўқиш маданиятини таркиб топтириш юзасидан чоп этилган илмий изланишлари алоҳида эътиборга моликдир¹¹. Мактаб ўқувчиларининг китобхонлик маданиятини шакллантириш масалалари Ё.Қаюмхўжаеванинг илмий тадқиқот ишларида ҳам ўз аксини топган¹². Ё.Қаюмхўжаеванинг тадқиқотида мустақиллик даврида мактаб кутубхоналарида китобхонлик масалаларининг собиқ иттифоқ даври билан таққослаб ўрганилганлиги тарихий социологик жиҳатдан ҳам аҳамиятладири.

Мазкур монография доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари, унда илгари сурилган хуроса ва берилган тавсиялар Ўзбекистонда шакллантирилаётган узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўгини бўлган академик лицей ва касб-хунар коллажларида мутолаа маданиятини оптималлаштириш, ахборот-ресурс марказлари иш фаолияти мазмунини бойитишга ёрдам беради. Тадқиқот ишлари натижасида тўпланган маълумотлар ва назарий хуросалардан социолог, маданиятшунос ва кутубхоначи мутахassisлар

культурного воспроизводства в студенческой среде. // Автореферат дисс. на соискание ученой степени канд.социол.наук. Москва, 2008. – С.20.

¹¹ Йўлдошев Э. Болалар китобхонлигини ўрганишнинг форма ва методлари. - Т.: 1986; Йўлдошев Э. Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш. - Т.: 1983; Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш. Ўкув кўлланма. - Т.: 1986, - Б.48.

¹² Қаюмхўжаева Ё. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш имкониятлари. - Т.: «Фан», 2007. 110 б.

тийёрловчи олий ва ўрта махсус ўкув юртларида ўкув предметларига қўшимча материал сифатида ва амалий машғулотлар ўтказишида фойдаланиш мумкин.

I- БОБ. МУТОЛАА МАДАНИЯТИ ҲОДИСАСИНИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Мутолаа маданиятининг методологик таҳлили.

Жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳолати ва аҳоли турмуш тартидаги ўзгаришлар XX аср охирларида мутолаанинг асосий инициатори ҳам ўзгаришига, хусусан, уларнинг – ахборот бериш, ўргитишни рекреатив функцияларга айланишига олиб келди. Юз беъриётгаш жараёнлар мутолаанинг функционал ўзгаришларини ижтимоий ҳодиса унинг келгуси тараққиёти муқобилларини башорати сифатида илмий мушоҳада килишни талаб қилмоқда. Бу вазифа мутолаа социологиги донрасида ҳал этилиши мумкин.

Мутолаа социологиги муданият социологиясининг йирик бўлими ҳисобланниди. Собиқ иттифоқ даврида, XX асрнинг 70-йилларида у мустақил Ўнвалниш сифатига ижрошиб чиқди. Ҳозирча илмий жамоатчиликди унинг мақоми тўгрисида ягона фикр шекерланмаган. Таъқиқотчилар мутолаа социологиясини мустақил фан (И.А.Бутсико, В.Д.Стельмах), социологиянинг мустақил назарияси (А.Л.Миршин) ҳамда кутубхонашуносликнинг бўлинмаси (В.В.Скворцов) леб қирамоқдалар. Бу қарама-қаршиликларга бир неча омиллар сибаб бўлмоқда:

1. Кўнишиб тадқикотлар мутолаа ҳодисасини маънавий маданиятининг мураккаб тизимида алоҳида унсур сифатида баҳолаб, унинг шу тизимидағи ўринини аниқлашга бағишлиланмоқда.
2. Мутолаа социологиясига собиқ иттифоқ давридан қолган ишларнинг оғизи мос равиша, асосан кутубхонашуносликнинг амалий

тадқиқотлар базасини шакллантирувчи тармок сифатида қаралмоқда (кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари фондларини тұлдириш йұналишларини аниклаш, китобхонлар билан ишлаш шакл ва усулларини такомиллаштириш ва китоб тарғиботи, ахолининг китобхонлик даражасини ошириш ва шу каби ҳолатларни амалий тадқиқотлар ёрдамида үрганиш). Ваҳоланки, ривожланган давлатлардаги мутолаа социологиясида бошқа ижтимоий-маданий жараёнларни изохловчи назарий қоидалар мутолаа маданиятини таҳлил қилишга ҳам кенг татбиқ этилмокда.

3. Бугунги кунда мутолаа социологиясининг ривожланиши билан берінде амалий тадқиқотлар күләмининг кенгайиши, маҳсус социологик тадқиқот секторларининг құпайиши натижасыда кутубхонашунослық социологияси ҳам кенг тарапкій этиб бораётір. Гарчы бу соҳаларнинг тадқиқот обьекти умумий бүлса-да (яғни кутубхонадаги мутолаа жараёнлари ва китобхон), мутолаа социологияси барча ижтимоий ва демографик гурӯхларға хос китобхонларни, кутубхонага келишкелмаслигидан қатын назар үрганса, кутубхонашунослық социологияси кутубхоналарнинг китобхонлик соҳасига алоқаси бүлмаган муаммоларни: кутубхонанинг ижтимоий институт сифатидаги үрни, унинг вазифалари ва аниқ ижтимоий-маданий жараёнлардаги иштироки, тузилмаси, ходимлари, фойдаланувчиларға хизмат күрсатиши даражаси ва ҳоказоларни ҳам үрганади.

4. Мутолаа муаммолари ҳозирча мутахассис социологлар зертеборидан деярлик четда қолмокда. Социологик тадқиқотлар эса асосан кутубхонашунос мутахассислар томонидан олиб борилмокда.

Мутолаа социологияси предмети ҳақидаги фикрларнинг яқдил эмаслиги ҳам айрим چалкашликтарға сабаб бүлмокда. Хусусан, баъзи тадқиқотчилар мутолаа социологияси жамиятда мутолаа манбалари – китоб, газета ва журналларнинг мавжудлигини таъминловчи омил-

ларни, мутолаага бўлган эҳтиёжнинг пайдо булиши, унинг ривожланиши қонуниятларини ва мазкур эҳтиёжни қондириш воситаларини ўрганиши, шунингдек ижтимоий ҳодисалар тизимида мутолаанинг ўринини аниқлаши лозим, деб ҳисоблайдилар. Бизнингча, конкрет тарихий ва ижтимоий-маданий мухитдаги «нашриёт – китоб савдоси (сочувчи) – АҚМ, АРМ ва кутубхона – китобхон» тўртбурчаги ичидаги ўтиро муносабатлар тизимини мутолаа социологиясининг предмети сифатида кўрсатиш мумкин.

Жамиятдаги мутолаа ҳодисасини тизимли таҳлил килиш учун ишлаб, социологиядаги тизимли ёндашувнинг ўзини чукур тушуниб олни лојум бўлади. Ижтимоий жараёнларни тизими таҳлил қилиш ишламиси қалимги дунё файласуфлари, хусусан Афлотун ва Арастулар ижтиёдидан биномланған дейиш мумкин. Кейинчалик француз мутафақкандир Огюст Конст влоҳида социология фанини шакллантиришда асос ишлаб «ижтимоий тизим ҳикоялиги» гояни олади. Мазкур ёндашувга кўра, жамият ўнинг юн органнизм бўлиб, маълум тузилишга ва ушбу тизимнинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилишга йўналтирилган инзифилирни бижиручи ўзоментлирига эга¹¹.

Социологиядаги тизимли ёндашувнинг ривожланишига тамал тоши қўнгли олимлардан яна бири Герберт Спенсердир. Социологияда органистик ёндашувнинг вакили ҳамда эволюцион ёндашувнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим сифатида Г. Спенсер ўзининг илмий гоялари орқали кейинчалик тизимли ёндашувнинг ривожланишига ҳам туртки берган эди. Хусусан, унинг ижтимоий институтлар ҳикоялиги тиълимоти, жамиятни ижтимоий институтлардан ташкил топуучи битта ижтимоий тизим сифатида англаш имконини берди. Унинг фикрига кўра, жамиятнинг ижтимоий институтлари битта

¹¹ История социологии: Учеб. пособие / Под общ. ред. А.Н. Елсукова и др. – 2-е изд., перераб. и доп. – Минск: Выш. школа, 1997. – С. 36.

умумий бутунликни ташкил қилиб, улардан биттасининг фаолият юритиши бошқаларининг фаолиятига ҳамда улар орасидаги таъсир ва маъсулият чегараларининг аниқ тақсимланганлигига боғлиқ бўлади¹⁴.

Э.Дюргейм, Т.Парсонс ва Р.Мертонлар эса О.Конт ва Г.Спенсер ғояларини ривожлантириб, ўзларининг функционал таҳлил назарияларини олға сурдилар. Яъни, уларнинг фикрига кўра, жамият мураккаб ижтимоий тузилма бўлиб, уни шакллантирувчи элементлар тузилмада ўзларининг бажарувчи вазифасига эга. Улар мазкур вазифани бажармасалар бутун тузилмада емирилишга, инқирозга сабаб бўладилар. Бутун тузилма яхши ишлаши учун унинг элементлари ўз вазифаларини тўлиқ бажаришлари лозим. Социологиянинг вазифаси эса, ҳар қандай ижтимоий ҳодисани мураккаб тузилма сифатида таҳлил қилиб, унинг элементлари, уларнинг тузилмадаги вазифаси ва улар ўз вазифаларини нечогли бажараётганлигини таҳлил қилишдан иборат. деб қарайдилар.

Тизимли таҳлилнинг асосий мақсади – мураккаб ҳодиса ва воқеаларни абстракт услубларда талқин этиш, жараёнга хос бўлган энг муҳим белгиларни аниқлаш ва уларнинг тизимдаги ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб беришdir. Тизимлар, шу жумладан ижтимоий тузилмалар ҳакида фикр юритар экан, академик В.Г.Афанасьев шундай ёзади: «Ўзаро алоқа натижасида янги интегратив сифатлар ҳосил қилувчи обьектлар мажмуи бир-бирига хос бўлмаган қисмлар, компонентлардан иборат бўлади».¹⁵

Мутолаа маданиятини бир бутун тизим сифатида тасаввур этиш, бу тизимнинг асосий компонентларини аниқлаш, уларни ўзаро ва ташқи муҳит билан алоқа қилиш механизмини белгилаш, унинг ўзидан катта тизимдаги ўрнини, энг оддий таркибий элементининг мазмуни,

¹⁴ Ўша асар. – 52-бет

¹⁵ Афанасьев В.Г. Системность и общество.- Москва, Полит-издат, 1980.- С.24. (Русча манбалардан олинган иқтибослар таржимаси муаллифни- А.А.).


фаолияти, тизим тақозо қилувчи алоқаларни очиб беришни талаб килади.

Бу тизим мураккаб ижтимоий ходиса сифатида намоён бўлар ўзи, индивиднинг ички маънавий дунёсидан тортиб, унинг атрофидаги бирча ижтимоий институтларгача, ҳар бири алоҳида тизим ясовчи ўлемсентни ташкил қиласди. Бевосита тадқиқот объектидан келиб чиккан ҳолди, академик лицей ва касб-хунар коллежларида мутолаа маданийтини таркиб топтириш жараёнини тизимли таҳлил қиласиган ғулсик, мазкур ходисанинг бир қанча тизим ясовчи элементлари мавжуд ўқанилигини кўрамиз. Улар куйидагилардир:

- 1 вхборот-ресурс марказлари (АРМ);
- 2 итрофлагилар, ўқитувчилар ва тенгдошларнинг тарбиявий таъсири;
- 3 оилийн тарбиянинг таъсири;
- 4 ижтимоий мухит.

1-расм.

Тълим мусаввилариде мутолаа маданийтини шакллантириш шарддига таъсир қилувчи элементлар



Ўзбек халкининг ментал хусусиятларини эътиборга оладиган ғулсик, ижтимоий муносабатларнинг барча даражасида оила институ-

тининг ўрни юкори эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, шахсда, жумладан ўсмир-ёшларда ҳам, мутолаа маданиятини шакллантиришда оиланинг ўрни бекиёсдир.

Маълумки, ўсмирлик даврининг муҳим жиҳатларидан бири – бу ёшда шаҳе оиласидан ва яқинларидан мустакил бўлиб шакллана боради ва жамиятнинг кенгроқ қатламлари, жараёнлари таъсирига туша бошлайди. Болалар мутолаасидан фарқли равишда, ўсмирлар мутолаасида ижтимоий муҳит, хусусан аҳолининг умумий мутолаа маданияти, ОАВ ва умуман давлат ва жамиятнинг мутолаа ҳодисасига муносабат йўналиши ва даражалари каби ҳолатлар ҳам таъсир қилади. Шу боисдан, ўсмир-ёшлар мутолааси ҳакида гап кетганда, ушбу жараёнга давлат ва жамиятнинг эътибори, хукукий асосларнинг яратилганлиги, маҳсус мутолаа хизматининг ташкил этилганлиги ва бу субъект манфаатлари ва қизиқишлигини қондира олаётганлиги билан боғлиқ ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шунингдек, ўсмир ёшида шахсга якин-атрофдагилар, хусусан тенгдошлари ва ўқитувчиларининг таъсири сезиларли бўла бошлайди. Ўсмирлик даврида тенгдошларнинг бир-бирларига таъсири даражаси юкори эканлигини эътиборга олган ҳолда, бу даврда мутолаа маданиятини таркиб топтиришда индивидуал таъсир кўрсатиш технологиялари билан бирга, оммавий ва гурӯхий таъсир кўрсатиш усусларидан ҳам кенг фойдаланиш, яъни факат бир шахснинг эмас, балки бутун гурӯхнинг мутолаа маданиятини ўстириш лозим бўлади.

Тизимга хос бўлиш ички ва ташки яхлитликни тақозо этади. Тизим ташкил қилувчи бирор бир элемент етишмаса, бутунилик ҳосил

бўлмайди. Жамланма компонентлар, қисмлар эса кутилмаган бошқа тизимларни юзага келтириши мумкин.¹⁶

Кутубхоначилик ишини тизимли таҳлил қилишда ҳам, уни ташкил қилувчи таркибий элементларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қисмлар қанчалик кўп кесимларда белгиланган бўлса ва қанчалик аниқ бўлса, тизимни тўлиқ англаш имконияти шунчалик юқори бўлади. Бироқ, айни чоғда, уни таърифлаш имконияти шунча қийин бўлади. Россиялик Ю.Н.Столяров ўзининг «Кутубхона: структуравий-функционал ёндашув» (М., 1981) асарида «кутубхонани тизим сифатида ўрганиши кутубхонашуносликнинг бутун тарихи давомида ривожланиб келганини¹⁷» таъкидлайди ва «Кутубхоналарни ҳар томонлама ва турли даражада, айни чоғда тизимли ўрганишни талаб этувчи мураккаб тизимиш ҳодиси сифатида англаш, кутубхонашунослар томонидан тизимиш ёндашувни кўллантириш бошланишига олиб келди» дейди¹⁸.

Кутубхоначилик тизимли ёндашувни қўллаш кутубхоначи ва китобхон фаолиги жарабайлари, ахборот, прхитектуравий режалаштириши, техник бази ҳамди кутубхона маънавий мухитининг ўзаро плокадорлиги ва бирлигини ёритиш имконини беради. Шу билан бирга, бу ўринда «кутубхона хизмати» ҳамда «китобхонларга хизмат кўрсатни» тушунчаларини фарқлаш лозим бўлади. Кутубхона хизмати – кутубхоналарнинг нашр маҳсулотлари ва бошқа ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини тарғиб қилиш ва тарқатиш, уларни танлаш ва фойдаланишга кўмаклашиш борасидаги фаолиятидир.

¹⁶ Каранг: ўша ерда - Б.33

¹⁷ Столяров Ю.Н. Библиотека: структурно-функциональный подход. Москва, 1981.

¹⁸ Столяров Ю.Н. Библиотека: структурно-функциональный подход. Москва, 1981.



Китобхонларга хизмат кўрсатиш эса, кутубхонанинг асосий вазифаси бўлиб, китобхонларнинг нашр маҳсулотлари ва бошқа ахборот манбаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни танлаш ва фойдаланишга кўмаклашишга йўналтирилган бўлади.

Биринчи тушунча жуда кенг бўлиб, у бевосита оммавий кутубхоналар китобхонларига хизмат кўрсатишдан кўра кўпроқ фаолият турларини қамраб олади.

Шу тариқа кутубхона хизмати тизимлари ўзида турли ўзаро ҳамкорлик қилувчи бўлинмалар, маълум хизмат кўрсатиш худудида амал қилувчи ва аҳолига кутубхона хизмати кўрсатилишини таъминловчи тамойиллар, шакллар ва усусларни мужассамлаштиради.

М.Я.Дворкин ва Ю.Н.Столяров кутубхона хизмати тизимларини кутубхонадан фойдаланувчиларнинг тўпламлар, хужжатлар ва ахборотга эга бўлишларини таъминлаш тизимлари деб номлайдилар.

Шахснинг ахборот маданияти муаммосига бир қанча муаллифлар мурожаат этишган. Хусусан, Н.Б.Зиновьев шахснинг ахборот маданиятига унинг маънавияти таъсир қилишини таъкидлайди¹⁹. Унинг фикрига кўра, мутолаа маданияти ва аклий меҳнат маданиятини ўзида қамраб олган ахборот маданияти кўникмалари библиографик мўлжал намуналарини ўрнатади ва библиографияга инсон онгини бошқаришига йўл кўймайди.

Н.Крукнинг ўқувчи-ঁшларда ахборот маданиятини шакллантиришга багишлиланган «Ўқув жараёнининг узвий бўғини сифатида ўқувчилар ахборот маданиятини шакллантириш» асарида эса, ахборот маданияти деганда ўқувчиларнинг ўқиши, илмий-ижодий ва бошқа

¹⁹ Зиновьев Н.Б. Формирование информационной культуры личности как составная часть нравственной культуры. - Москва, 2004.

фаолиятлари давомида юзага келадиган ахборот эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган индивидуал ахборот фаолияти амалга оширилишини таъминловчи билимлар, тажриба ва малакаларнинг тизимга солинган мажмуаси²⁰ англаниши таъкидланган.

«Мутолаа маданияти» ҳодисасида «мутолаа» тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. А.Умаровнинг юқорида келтирилган монографиясида мутолаага шундай таъриф берилади: “Мутолаа – бу фаолиятнинг билиш, ўрганиш, илм олиш ҳодисасидир. Бунинг замирида фаоллик, мақсад сари йўналтирилган, ўқиш ва ижтимоий субъектнинг турли эҳтиёжларига қараб матндан маълумотни эгаллаши ётади.”²¹ Муаллиф шахс (субъект)нинг мутолаа билан шуғулланишида мавжуд ижтимоий-рухий муносабатлар муҳим роль ўйнашини таъкидлар экан, бунда асосан қуидагиларни кўрсатади:

1. Мутолаа субъектларининг атроф-мухитга муносабати ва атроф-дагиларнинг унга таъсири.
2. Мутолаа субъектларининг ўзаро муносабатлари. Бир китобхоннинг иккинчиси билан муносабати.
3. Китобхоннинг ўз-ўзига бўлган муносабати.²²

Муаллиф ана шу жиҳатлар асосида шахс (субъект)нинг мутолаа билан шуғулланишини мавжуд ижтимоий-рухий муносабатлар ҳамда ишснинг ижтимоий фаоллиги жараённида олиб қарайди. Бу албатта республикамиздаги мутолаа жараённига янгича қарааш, ўзига хос өндишув. Мазкур тадқиқот мутолаа ҳодисасининг таълим жараёнининг

²⁰ Крук Н.Формирование информационной культуры школьников как неотъемлемая составная часть учебной деятельности. // «Школьная библиотека», №8, 2001 17-стр.

²¹ А.Умаров. Мутолаа маданияти: шахс, жамият таракқиёти. Т.: Фан. 2004 й. 88-бет.

²² Қаршиғи: Ўша асар... 83-84-бетлар.

турли боскичларидағи ижтимоий-рухий муносабатлар билан алоқаси ва ундағы субъект (шахс)нинг ижтимоий фаоллигини ҳам маҳсус ўрганишга йўл очади. Чунки, инсоннинг мутолаага бўлган муносабати унинг ҳаётининг турли боскичларида ҳар хил бўлади. Натижада унинг мутолаа ходисасидаги ижтимоий фаоллиги ҳам ўзига хос томондан намоён бўлаверади. Шахснинг ким билан қандай муносабатда бўлиши, қандай мутолаа манбаларига мурожаат килиши унинг қандай инсон бўлиб шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, мутолаа маданиятини шакллантириш турли йўллар билан амалга оширилади. Улардан бири болалар мутолаасини тұгри ташкил қилишдир. Болалар мутолаасига бағишенган маҳсус адабиётларда уларнинг турли күринишлари берилади. Болалар мутолаасининг таниқли тадқиқотчиларидан бири В.А.Невский болалар ўкишини таснифлашдаги чалкашликларни бартараф этишга интила-ди²³. У болалар мутолаасининг қуйидаги күринишларни ажратади ва ҳар бирига алоҳида таъриф беради:

- оиласи мутолаа;
- уйдаги мутолаа;
- синфдаги мутолаа;
- синфдан ташқари мутолаа.

Оиласи мутолаа – ота-оналарнинг болалари билан олиб борадиган маънавиятга доир сухбатлари. Унинг энг яхши таъсир усули биргаликда бадиий адабиётларни ўкишдир. Бу бола учун асар

²³ Невский, В.А. Классификация психологической литературы в библиотеке / В.А. Невский // Предметы и методы современной психологии / Под ред. Л.С.Выготского. – М., 1929. – С. 21–24.

муаллифи ва унинг дунёсидаги одамлар билан мулокотга киришишнинг энг самарали йўли хисобланади.

Үйдаги мутолаа – бола учун ўзининг кизиқишлиарини қондириш, бўш вақтини ташкил қилиш усулидир. Унинг йўналганлиги ва интенсивлиги китоб ўқишга эҳтиёжнинг шакллантирилганлиги ҳамда мотивлашнинг тавсифига боғлик бўлади.

Синфдаги мутолаа – ўкув жараёнининг вазифаси бўлиб, болада матнни тушуниш орқали унинг мазмунини қабул қилиш ва ўзлаштириш кобилиятини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

Синфдан ташқари мутолаа – болада ўкув фаолияти натижаси, англаш ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилиш шаклидир.

Замонавий илмий адабиётлар болалар мутолаасининг туб моҳиятини ёритиш имконини беради. Болалар мутолаасининг барча йўналишлари: ахборот-англаш; мазмуний; ахборот; ҳиссий-ижодий; тадбиркорлик - ўсмиrlар мутолаа маданиятини шакллантиришда ҳам аҳамиятга эга.

Мутолаа жараённада ўсмир матннинг мазмунини идрок этиши, уни тўғри ўқиши, англаши, таҳлил қилиши, матндаги ахборотни қайта ишлаши, улкан ахборот манбаидан ўзига керакли маълумотни ажратиб олиши, ўз фаолияти натижаларини аниқ ва ишонарли тарзда баён қила олиши лозим. Булардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мутолаа шахс маданиятини шакллантиришнинг педагогик воситасидир.

Замонавий дунё ўсмирга кенг танлов имкониятини бермоқда ва ундан ўзини доимий равишда ривожлантириб боришини талаб килмоқда. Ушбу жараёнда ўсмирга кўмаклашиш бугунги ўкув муассасалари билан бирга ахборот-ресурс марказларининг ҳам асосий вазифасидир. Ахборот-ресурс марказларининг моддий ва маънавий

ресурслари ўсмирларнинг ўзгаришлар даврига ижтимоий ва маданий мослашишларида кўмаклашиши лозим. Китоб тўпламлари давр ва ходисаларни боғловчи, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан таништирувчи вазифасини ўташи мумкин. Ахборот-ресурс маркази нинг маънавий муҳити ўсмир учун ўзининг тажрибаси ва интилишлари асосида маданиятни англаши, ҳис қилиши орқали дунё билан мулоқотга киришиши учун қулай мухитдир. Агар ўқитувчи ёки кутубхоначи ўсмирга унинг истиқболи ўзига боғлик эканини ҳис қилишга кўмаклашса, ушбу йўналишда интилишни ривожлантириш лозимлигини кўрсатиб берса, ўсмирнинг лицей-коллеждаги ёки ахборот-ресурс марказидаги фаолиятини ўз-ўзини намоён қилишнинг психологик амалиёти дейиш мумкин. Айнан ушбу жараёнда у муваффакиятларга эришиши, тенгдошлари ва катта ёшлилар ўртасида ўз ўрнини топа олиши мумкин. Ўсмирни ривожлантирувчи ахборот-ресурс маркази – унинг талаб ва эҳтиёжлари тузилмасини акс эттирувчи ҳамда унинг китобхонлик ва шахсий хулқини башорат қилувчи маскандир. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнданги 381- сонли “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан тъминлашни ташкил этиш тўғрисида”²⁴ ги Қарори асосида тизимда амала оширилган ислоҳотлар давомида академик лицейлар ва қасб-хунар коллежлари қонидаги АРМлар ишини ташкил қилишга алоҳида муҳим вазифа сифатида қаралди ва биринчи навбатда ислоҳотлар айнан мазкур йўналишда амалга оширилди²⁴.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнданги 381- сонли “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан тъминлашни ташкил этиш тўғрисида”²⁴ ги Қарори // Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини ташкил қилиш. Ҳужжатлар тўплами – Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриети, 2007 – Б 10 – 13.

Таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари учун БМТ Бон Ассамблеяси томонидан ёълон қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ти конвенциянинг бир катор бўлимлари мухим ахамиятга эга. Хусусан, болалар:

- ҳар кинди турдаги ахборотни, чегарасидан қатъи назар, оғзаки, ёма ёки босма ишаклда, санъат асари қўринишида ёки боланинг ташловига кўра боиқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узитни (13-модда, 1 ва 2-қисмлар);
- Узининг қарашларини шакллантиришга кодир бола ана шу қарашларни унга таалуқли барча масалалар бўйича эркин ифода этиш (12-модда, 1-қисм);
- фикрларни эркинлиги (14-модда, 1 ва 2-қисмлар) ва ҳуқуқларига ишлар²⁵.

Асосий таълеб «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ти конвенциянинг бир ишни мухим жиҳозларига киратилади: бунда сўз барча болалар ҳинди бормайди, балки ҳар бир бола ҳақида гамхўрлик қилиш тўғрисида ютмоқди; уварининг ҳар бири учун минимал ҳуқуқларни таъминишни юзимдиги таъкидланмоқда; бола ҳуқуқий фаолиятда унинг учун ҳамма нарсани факатгина катталар ҳал қиласидаган обьект бўлиб қолмисдан, шахсий манфаатлари ва ёндашувларига эга, хужжатларда аks этган манфаатлари доирасида ўз фаолиятини мустақил ҳис қила олидиган субъект ҳамдир.

Хозирги кунда кўнгина маълумотлар телевидение, радио, кино, реклама ва шу кабилар орқали тарқатилаётгани ва олинаётгани сабабли, китоб мутолаасига қизиқини камаймоқда, деган фикрлар мавжуд. Ҳатто

²⁵ Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция. – Т. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, 2005 й. 8-9 бетлар

китоб ўқишининг аҳамиятини жиддий ҳис қилувчи кишилар ҳам ушбу машғулот билан дурустrok шугуланишга кириша олмаяптилар. Шу сабабли ўсмирларда ахборотни тұғри қайта ишлай олмаслик, турли адабиётлар билан лозим даражада шугуллана олмаслик, ахборот манбаларидан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келиш ҳолатлари күзга ташланмоқда. Хусусан, ҳамма ҳам библиографик қидируд күнікмасига эга эмас. Ўзини мажбурламасдан китоб ўқишиңа қизиқиши қандай үйготиш мүмкин? Маълумки, инсон маънавиятининг ривожланиши унда фавқулодда мухим ва улқан ахборотнинг оқимига мухтожликни юзага келтирди ва бунинг натижасида ушбу шахс күпроқ ўқишиңа, фикрлашға, янада күпроқ материални, маълумотларни эслаб қолишиңи талаб қилувчи турли ўзига хос хатти-харакатларни амалга оширишиңа мажбур бўлади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, немис психологи Бираҳ таъкидлаганидек, ёмон одатлардан қутулишга эмас, уларни яхшилари билан алмаштиришиңа куч сарфлашимиз ва бунда яхши одат ёқимли, энг мухими, қундалик ҳәётимиздаги аҳамиятига кўра олдингисидан самарали бўлиши лозим. Шунда унга бутун ҳаёт давомида амал қилинади. Амалий тажриба шуну кўрсатадики, агар бирор адабиётни ўқишининг мухимлиги англанган, фойдали жиҳатларининг самараси аниқ ҳис килинадиган, макеал аниқ бўлса, ўқиши осон бўлади ва ўқилган материал осон эзда қолади. Бундай ҳолатларда бевосита китоб ўқишининг ўзига ва унинг натижалариға қизиқиши пайдо бўлади, қизиқиши эса муваффакиятни таъминлайди. Ўсмирларнинг мутолаа маданиятини шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни яратар эканмиз, мутолаа педагогикаси ҳақида ўйламай иложимиз йўқ. Ю.М.Тугов ўзининг монографик тадқиқотида «китобхонни тарбиялаш»

тушунчасини таҳлил қилар экан, унинг иккита муҳим жиҳати ҳакида ганиради:

- кенг ижтимоий маънода – бутун атроф-муҳитнинг китобхонга, унинг дидларига ва истакларига тарбиявий таъсир қўрсатиши айтилса;
- педагогик маънода – жамият томонидан маҳсус тайёрланган одамлар раҳбарлигида амалга ошириладиган максадли тарбия жараёни назарда тутилади²⁶.

Мутолаа педагогикаси китобхонни тарбиялашнинг барча қиҳатларини ўрганар экан, онгли равишда ташкил қилинган тарбия жараёниги ургу беради. Ю.М.Туговнинг фикрига кўра, китобхонни тарбияланиди мақсад инсоният таракқиётida, алоҳида инсоннинг ҳизни мутодавининг ижтимоий аҳамияти билан белгиланади.

Буларни баренинни коллежларининг АРМлари ҳисобга олишларий доими, чунки маснур мувоссларининг аҳамиятлилик даражаси ва ўзмурлардаги мутолааи талабининг шаклланганинг дарижаси, ёнларининг оли ва фаолиятдаги инҳосий истиқболларини очиб беринига кўмаклашувчи АРМларда яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Шартлардан бири ахборот муҳитини яратишdir. М.Ю.Сумина ва В.К.Кузнецловлар ўзларининг «Болалар кутубхоналарида ахборот муҳити» асарида «ахборот муҳити» тушунчаси кутубхоналарни янги сифат даражасига кўтариш, шунингдек кутубхоначининг ўқувчидаги ахборот маданиятини шакллантиришга йўналтирилган хатти-харакатларининг самарадолорлигини ошириш түғилганида, уларнинг амалий фаолиятлари натижаси сифатида пайдо бўлган. Ахборот муҳити китоб-

²⁶ Тугов Ю.М. Об исходном пункте теоретического воспроизведения библиографии // Там же. – 1977. – № 1. – С. 50–67.

хонга тушунарли, тез, очик тарзда турли-туман ахборот манбаларига эга бўлиши, эркин мулокот қила олишини таъминлашдир. Ахборот мухитининг ҳар бир таркибий кисми навбатдаги омил бўлиб, улар ёрдамида китобхоннинг ахборот маданияти шакллантирилади:

- кутубхонанинг қулай ташкиллаштирилган китоб фонди;

- ўқувчиларниң мутолаа эҳтиёжларига мос равишда ташкиллаштирилган, қизиқарли китоблар ва бошқа нашр маҳсулотлари билан китобхонни ўзига жалб қилувчи китоб кўргазмалари тизими;

- деворий маълумотлар, яъни элементлар ва тушунчалар тизими;

- китоб хақида маълумот берувчи каталоглар ва картотекалар (электрон ёки анъанавий бўлиши мумкин), улар ёрдамида китобхон ўзига керакли маълумотни мустакил равишда топа олади;

- библиографик мўлжал (АРМларда визуал мухитни ташкил қилиш усулларидан бири) учун шакллантирилган белги-рамзлар тасвирланган плакатлар тизими;

- ўқиш учун энг яхши китобларга тавсияномалар яратиш;

- ўсмирларда китоб ўқишга қизиқиши орттирувчи техник воситалар.

Ахборот мухити ўз конуниятлари асосида фаолият юритиб, китобхонларни ўзига жалб килини лозим.

Ахборот мухитининг безатилиши ва дизайнинга ҳам алоҳида зътибор қаратиш лозим. Зоро, ўсмир ўзини эркин, қулай ҳис қилиши, барча саволларига жавоб олишига интилиши лозим.

Ахборотларнинг мураккаб оламида, ўсмир катталарнинг қўллаб-куватлани, маслаҳати, улар олдида пайдо бўладиган муаммоларни ечишида кўмак беришига мухтоҷ бўлади. Ўсмирни ҳаёт йўлида кузатиб бораётган катта ёшлилардан талаб килинадиган хусусиятлар –

акл билан, ўйлаб берилган баҳо, сабрлиликдир. Мураббийлик ролини тұғри англаган ҳолда, биз болаларнинг қизиқишилари ва талабларига хурмат ва эътибор билан ёндашибимиз лозим. Мутолаа маданиятининг барча воситалари билан қоролланган ўсмир. Ўз билимларини ошира бошлайди ва бу жараёнда у биринчи марта бизга – катта авлод вакилларига ғалати күриниши мумкин бўлган ўзининг маданиятини яратা бошлайди.

Психологлар ўсмир ёшида катталарнинг «қадрсизланиш» жараёни кечишига эътиборни қаратадилар. Бир томондан, ўсминалар ўзларини етарли даражада мустақил хисоблайдилар ва ўз муносабатларини ўзлари шакллантиришга интиладилар. Иккинчи томондан, улар олдинги даврларда шаклланган ва ўсминаларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш ўрнига мураккаблаштириб юборувчи катта авлоднинг стереотипларини ҳамда ҳаётий тажрибаларини тан олмайдилар. Учинчи томондан эса, ўсминалар шахсни камситувчи авторитар тарбияни қабул қила олмайдилар. Катталарнинг тафаккур тарзида мослашувчанликнинг етишмаслиги, ортиқча талабчанлик ўзаро ишончни йўқотиш билан бирга ижодий тафаккурнинг, мустақил танлаш ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш каби хислатларнинг ҳам ривожланишига тўсик бўлади.

Болалар мутолаасининг ташкилотчилари хаёлдаги китобхон ўсмирни эмас, мавжуд ҳолатни, яъни мутолаанинг вазифаларини эмас, табиатини қабул қилишлари лозим. Ўсминалар ва катталар ўртасидаги ўзаро тушунмаслик мулокотнинг мазмунига путур етказади. Одатда ўсмир китобхонга муносабат мавжуд маданиятда қабул қилинган катта ёшлилар хулқ-автори модели билан белгиланади. Шу боисдан, таълим муассасаларининг АРМларида китобхон шахсини шакллантиришнинг

мухим шарти кутубхоначининг мутолаа жараёнини ташкил қилувчи сифатидаги тутган ўрнидир. Ю.М.Тугов мутолаа педагогикасида мутолаа ташкилотчиси ўз вазифасини бажариш учун қуидагиларга эга бўлиши лозимлигини кўрсатиб ўтади:

- кенг дунёкарашга (турли нуқтаи назарларни ифодаловчи китоблар ва журналларнинг бугунги қундаги оқимини тасаввур кила олган холда);
- профессионал тайёргарликка (замонавий ўсмирнинг мутолаа доирасини, библиографик ахборот манбалари тизимларини билиши, китобхоннинг китоб танлови жараёнига мақсадли таъсир қилиш усуллари ва қоидаларидан хабардор бўлиши ва шу кабилар);
- шахсий сифатларга (ирода кучи, ташкилотчилик, катъиятлилик, мақсадлилик ва б.);
- коммуникатив хусусиятларга (китобхон билан ишлашда тўғри йўналиш танлаш, унга таъсир қилиш қоидаларини ва усулларини аниқлаш билан бирга, китобхон билан мулоқот ўрнатишда ўзининг имкониятларини, шунингдек китобхоннинг ҳам коммуникатив имкониятларини ҳисобга олган холда, мулоқот жараёнида руҳий мухитни ҳам яратади олиши лозим)27.

Тажрибалар шунни кўрсатади, агар 12, 13, 14, 15 ёшларда шахснинг барча ҳаётий муаммоларининг мураккаблиги тан олинсанга, ўсмиrlар китобхонлик истиқболлари хақидаги очик мулоқотга киришишига рози бўладилар. Ўсмиrlар учун кутубхоначиларнинг адабиётларини билиш имконияти билан бирга бошқаларни тушуна олиш қобилиятлари ҳам қадрлидир. Улар учун бу муҳим, чунки уларда

²⁷ Тугов Ю.М. Об исходном пункте теоретического воспроизведения библиографии // Там же. – 1977. – № 1. – С. 50–67;

Шигилиб қолган саволларга жавоб топиш нафақат зарур хатти-харакатларни, балки қуатта ҳәётй ва педагогик тажрибани ҳам талаб қиласи.

Ахборот манбаларига бўлган эҳтиёжлар ўзгармоқда, ўсмирлар ҳаштида ҳам китобнинг ўрни ўзгармоқда. Ўсмирлар китобхонлигини ташкиллантирувчиларнинг вазифалари: болага ўзи қизиқкан маълумотни олини йўлида чеклов қўйиш эмас, балки унинг маънавий эҳтиёжини қондиришига хизмат қиласидиган, у ёқтирган илмий ва бадиий адабиётни ташланида, уларнинг мазмунини ўсмир тўлиқ англашида ёрдам кўрсатишдан иборат. Шу тариқа, мутолаага бўлган қизиқишини ривожлантириш орқали замонавий ўсмирнинг ахборот маданиятининг шаклланинг тиъсир ўтказиш мумкин.

1.1. Узбекистон йилларидаги мутолаага маданиятининг шаклланитишиш эволюцияси

Маълумки, нена асрлардан бўён ахборотни аннодга маънавий ёрдам берсан ёзма манбалар орқали стказиб келинмоқда. Шу боисдан, ишончот маънавий ўй илмий меросини аннодларга стказиш мақсадида бўуни кешиф эттиш эди. Шундан бўён ёшлар таълимининг асосий қисмими ўқин ва ёзин ташкил этиб келмоқда.

Қадимги аждодларимиз аксар ҳолда саводхонликни ошириш билан кифояланган бўлсалар, бугунги авлод учун фақат ўқиш ва ёзинни билишининг ўзи камлик қиласи. Ахборот асри деб ном олган XXI асрда атрофимизни шунчалик кўп ахборот ўраб олган ва ушбу ахборотлар шунчалик тез ўзгармоқда-ки, ушбу ахборотлар уммонида бемалол суза олиш учун, уларни тез қабул қилиш, тез қайта ишлаш ва улардан самараали фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш талаб этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида яратилган ўрта маҳсус таълим тизимининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, бу муассасаларда асосан ўсмиirlар таълим оладилар. Ўсмиirlик даври эса «инсон хаётининг муҳим даври бўлиб, ушбу даврда шахснинг ижтимоийлашув жараёни билан боғлик жараёнлар, келгусидаги унинг хаёт йўлини белгилаб беради»²⁸. Хусусан, унинг касб танлаши, инсонлар билан мустакил шахс сифатида мулоқотга кириша бошлиши ва бошқа шу каби холатлар айнан ўсмиirl ёшида юз беради.

Республикамизда яратилган кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим бўғинини ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими ташкил этади. Бу тизим йўналиши иккига бўлинади: академик лицей ва касб-хунар коллажлари.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Ўкувчиларнинг имкониятлари ва кизикишларини хисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табакалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўкувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, аниқ, табиий фанлар ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фани чуқур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўлалилар. Бу кўникмаларни муайян олий таълим муассасаларида ўқипни давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рӯёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллажи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради; ўкувчиларнинг

²⁸ Юнусов А.Б. Ўсмиirl меъёрини бузса... Т.: А. Қодирий номидаги ТДМИ, 2008 й. 18-бет.

касб-хунарга мойиллиги, билим ва қўникмаларини чуқур ривожлантириши, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш имконини беради.

2-расм

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўрни



Академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқитувчилари “Кадрлар тайёрлаш” Миллий моделида ушбу тизим олдига қўйилган мақсадлардан келиб чиқкан холда, ўсмир-ёшларда мутолаа маданиятини ширклантеришда қўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишлари тилаб ўтилади:

1. ўқувчиларга дарслик ва ўқув кўлланмалари билан бирга қўшимча адабиётлар, айниқса танланган соҳага доир қизикарли манбаларни таклиф этишлари;

2. дарс машғулотларини олиб бориша ҳамда машғулотларга мустақил тайёрланишда ахборотнинг муқобил манбалари, хусусан электрон нашрлардан кенг фойдаланиш, ўқувчиларга тавсия этишлари;

3. танланган соҳага меҳр уйғотиш мақсадида ўқувчиларни мазкур соҳанинг машхур вакиллари, уларнинг ҳаёт йўли тўғрисидаги ахборот билан таъминлашлари;

4. мутолаа бўш вақтни мазмунли ташкил этишнинг муқобил усули эканлигини ўргатишлари лозим.

Академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқитувчилари олдида турган муҳим ижтимоий вазифа шундан иборатки, ушбу босқич битирувчиларининг кўпчилиги учун ҳаётларидағи сўнгги таълим босқичи бўлиши мумкин. Табиий равишда битирувчиларнинг анчагина кисми олий таълим тизимида ўқиши давом эттиришмайди (2010-2011 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқиши мақсадида ҳужжат топширганларнинг фактат 56,8 фоизини академик лицей ва касб-хунар коллежларининг битирувчилари ташкил этишган)²⁹. Шу боисдан, ушбу босқич ўқувчиларнинг аксарияти учун мутолаа маданиятини шакллантиришда сўнгги имконият бўлиб қолади.

«Инсон томонидан жамиятда ҳаёт кечириш имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилиш жа-

²⁹ “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига 2010/2011 ўқув йилида кабул тўғрисида”ги 2010 йил 28 майдаги ПҚ-1345-сонли Қарори ижроси ва кабул натижалари тўғрисида”. ЎзР ОЎМТВнинг Ҳайъат карори, Тошкент, 06.11.2010.

расини»³⁰ сифатида ижтимоийлашув бир қанча ижтимоий институтлар томонидан амалға оширилади. Хусусан, оила, таълим муассасалари, миҳалла ва бошқалар шахс ижтимоийлашувининг асосий институтлари хисобланадилар. Қадимий кутубхоналар ва замонавий АРМлар ҳам ўзининг жамиятда тутган ўрнига кўра ижтимоийлашув институти вазифасини бажаради.

Шахс ижтимоийлашувининг асосий институти сифатида кутубхоналар доимо бир қанча асосларга эга бўлган. Хусусан, қуйидагилар кутубхоналарни шахс ижтимоийлашувининг асосий институти килиб белгилаб берган ва ушбу жиҳатлар бугунги кунда ахборот-ресурс марказлари учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган:

1. Кутубхоналар доимо турли қуринишдаги ва жанрдаги босма, аудио ва видео ахборотнинг улкан жамғармасига эга бўлиб келган. Унбу маҳсулотлар ва ижтимоий тажрибанинг умумлашма шаклари-нинг асосий вазифаси ёшлиарнинг ижтимоийлашувларини таъминлашдан иборат.

2. Кутубхоналар ижтимоий тажрибани ўзида жамғариш билан бирга уларни етказиб бериш вазифасини ҳам бажарадилар, бу эса, уларнинг ижтимоийлашув институти сифатидаги аҳамиятини оширади.

3. Ижтимоий ахборотни ўзлаштиришнинг асосий усули мутолаа бўлиб, бу шак-шубҳасиз ижтимоийлашишга кўмаклашувчи жараёндир.

4. Ахборот узатишнинг турли шаклларидан фойдаланиш орқали кутубхоналар чукур қайта ишланган маълумот, билим берадилар, бу эса, тажрибасиз ёшлиар учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

³⁰ Фалсафа: қомусий лӯғат (Тузувчи ва масъул мухаррир К. Назаров) – Т.: «Шарқ» шиприет-матбаа акциядорлик компанияси Боз таҳририяти, 2004. 147-бет

5. Шахс ижтимоийлашувида муҳим аҳамиятга эга бўлган оммавий ахборот воситалари каби. АРМлар ҳам мулокотнинг барча шаклларидан: шахсий, маҳсус, оммавий мулокотдан фойдаланади; бундан ташқари, кутубхоналар фойдаланувчилар билан нафақат тўғри, тескари алоқа қилиш имкониятига ҳам эга.

6. АРМлар (болалар, ўсмирлар, ўқув, маҳсус, илмий, оммавий) шахснинг бутун умри давомида ҳамроҳ булиши ва барча даврларда: болалик, ўсмирлик, етуклик, қарилек даврида ҳам ижтимоийлашувга кўмаклашиши мумкин.

7. АРМ хизмати ижтимоийлашув юз берадиган барча соҳаларни: таълим, дам олиш, мулокот жараёнини қамраб олади.

8. Замонавий АРМлар ижтимоийлашув босқичларига: дунёка-рашни шакллантириш, касб танлаш ва шу кабиларга таъсир кўрсатиш имкониятига эга.

9. АРМларнинг ижтимоийлаштирувчи таъсирининг қатъий эмаслиги, унинг ресурсларига мурожаатнинг эркинлиги, айниқса ўсмирларга таъсир қилиш самарадорлигини оширади.

10. Кутубхоналарнинг ижтимоийлашув жараёнига таъсири тўғридан-тўғри булиш билан бирга, билвосита, кутубхона хизмати, кутубхона мулокоти орқали ҳам амалга ошиши мумкин ва бу ҳам, ўсмирларнинг қабул қилиш хусусиятига мос келади.

Шахс ижтимоийлашувида муҳим аҳамият касб этувчи кутубхоналар Ўзбекистон худудида дастлаб Аҳмонийлар хукмронлиги даврида пайдо бўлган. Тадқиқотчи Э.Охунжоновнинг маълум қилишича, ушбу даврда Аҳмонийлар давлати таркибида бўлган Туронзамин халқлари олд Осиё, Юнон, Миср, Хинд ва бошқа худудлардаги халқларнинг китобат ва кутубхоначилик ишидаги илғор ютуқларини ўзлаштириш

имкониятига эга бўлган. Бу ўз навбатида Марказий Осиё худудларида ҳим, «китобларни қўлёзма шаклида кўпайтириш ва китоб мазханлари – кутубхоналар ташкил этилишига» олиб келган³¹.

Қадимги ва ўрта асрларда ўлкамизда тўрт турдаги кутубхоналар фаолият юритган:

1. Давлат кутубхоналари. Бу ерда асосан давлат фармонлари, сулолар тарихи ва зардуштийлик тарқалган ўлкаларда “Авесто”нинг турли қисмлари ва унга ёзилган изоҳлар сақланган.

2. Жамоат кутубхоналари. Асосан дунёвий китоблар жамгармасидан иборат бўлган (қадимги Ойхоним шахридан топилган кутубхонага ўхшаш);

3. Турли диний мазхабларнинг кутубхоналари. Диний мазмундаги китоб сақланувчи омборлар.

4. Олимлар ва диний уламоларнинг, ўқимишли кишиларнинг шахсий кутубхоналари.

Ушбу давр кутубхоналари ўлкамизда кутубхоначилик иши ва китобхонлик маданиятининг тамал тоши қўйилишига хизмат қилган.

Маълумки, VIII асрда Марказий Осиё худудлари араб халифалиги тиркибига қўшиб олинади ва ўлкамизда ислом дини тарқала бошлади. Араблар билан кириб келган янги дин ва дунёкарош маҳаллий яхонининг турмуш тарзига ҳам бир қанча ўзгаришларни киритди. Ҳусусан, кутубхоначилик ишида ҳам исломлаштириш жараёнини қутишимиз мумкин.

Қадимдан мавжуд бўлган давлат кутубхоналаридаги зардустийлик ва бошқа динларнинг қўлёзма асарлари йўқ килиб ташланиб, Қуръон ва ҳадислар, уларга ёзилган шарҳлар билан тўлдириб борилган.

Шунингдек, катта шаҳарлардан тортиб, катта қишлоқ мавзеларигача кўпчилик аҳоли фойдаланиши мумкин бўлган жамоат кутубхоналари мавжуд бўлган. Булар билан бир қаторда мадрасалар ва масжидлар, турли хонақоҳлар қошида кутубхоналар ташкил этилган бўлиб, булар вакф мулки ҳисобланган. Шу боисдан, мазкур кутубхоналарни тадқиқотчи Э.Охунжонов «Вакф кутубхоналари» деб номлашни таклиф этади³².

Кутубхоналарнинг ушбу кўринишлардаги шакллари чор Россияси босқинига қадар ўлкамизда мавжуд бўлган асосий кутубхоналардан бўлиб қолган. Гарчи, темурийлар даврида маданий ҳаётнинг бошқа соҳалари каби, кутубхоначилик иши ҳам тарақкий этган бўлса-да, шаклан деярли ўзгаришга учрамаган. Мазмунан эса, ушбу даврда кутубхоначилик ва мутолаа маданияти тараққиётида эришилган ютуқларни хеч қайси давр билан таққослаб бўлмайди.

XIX аср охириларига келиб, чор Россияси томонидан истило килинган Марказий Осиёда, европача кўринишдаги китоблар ва кутубхоналар кўпая бошлиди. Ўлкада мавжуд бўлган анъанавий кутубхоналар билан бирга, жадид мактаблари кутубхоналари, оммавий ва шахсий кутубхоналар каби шаркона миллий кутубхоналар билан бирга, европача оммавий, илмий жамиятлар, ўқув юртлари, ҳарбий қисмлар, хусусий ва жамоа кутубхоналари пайдо бўлди.

XX аср охирида Кримда пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати тез орада Марказий Осиёга ҳам етиб келди. Қиска муддат ичida бу ерларда ҳам жадид мактаблари ташкил этилиб, болалар ўқитила бошланди. Шунингдек, мазкур мактаблар учун бир қанча ўкув адабиётлари ва дарсликлар яратилган эди. Ушбу китоблар тўпланиб бориб,

³² Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи. – Т: «Адолат», 2004. 45-бет.

кейинчалик мактаблар қошида кутубхоналар, үлка учун янгича күринишдаги ўкув кутубхоналари пайдо бўлди. 1917 йилга келиб, Туркистонда 100 га яқин жадид мактаблари фаолият юритган³³. Юкорида айтилганидек, мазкур мактаблар қошида китоб фонди – ўкув кутубхоналари мавжуд бўлган.

Чор Россияси билан бирга, Туркистон ўлкасида таълимнинг янги тури – ўрта маҳсус таълим муассасалари пайдо бўлди. Хусусан, Туркистон ўқитувчилар семинарияси, реал билим юрти ёки Тошкент шаҳар хотин-қизлар билим юрти шулар жумласидандир. Мазкур билим юртлари ўзларининг ўкув кутубхоналарига эга бўлган. Туркистон ўқитувчилар семинариясида эса, 7000 жилдга эга асосий кутубхона фаолият юритган³⁴.

1871 йил 30 июлда тасдиқланган «Туркистон ўлкаси ўкув юртларининг кутубхоналарини тартибли сақлаш қоидалари» ўкув юртлари кутубхоналарида хизмат қўрсатиш тизимини тартибга солишга багишлиланган. Чор ҳукумати ушбу қоидалар орқали ўкувчи-ёшларнинг китоб ўқишларини тартибга солишга ва назорат остига олишга ҳаракат килган. Тадқиқотчи Э.Охунжоновнинг маълум килишича, мазкур қоидалар ўкувчиларнинг эҳтиёжларига мос келмаган ва шу боисдан, турли норозиликларга сабаб бўлган³⁵. Чор Россияси томонидан руслаштириш ва мустамлакачилик сиёсати кутубхоначилик тизимида ҳам амалга оширилган.

³³ Каранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000. – 270-бет.

³⁴ Каранг: Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи. – Т: «Адолат», 2004. 51-бет.

³⁵ Каранг: Ўша асар, 52-бет.

Маълумки, 1917 йилда октябрь тұнтариши амалга оширилиб, ижтимоий ҳәётда кескин үзгаришлар юз бера бошлади. Хусусан, кутубхоначилик тизимида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилган эди. Яъни, 1917–1919 йилларда давлат, жамоат ташкилотлари ва хусусий кутубхоналар национализация қилинди ҳамда ҳалқ таълимни бүлиmlари ихтиёрига үтказила бошлади. 1919 йил 14 апрелда Туркистан республикаси ҳалқ комиссарлари кенгашининг «Ҳалқ, шаҳар, жамоат кутубхоналари ҳамда хусусий кутубхоналарни национализация қилиш тұғрисида»ги буйруғи зылон қилинади³⁶. Мазкур буйруққа күра, үлкадаги барча кутубхоналар Туркистан автоном республикасининг мулки деб зылон қилиниб, маориф ҳалқ комиссарлыги ихтиёрига үтказилган. Маориф комиссарлыгининг Кутубхоначилик бүлими үлкадаги барча кутубхоналарни национализация қилиш ва бутуnlай янги тизимни бунёд этиш ишларига бosh-кош бүлган. Мазкур тизимга күра, универсал кутубхоналар ва муассасалар қошидаги маҳсус кутубхоналар ташкил этилди.

Маҳсус кутубхоналар тизимига таълим муассасалари ва илмий муассасалар қошидаги кутубхоналар, жумладан болалар ва үсмирлар кутубхоналари ҳам кирап эди. Ушбу давр республикамиз кутубхоначилик тарихида мұхим давр ҳисобланади. Айнан шу даврда кутубхоначилик иши замонавий даражага күтарилди, китобларни каталогластириш, кутубхона-библиография хизмати, ёш ёки касбий хусусиятларига күра хизмат күрсатиш, ахолининг мутолаа маданиятини үрганиб бориш ва бошқа шу каби бир қатор янгиликлар жорий этила бошланди.

³⁶ Культурное строительство в Туркестанский АССР (1917-1924 гг.). Сборник документов, т 1, с 397-398.

Хусусан, мамлакатимизда мутолаа жараёнини социологик тадқик этиши ҳам Россиядаги мутолаа жараёнларининг ўрганилиш тарихи билан узвий боғлиқ. Мустамлака даврида Россиянинг марказий ҳулулларида олиб борилган китоб ўқиш ва унга қизиқиши эмпирик тадқикотлар орқали ўрганиш анъанаси XX асрда бизнинг ўлкамизга ҳам кириб келди. Қизил инқилобдан олдинги Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида китобхонлар аудиториясини ўрганиш амалий социологик тадқикотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган. Тури тарихий даврларда мазкур муаммога қизиқишининг юкори бўлишига сабаб шунда эдикни, мутолаа кучли мафкуравий таъсир куролидир. XX асрнинг аввалидан бошлаб маърифатпарварларнинг таниабуси билан мутолаа жараёнларини тадқиқ этиш ташкилий кўриниш олиб, давлат муассасалари ва тадқиқотчилик жамоалари томонидан амалга оширила бошлайди. Бизнинг ўлкамизда эса, жилидчи-маърифатпарварлар жамиятда кутубхоналарнинг ўрни бекиёс эканлигини, ўлкани мустамлака зулмидан, энг асосийси фикр қарамлигидан озод қилишда уларнинг аҳамияти катта эканлигини тўғри тушуниб, тури кутубхоналар ташкил этишга, бунда китобхонлар эквиёжларини ўрганишга ва уларни қизиктирувчи мавзулар ва йўналишлардаги адабиётларни кўпайтиришга харакат килдилар.

Коммунистик мустамлака даврида собиқ марказдаги тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда республикамиз тадқиқотчилари ҳам кенг иштирок этар эдилар. Бирок, бу борадаги таниабус, муаммонинг методологик жиҳатларини ривожлантириш иссан собиқ марказдаги олимларнинг ихтиёрида эди. Ўзбекистонда эса социологик тадқиқотлар иссан кутубхонашунос ёки библиограф

тадқиқотчилар томонидан амалга оширилиб, уларнинг илмий изланишларида эмпирик база вазифасини ўтаган.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб тадқиқотлар собиқ иттифоқ давлат кутубхонасининг услубий раҳбарлигига, марказлашган ҳолда олиб борилди. Мазқур тадқиқотлар жуда кўп ҳудудларни камраб олганлиги билан фарқланади. 80-йилларнинг охиrlарига келиб эса, тадқиқотлар бошқа ҳудудларда ҳам мустақил амалга оширила бошланди.

1991 йил миллий мустақилликка эришилиши ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби, мутолаа маданиятини тадқиқ этиш ишига ҳам янгича мазмун касб этди. Аввало, истиқлол натижасида республикамизда социология фани мустақил тараққиёт йўлига кирган бўлса, дастлабки диссертацион илмий тадқиқот ишларидан бири – А.Умаровнинг докторлик диссертация иши айнан мутолаа ҳодисасининг социологик жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланди³⁷. Ушбу тадқиқот иши мутолаа ҳодисасини комплекс ўрганишга бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг мутолаа маданиятини шакллантириш ҳолати ва истиқболлари кенг ёритилган.

Бирок ушбу илмий тадқиқот иши республикамиз аҳолисининг мутолаа маданиятини таркиб тоғтириш ва ривожлантириш борасидаги вазифаларни кенг қамраб ололмаган. Ҳусусан, аҳолининг ёш ёки жинс гурухларига, касбига ва бошқа хусусиятларига кўра ўзига хосликларни тўлик очиб бермаган. Шу боисдан, мутолаа маданиятини тадқиқ этувчи тадқиқотчилар олдида бир қатор мажмуавий йўналишлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

³⁷ Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц-я фанлари доктори илмий дар-ни олиш у-н тай дисс-я Т., УзМУ, 2005 й.

- маданий меъёрлар ва қадриятларга муносабатни ўзида акс эттирувчи китоблар ва кутубхоналар ҳақидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш;
- ижтимоий ва маданий контекстда шаклланган ахборот айланиши тузилмасини таҳлил қилиш, ушбу тузилмада замонавий АРМларнинг ўрнини аниклаш;
- оила, таълим муассасалари ва бошка ижтимоий институтларда адабиётни ўзлаштириш даражасига кўра китобхонликни шакллантиришни тадқиқ этиш;
- китобхонлар аудиторияси бўлиннишини, китобхонлик малакаси ва талабларини, китобхонлик фаоллигини таҳлил қилиш;
- ҳаётнинг турли соҳаларига (иш, ўқиш, дам олиш) мутолаанинг таъсирини ўрганиш;
- янги ахборот технологияларининг мутолаага таъсирини тадқиқ этиш.

Бугунги кунда мутолаа социологияси асосан амалий тадқиқотлар билан чекланмоқда ва бунинг натижасида мутолаа социологиясининг ягона назарияси, «китобхон» тушунчасига ягона ёндашув, тадқиқот услубларида бир хиллик мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, ушбу амалий тадқиқотлар келгусида назарий умумлашмалар қилиш учун асос назифасини ўташи мумкинлигини, тавсифловчи тадқиқотлардан таҳлил қилувчи ва башорат қилувчи ёндашувларга ўтилишини, мутолаа мадданияти ва китобхонлик ҳодисасидаги ўзгаришларни ўрганишни таъминлаш имконини беради.

Хусусан, ана шундай мажмуавий тадқиқотлардан бири 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилган олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларида маънавий муҳитни ўрганишга доир ўтказилган социологик

сўров эди³⁸. Ушбу сўровда ўқувчи-ёшларга «Сиз ўз билимларингизни ривожлантириш учун одатда қандай йўл тутасиз?» деган савол билан мурожаат этилган ва ушбу саволга жавоблар таҳлили кутубхоналардан ўрта-маҳсус таълим муассасаларининг атига 17,0% талабалари фойдаланаётганлиги аникланган. Респондентларнинг деярли ярми (49,4%) мустакил тайёрланишларини маълум қилганлар. Кутубхоналар эса, ёшларнинг факат ўқув адабиётларига бўлган талабларини кондираётганлиги аниқланган. «Сиз қўшимча билим олиш учун зарур ўқув адабиётларини қаердан оласиз?» деган саволга жавоблар таҳлили эса, 61,3 фоиз талабалар ўқув адабиётларини айнан кутубхонадан олишларини маълум қилганлар.

Тадқиқот якунига кўра, Марказ тадқиқотчилари томонидан таълим муассасаларига кутубхоналарнинг иш фаолиятини жонлантириш, талаба-ёшларни мазкур муассасаларга кенгроқ жалб этиш бўйича тавсиялар берилган.

Замонавий АРМларнинг асосий хусусиятларидан бири – уларнинг китобхонларга аҳборот олишнинг мумкин қадар барча хизматларидан фойдаланишлари учун имконият яратиб беришдир. Бирок 2005 йилда кўпгина таълим муассасалари кутубхоналари талаба-ёшларга мавжуд компьютер техникаридан фойдаланиш имкониятини бермаган. «Сизнинг ўқув даргоҳингизда дарсдан ташқари вактларда компьютердан фойдаланиш имконияти борми?» деган саволга жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, 60,7% респондентлар «барча имкониятлар бор» деб жавоб берган ҳолда, 28,3 фоизи «компьютер бор, бирок ундан фойдаланишга руҳсат беришмайди» деган жавобни белгилаганлар. Ушбу салбий маънодаги жавоб кўпроқ (42,9%) Тошкент шаҳридаги

* 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги кошидаги Педагогик, социологик ва психологик тадқиқотлар Маркази томонидан социологик сўров ўтказилган эди. Тадқиқотда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида Олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасалари тўлиқ камраб олиниб, хар бир таълим муассасасининг 10 фоизгача бўлган ўқувчи-ёшлари иштирок этган эди.

ЎМТМлар талабалари томонидан кўрсатилган. Шунингдек, Фарғона (39,9%) ҳамда Хоразм вилоятлари (38,0%) ўқувчиларига ҳам мавжуд компьютерлардан фойдаланишга кўп рухсат берилмас экан.

3-расм.

Иш ўқув дарёхинизда дарсдан ташқари вактларда компьютердан фойдаланиши имконияти би
(Учуминий қўз резакчи)

- D) бизнинг ўқув юртимизда компьютер умуман йўқ; 1%
C) мавжуд компьютерлар жуда эски; 2%
компьютер бор, бирок фойдаланишга раъбар беришмайди; 61%
E) бошқа жавоб; 8%

4-расм.

Готинингизда дарсдан ташқари вактларда компьютердан фойдаланиши и
(Худудларга кўра таскиланиши)

- | | | |
|---|--|------------------------------------|
| <input type="checkbox"/> A) барча | <input type="checkbox"/> B) компьютер | <input type="checkbox"/> C) мавжуд |
| имкониятлар бор | бор, бирок | компьютерлар |
| | фойдаланишга | жуда эски |
| | рухсат | |
| | беришмайди | |
| <input checked="" type="checkbox"/> D) бизнинг ўқув | <input checked="" type="checkbox"/> E) бошқа жавоб | |
| ирияни | | |
| юртимизда | | |
| компьютер | | |
| умуман йўқ | | |

Мазкур жавоблар таҳлили XX аср охириларига келиб ва XXI аср бошларида ёшларнинг кутубхоналарга қатнови камайганлигининг сабабларини тушуниш имконини беради. Яъни, анъанавий кутубхоналар ёшларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжларини қондира олмай қолган эди ва натижада ёшлар ушбу эҳтиёжни қондиришнинг муқобил варианatlарини қидира бошлаганлар. Шу боисдан, 2006 йил 20 июняда кабул қилинган ^{*}Узбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўгрисида»ги ПҚ- 381-сон қарори ўз вақтида чиккан мухим хужжатdir. Ушбу қарорга кўра, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги анъанавий оммавий кутубхоналар ўрнига замонавий ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказлари ташкил килиниб, ушбу марказлар олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим муассасалари ўқувчи ёшларининг таълим олишлари ва аҳолининг мустакил таълим олишларини тизимли ташкил этиш;
- миллий маънавий-ахлокий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, шахснинг маънавий баркамол ва ҳар томонлама ижодий ривожланиши учун имкон яратиш;
- янги ахборот технологиялари асосида (маълумотларнинг электрон базалари, интернет-ресурслар) аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;
- маданий, маърифий, ахборот ва бошқа дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда таълим муассасалари, махаллий ўз-

үзини бошқариш органлари, миллий маданий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш³⁹.

Ушбу қарорни амалиётга жорий этиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли 4955 та анъанавий кутубхоналар ўрнида 914 та замонавий ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди⁴⁰. 2007 йил май ойига келиб, 914 та АРМдан 343 таси Интернет тармоғига уланган. АРМлар таълим муассасаларининг ички имкониятлари хисобидан 743 принтер, 450 сканер, 334 нусха кўчириш ускуналари билан таъминланди. АРМларни мўлжалли равишда компьютер дастурлари ва техникалар билан таъминлаш мақсадида 4354,0 млн. сўмлик дастур ишлаб чиқилди. Лозим бўлган компьютер техникалар микдори аниқланиб «Халқ сўзи» ва “Народное слово” газеталари орқали тендер эълон килинди.

Мазкур ахборот-ресурс марказлари аҳолининг, айниқса ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан бирга, уларнинг мутолаа маданиятини оширишга ҳам хизмат қилиши лозим. Бунинг учун эса, ушбу муассасалар замонавий талабларга жавоб берувчи ходимларга ҳам эга булиши талаб этилади. Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида боскичма-боскич равишида 2006 йилда АРМларнинг 93 та ходими ўз малакасини ошириди. 2007 йилда эса ТАТУ ва ТДМИ курсларида жами 552 нафар АРМ раҳбарни ходимларининг малакасини ошириш амалга оширилди.

³⁹ ЎзР Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги карори. «Халқ сўзи» газ-си, 2006 й. 21 июнь.

⁴⁰ Статистик маълумотлар ЎзР Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги карорини амалиётта жорий тинниг услубий раҳбарликни амалга оширган А Навоий номидаги Миллий кутубхона таъдид этган маълумотлар асосида келтирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиизда амалга оширилаёт-
ган ислоҳотлар аҳолининг мутолаа маданиятини оширишга хизмат
қилиш билан бирга, мутолаа социологиясининг ривожланишига ҳам
хизмат қилади. Бунда, мутолаа социологиясининг мустақил йўна-
лиш бўлиб карор топишига алоҳида эътибор қаратиш, унинг наза-
рий асосларини бойитиш, амалий тадқиқотларнинг йўналишлари ва
кўламларини кенгайтириш, замонавий кутубхоначи ходимларнинг
мутолаа социологияси ва психологияси соҳасидаги билимларини
oshiриш ва мутолаа ҳодисасини кенг ижтимоий-маданий контекстда
урганиш талаб этилади.

II-БОБ. ЎСМИР-ЁШЛАРДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

2.1. Ўзбекистон ўсмир-ёшларининг анъанавий мутолаа манбаларига муносабатлари

Кишининг мутолаа билан банд бўлиши кундалик ҳаётда содир бўлиб турадиган зерикиш, қолаверса чарчаш аломатларига таъсир килиб уларни қайсиdir даражада самарали имкониятга айлантиришга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Жамиятшунос сифатида шуни эътироф этиш мумкинки, бугунги жадал суръатлар билан кечеётган ҳаётимиз, табиийки бозор муносабатларининг таъсири туфайлидир. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилмасида мутолаа институтларининг асосий вазифаси жамият аъзоларини уларнинг касби, ёши, жинси, миллати, диний эътикори, ижтимоий ахволидан қатъи назар тез ва сифатли равишда ахборот билан таъминлаш, шунинг асосида маънавий маданиятни шакллантиришдан иборатдир. Шундай бир шароитда китоб ўқиш, нафақат уни ифодали ўқиш, балки таҳлил этиш, мулоҳаза қилиш учун муайян фурсат талаб қилинади.

Бугун, таассуфки, баъзи кишилар аввалгидек катор жилдли китобларни ўқишдан кўра, унинг муқова, варакларидағи айрим сатрлар ва зарур ёки аскотиши мумкин бўлган жумлаларга кўз юргутиришни биринчи ўринга кўйишга одатланмоқдалар. Табиийки замондошимизни бугун кучли эҳтирос, дабдабали ва чиройли сўзлар билан қойил колдириш қийин бўлганидек, ўз ўқувчимизни ҳам ишканавий тарзда ёзиладиган бадиий, илмий, илмий-публицистик исарларни ўқишга ҳаммавакт ҳам жалб эта олмаймиз. Бу хусусда мутолаа маданияти бўйича катта мутахассис А.Умаровнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга лойик: «... кутубхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ этиш, уни тизимиш тарзда такомиллаштириш, шиддат

билин кечеётган глобаллашув жараёнларида кутубхоналаримиз факат бирёқлама интеллектуал қабул қилиш майдони бўлиб қолмасдан, аксинча ахборот узатишнинг фаол марказларига айланиши зарурлиги масаласи ҳамон кўндаланглигича турибди».⁴¹

XXI аср ўкувчиси тўғрисида фикр-мулоҳазаларимизни давом эттирадиган бўлсак, у ўзи учун зарур бўлган адабиётга, биринчи навбатда, тарғиб-ташвиқ қилинган ва ўзи “жиддий” деб эътироф этадиган адабиётга диққатини қаратади. Ўкувчи ўзининг ўқиши лозим деб ҳисоблаган адабиётни ҳар қандай йўл билан (Интернет тармоғи, танишлари, турли даражадаги кутубхоналар ва х.з) бўлса ҳам қидириб топади ва уни ўқиб ўрганади. Шунинг учун айтиш мумкинки, замондош ўкувчининг онгига биринчи бор таъсири ўтказадиган тизим, бу маълум бир китобга йўналтирилган рекламадир.

Таникли социолог ва психолог тадқиқотчилар, жумладан Г.Тард, Г.Лебон, Б.Бехтерев⁴² каби мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай рекламанинг самараси оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг индивид ёки субъектга нисбатан ўтказаётган таъсири-дандир. Илмий тилда бу жараён “суггистология” деб номланиб, инглиз тилида “сингдириш тўғрисидаги фан” – деган маънени англатади. Суггистология жараёни бозор шароитларига асосланиб, бунда эътибор биринчи навбатда истеъмолчига нисбатан қаратилади ва у оддий схема бўйича ишлайди, яъни *талааб этувчи субъект – субъект* асосий омилга айланади. Ушбу назарияни мутолаа дунёсида таҳлил этамиз. Бунинг учун Тошкент шаҳрида фаолият

⁴¹ Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараккиёт. Т.: 2008. – Б. 123.

⁴² Каралсин: Громув И. А., Майдевич А. Ю., Семенов В. А. Западная теоретическая социология. М.: Ольга, 1997.

юритаётган китоб дўконлари ва у билан боғлиқ савдо шахобчаларидаги мавжуд адабиётлар мажмуасига диққат қаратишнинг ўзи кифоя қиласи. Асосий китоблар сериялари, китобхонлик даражасини аниқлаш учун биз ўз менталитетимизга аосланган ҳолатда Ташкент шахридаги китоб сотиш мажмуаларига мурожаат қилдик. Бизнинг бу обьектга мурожаат килишимизнинг сабабларидан бири, ёниқ кузатув асосида ўқувчиларнинг китобхонлик ҳолатини аниқлаш ҳамда аҳоли орасида қайси мавзудаги китобларга эҳтиёж борлигига диққатни қаратишдан иборат эди. Шундай қилиб, мутолаа жараёни харид қилинаётган (ўқилаётган) китоблардан келиб чиқиб, қўйидагиларда ўз аксини топади:

- психологияга оид адабиётлар - болалар психологияси, стакчилик ва ҳокимият психологияси, оила ва муҳаббат психологияси, шахс психологияси ва дарслеклар. Шундан кейин психологиянинг бошқа йўналишлари бўйича адабиётлар топиш ўта мушкул бўлиб қолади, сабаби қолган йўналишларга ўқувчи қизиқиш билдирамайди;
- фалсафага оид адабиётлар - мумтоз Фарб фалсафаси, антик юнон фалсафаси, Конфуций фалсафаси, қадимги хинд фалсафаси, эзистенциал фалсафа ва дарслеклар. Бу соҳада ҳам юқорида тиккидлаганимиздек, фалсафанинг бошқа жиҳатларига ўқувчининг қизиқинши сусаяди;
- шарқшунослик ва диншуносликга оид адабиётлар – ислом динини, сўфизм фалсафаси, мистик диний фалсафа, қисман христианлик, қисман буддизм, дарслеклар. Диннинг бошқа йўналишлари бўйича илмий манба ва адабиётлар топиш кейин бир оз қийинлашади;

- тарих фанига оид адабиётлар – ўрта асрлар Евросиё тарихига оид адабиётлар биринчи ўринда туради. кейинги ўринни этнография ва этнология соҳаси эгаллайди, сўнгра совет даври тарихи, аммо у ҳамма вақт ҳам юқори талаб эгалламайди, сўнгра археология, қадимги дунё тарихларининг ҳам асосан Евросиёга оид кисми бўйича адабиётлар мажмуасини топиш мумкин. Дунёнинг бошқа минтақаларига оид тарихий манба ва адабиётлар деярли мазкур шахобчаларда ўз ўрнини топиб улгурмаган;

- тилшуносликка оид адабиётлар – инглиз тилини ўрганишга оид адабиёт ва турли ҳажмдаги луғатлар биринчи ўринда туради. кейин француз, немис тилига оид шу каби адабиётларни топиш мумкин. Қисман испан, араб, хинд, форс, рус, хитой, япон, корейс, турк тилларини ўрганишга мўлжалланган адабиёт ва луғатларни учратиш мумкин. Адабиёт соҳасида рус тилида чоп этилган жаҳон детектив асарлари етакчи ўринни эгаллайди, кейинги ўринда фантастик асарлар, болалар адабиётида эса Гарри Поттер саргузаштлари билан боғлиқ адабиётларни кўплаб кузатиш мумкин;

- иктисодиётга оид адабиётлар – биринчи навбатда макроиктисодиёт, микроиктисодиёт, пул-кредит ва молияга оид дарсликлар, қисман илмий адабиётлар рўйхатини кузатиш мумкин;

- хукуқшуносликка оид адабиётлар – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига оид кодекслар тўпламлари, мамлакат Конституцияси ва унга оид адабиётлар, хукуқшуносликка оид дарсликлар, мусулмон хукуқшунослигига оид адабиётлар энг кўп ададда бўлади;

- **ахборот технологиялари соҳасида** – компьютер технологиялари ва дастурлаштиришга оид ўкув кўлланмалари ва дарсликлар рўйхатини келтириш мумкин.

Ушбу китоб мажмуасининг доимий аъзолари кимлар. – деган саволга жавоб қидирадиган бўлсак, биринчи навбатда олий ўкув юртлари ва илмий тадқиқот институтининг ходимлари, аспирант ва тадқиқотчилар, ўз устида доимий изланиш олиб борадиган талабалар, кўпинча магистрлар грухини мисол келтириш мумкин. Аммо аҳолининг умумий сонидан келиб чиқадиган бўлсак, барибир бу міндор у қадар юқори кўрсаткични ташкил этмайди.

Иккинчи ўринда кўлами бўйича ўз ўкувчисига эга бўлган китоб дўконлари ва шахобчалари пойтахтнинг “Эски шаҳар” кисмида жойнаниганд. Бу ерда асосан ўзбек тилида мутолаа қиласидиган ўкувчилар учун турли жанрдаги адабиёт ва манбаларни келтириб ўтиш мумкин. Ўзига хос жиҳати шундаки, ушбу жойда харид килинаётган китоблар анъянавий турмуш тарзи, миллий қадриятлар ва мусулмон маданиятини акс эттирувчи мавзуларга қаратилган. Мазкур китоблар асосан Куръони Карим, ҳадислар, мусулмон қонунчилиги, ўрта асрлар мусулмон дунёси, Маворауннаҳрнинг етук олим ва алломалирининг назм ва насрда битилган асарларидан ташкил топган. Ўкувчиларнинг ижтимоий ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг кўнчилигини ўрта ёш ва кекса маҳаллий аҳоли ташкил этади. Китобхонларнинг маълумот даражаси ҳам турлича, яъни бу жойдаги ўкувчилар ичida олий маълумотлилар билан бир қаторда ўрта миҳус билим даражасига эга бўлган китобхонларни ҳам истаганча учратиш мумкин. Ушбу китоб мажмуасининг ўкувчилари ҳаммавақт генжум, китоблар нархи ҳам у қадар кимматлик қilmайди ва,

бизнингча, Тошкент шаҳрида энг кўп китоб хариди шу ерда амалга оширилади.

Энди китоблар билан савдо килувчи яна бир мажмуага эътиборни қаратсак. Бунга асосан шўро даврида фаолият юритган китоб дўконлари ва уларнинг “букинистик китоблар” деб номланувчи бўлимлари фаолиятини киритиш мумкин. Бу каби китоб дўконларида қисман эски нашрлар учраб турса-да, кўпроқ мустакиллик йилларида Ўзбекистон нашриётларида чоп этилган турли мавзудаги дарслик, илмий ва бадиий асарларнинг кирилл ва лотин алифбосидаги намуналарни харид қилиш мумкин. Соҳалар бўйича кузатадиган бўлсак, энг кўп китоблар бу – мактаб дарсликлари, олий ўкув юртларининг талabalariга мўлжалланган дарсликлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, меъёрий хужжатлар ва хукукшуносликка оид адабиётлар, ўзбек адибларининг бадиий-публицистик асарлари, мусулмон тарихи ва ахлоқшуносликка оид китоблар жавонларга тахлаб кўйилган. Бу савдо мажмуаларида ўқувчилар мавсумий ойларда, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, ўкув йили бошланишида, яъни август, сентябр ва қисман октябр ойларида гавжум бўлишади. Бошқа вактда бу китоб мажмуалари асосан канцелярия маҳсулотларини сотиш билан банд бўлади.

Энди ўз ахамият даражасига кўра тўртинчи ўринга қўйганимиз, яъни “ноёб китоблар” бўлимида, китобхон мутолаа учун кўпроқ илмий адабиётларга мурожаат килади. Ўқувчилар мақоми ҳам шундан келиб чиқиб, илмий ходим ва тадқиқотчилар гуруҳидан иборат бўлади.

Мутолаа жараёнларининг энг замонавий услубини биз бешинчи даража деб олдик ҳамда унга Интернет тармоги ва электрон

кутубхона базасидан фойдаланувчи ўқувчиларни киритдик. Унинг иштирокчиларининг сафи ҳозирги кунда анча кенг бўлиб, унда турли ёшдаги ҳар хил касб эгалари иштирок этаётганини кузатишмиз мумкин. Бироқ, эътироф этиш лозимки, яъни мутолаанинг унибу соҳаси билан шуғулланаётганларнинг катта қисми, балким учдан икки қисми ёшлардир. Хуллас, кузатишлар шундан далолат бералики, турли хил китобхонлар оммаси орасида ўсмир-ёшлар мутолааси кўпроқ замонавий ахборот технологиясига таянгани билан ажралиб туради.

Жадал ахборотлашаётган жамиятда шахснинг ахборот олиш майданиятини шакллантириш жараёнида китоб ва унинг ўрнини босадиган билим манбаларининг шиддат билан ортиб бораётгани, унибу манбалар сирасига Интернет тармоги келиб қўшилгани ҳам плохида аҳамият касб этади. Бундай вазиятда ўқувчиларга нафақат тиълим бериш, балки уларда Интернетдан тўғри фойдаланиш, керакли маълумотларни тезкорлик билан топиш кўникмаларини ҳосил қилиш муҳим бўлиб колмоқда. Шунга кўра, мутолаага қўйиладиган талаблар ҳам ўзгармоқда: эндиликда манбаларга мурожаат этингда билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш савиаси ва ундин фойдаланиш сифатига эришиш асосий мақадга айланмоқда. Лекин эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда Интернет тармогида ўйбек тилидаги маълумотлар базалари етарли даражада эмаслиги ўқувчининг электрон манбалардан фойдаланган ҳолда мутолаа кўнини эҳтиёжларини тўла кондира олмаяпти.

Бугунги ахборотлар оламидаги ижтимоийлашув босқичига ўйра мутолаа (ўқиши) майданияти китоб ҳамда электрон матн устида ишланиши доир билим, кўникма ва малакалар мажмуасини кўзда

тутади. Муайян даврга қадар ўзбек тилида яратилган кутубхона-чиликка доир методик адабиётларда китоб ўқишининг инсон маданий ва маънавий ҳаётида тутадиган ўрни, ахамияти ҳақида муфассал гапириб келинди. Янги асрда адабиётларнинг электрон матнлари пайдо бўлиши муносабати билан китоб ўқиш торроқ тушунчани (фақат китоб мутолаасини) англатадиган бўлиб қолди, шу боис “китоб ўқиш маданияти” бирикмасидан китоб сўзини тушириб қолдириш зарурати туғилди. Лекин ўзбек тилида «ўқиш маданияти» тушунчаси “ўқиш” сўзининг лугавий маъносида «китоб ўқиш” ва “таълим олиш” маънолари борлиги учун ҳам моҳиятан ифодалан-мокчи бўлган маъно талабига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Шуни назарда тутган айрим мутахассислар «мутолаа маданияти» тушунчасини маъқул кўра бошладилар.⁴³

Мулоҳаза ва таҳлилларимизни давом эттирамиз. Маълумки, сўнгги йилларда Farb ва Sharқ мутахассисларининг турли соҳаларда олиб борган илмий тадқиқотлари ва ижодкорларнинг бадиий асарла-ридан ўзбек тили орқали ҳам баҳраманд бўлмоқдамиз. Инкор этиш-нинг ҳожати йўқ, русийзабон китобхон имконияти кенг бўлиб, улар инсоният яратган буюк асарларнинг рус тилидаги таржимаси билан чексиз микдорда танишиши имконига эга бўлдилар. Бу жараён мислсиз суръатда давом этмоқда. Кузатишларимиз асносида шу нарсага икрор бўлиш мумкин: миллатидан қатъи назар, русийзабон ўқувчининг китоб мутолаасига бўлган талаб ва эҳтиёжи юкори даражада қонлирилиш имкони мавжуд.

⁴³ Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараккиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц-я фанлари доктори илмий дар-ни олиш у-н тай. дисс-я. Т., УзМУ, 2005 й.

Сўнгги йилларда китоблар таннархи кескин ошганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу, албатта, китоб савдосига салбий таъсир кўрсатди, натижада бундан китобхонлик даражаси ҳам сезиларли зарар кўрди. Лекин кейинги пайтларда китоб маҳсулотлариға қўйилаётган талаб ҳам бугунги бозор муносабатлари қонуниятларининг маромида бўлиб, улар ўзининг яхши-ёмон хусусиятларини қуидаги ларда намоён қилмоқда: а) китоб муковаси ва қофоз сифатининг юкори эстетик дид талабларига мувофиқлиги таъминланадигани; б) Ҳаридоргир китобларнинг катта микдорда чоп этилаётгани; в) нацирларда ўқувчининг ижтимоий-рухий кайфияти ва характеристига мутаносиб аҳборотлар билан бойитилган далиллар кўплаб берилиши; г) давр руҳини ишончли тарзда кўрсатиб бера оладиган услублар асосида ёзилган китоб ва манбаларнинг вужудга келиши; д) бир-бирини тўлдирувчи ҳамда кетма-кетлик асосида чоп этилаётгани серияли адабиётлар мажмуси ҳам мутолаа ҳажмини оширмоқда (матъумки, собиқ иттифоқ даврида бир муаммо юзасидан икки ёки учта муаллифнинг китоби нашрдан чиқиб, кейинчалик узок вақтгача бу масалага қайтилмаслиги мумкин эди, бугунги кунда ўқувчини кайсиdir мавзу қизиктирса, шунга оид ўнлаб китобларни истаганча тониши мумкин); е) ёш ўзбек китобхонининг лотин алифбосида бўлган адабиётларга эҳтиёжи ҳамма вақт ҳам тўлиқ қондириляпти, леб бўлмайди; ж) хорижий тил ва компьютер билимларини эгалланига ёшларнинг интилишлари катта эканлиги кузатишларда яққол кўринниб турибди ва бу уларнинг энг кўп вақтини олади, албатта. Аммо бадиий адабиётга қизиқиш, адабий асарлар мутолааси олдинги оммавийлигини йўқотган. Ана шундай шароитда ўсмирниларни билим олишга, мутолаага қизиктиришнинг йўлларидан

бири уларга таълим масканларида, кутубхоналарда қулайликлар яратишидир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов үзининг «Баркамол авлод орзуси» китобида куйидаги фикрларни илгари суради: «Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шунчалар тифиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ха, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди. Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мафкуранинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки, сир эмас, баъзан беозоргина булиб туюлган мусика, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади». ⁴⁴ Анъанавий кутубхона шароитида керакли китобни кутубхона каталогидан қидириб топиб, унга буюртма бериб, уни олиш учун китобхон ўз қимматли вақтини йўқотади. Истеъмолчининг жаҳон ахборот ресурсларидан тезкорлик билан ахборот олиш имкониятлари мавжуд бўлган бир шароитда, юкоридаги ҳолат кутубхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун эса, биринчи навбатда кутубхоналар фондлари анъанавий каталогининг электрон кўриниши шакллантирилиши биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган масала ҳисобланади. ⁴⁵ Аммо биз ҳар қандай тараққиёт даврида ҳам мавжуд анъанавий тажрибадан буткул воз кечиш шарт эмас. деб ҳисоблаймиз. Айникса, бу ўқув дарсликлари, таълим соҳаси билан bogлиқ адабиёт ва манбаларда яққол намоён бўлади.

⁴⁴ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: «Шарқ», 1999. – 35 бет.

⁴⁵ Мухаммадиев А.Ш. Электрон ресурслар таълимнинг ахборот таъминоти сифатида. / Кутубхона ресурсларидан фаол ва ижодий фойдаланиш муаммолари. Бептер ўқишилари-2004. давра сұхбати мавзуси. Тошкент. 2005. – 25-26 бетлар.

Табиийки, мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг, катта ҳажмдаги дарсликлар янгиланиб, кўплаб қўшимча адабиётлар ҳам чоп этилмоқда. Нафақат ёш авлод, балки юртдошларимизнинг онги ва қалбига миллий истиқлол гоясини сингдириш долзарб вазифа бўлиб турган бугунги кунда мутолаанинг ҳам аҳамияти самарали саналади. Аммо баъзи илмий адабиёт ва манбалар билан танишиш вақтида мутолаа учун нокулайлик юзага чиқиши ҳоллари бўлиб қолмоқда. Бу биринчи навбатда китоб баёнидаги ғализликлар билан боғлик. Ҳозирги вақтда олди-қочди мавзуидаги кўпгина “асарлар”нинг баёни ўта ғализ, такрор сўзлар, грамматик хатолар нафақат китобхоннинг бадиий дидини пасайтиради, балки мутолаага бўлган рагбатини ҳам сусайтиради. Таъкидлаганимиздек, илмий адабиётларда ҳам фикрнинг тушунарсиз, идрок учун мушкул ифода этиш, бир-бирига боғланмаган жумлалар, имлога эътибор бермаслик курслари болалаб кетди. Айрим тадқиқот ишларида интеллектуал мулк масаласига, яъни муаллифлик ҳуқуки масаласига юзаки ёндашилаётгани (кўчирмачилик) ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Тўгри кўчирмачилик сўзма-сўз бўлмаслиги мумкин, аммо маъно ўнармаган ҳолда, жумлаларнинг “ўзгача” бузиб келтирилиши баённи мураккаблаштиради. Буларнинг ҳаммаси ўкувчидага мутолаага бўлган ҳавасни сўндиришга хизмат қиласди.

Бу хусусда улуғ мутаффакир Абу Райхон Берунийнинг қуйидаги сўzlари фикримизни янада ойдинлаштиради: «Гарчи биз [бу китобнинг] баъзи жойларида турили фанларга ўтиб, баёнимизга алоқаси узок, [масалаларга] киришиб кетсан ҳам, бу гапни чўзиш ва қўништириш мақсадида эмас, балки ўкувчини зериктирмаслик учундири. Чунки доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва

сабрсизликка олиб келади. [Ўкувчи] фандан фанга ўтиб турса, турли боғлар-да юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши «ҳар бир янги нарсада лаззат бор» дейилганидек, уларни [кўриш-га] кизиқади ва кўздан кечиришни истайди”.⁴⁶

Шунингдек, айрим илмий тадқикот ишларида баъзи бир жумлани боши билан охирида боғлиқликни топа олмай қоламиз. Шу ўринда биз айрим жиҳатларни тўхталиб ўтишни истардик. Тарих соҳаси мутахассисларининг таъкидлашларига кўра ҳар қандай ёзилган хат, китоб, асар вақти келиб архив ҳужжатига айланади. Тарихий ҳужжат эса ворислик асосида кейинги тадқикотчиларнинг эътиборидан қочиб қутулмайди. Шундай бир паллада, жиддий бир тадқикотчи қиёсий таҳлил асосида ҳар қандай ёзилган ишнинг микдорий ва сифатий томонларини истаганча исботлашга уринади. Бу каби иланишни фанда танқидий мушоҳададан келиб чиқиб, далиллар билан исботланган тадқикот иши, – деб юритилади. Ана шундай тадқикот ишларига мутолаа талаби ҳамма вақт юкори бўлиб келган.⁴⁷ Шундан келиб чиқкан ҳолда, биз ўқувчидағи мутолаанинг статистик даражасини баҳолашимиз мумкин.

Жамият мавжуд экан, унда истиқомат қилаётган киши бутун умри давомида китоб билан ҳамкор ва ҳамнафас яшайди. Балки, унинг ҳаммавақт китоб мутолаа қилишга вақти бўлмас, аммо ахборотлар дунёсининг ажralмас қисми сифатида у қайсиadir даражадаги маълумотларни олишга мажбур бўлади. Берунийнинг донишмандона фикрларини таҳлил этишни давом эттирамиз, унинг

⁴⁶ Беруний А. Қадимги ҳалклардан колган ёдгорликлар. Т.: Фан, 1954. – 106-бет.

⁴⁷ Қаралсин: Марк Блок. Апология истории или ремесло историка. М.: “Наука”, 1986.

мулоҳазаларидан бирида, “ахборот турларидан бири, балки муҳимроғи китобат ёзувиdir, агар у бўлмаганда, қадимий воқеалар, илмлар ҳакида маълумотларга эришиб бўлmas эди”, – деб ёзди.

Ҳар бир ҳалқнинг миллий онги ўсиши – унинг миллий маънавияти ривожланиши даражаси, имкониятлари билан белгиланади. Бошқача айтганда, етук миллий онг баркамол миллий маънавиятнинг натижаси сифатида юзага келади. Ҳар қандай миллат ўз қадркимматини билиши ва англаши, келажакка комил ишонч билан бориши умумий миллий маънавият, миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира ва дунёқарашинг ривожланиб бориш жараёни билан белгиланади. Бу ҳолатни ривожлантиришда табиийки, китобхонлик, мутолаа маданиятининг муҳим ҳиссаси бор. Инсон дунёқарашида миллийлик омиллари заиф бўлиши манқуртлик ҳолатини келтириб чикаради. Манқуртлик тушунчаси кишиларда миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира йўклиги ёки ниҳоятда заифлигини билдиради.⁴⁸ Мутолаа маданиятининг шаклланиши ёшлардаги миллий онг ва тарихий онгнинг ривожланишида етук самара беради. Бундай натижа мавжуд таълим тизими билан бир қаторда кутубхоналар ва кутубхоначилик тизимини ҳам такомиллаштириш асосида юзага келиши мумкин. Ҳар қандай мамлакатнинг кутубхоначилик тизими унинг миллий бойлиги саналиб, ундаги мавжуд ҳужжатларин йигиш ва саклаш ҳамда жамият фуқаролари маънавий талибини қондириш кутубхонанинг бош вазифаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кутубхоналар китобхонларга хизмат кўрсатиб-гини қолмай, балки кутубхонада турли тадбирлар ва байрамлар

⁴⁸ Раҳмонов Р., Файзиев Ф. Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира. Т.: Ўзбекистон, 2008. – 32- бет.

ўтказиш доимий ишга айланиб бормокда. Кутубхоналарда китобни тарғиб этиш максадида кутубхона ходимлари турли усуллардан фойдаланадилар. Масалан, китоб кўргазмаси, китобхонлар анжуманлари, турли китобхонлик қунлари шулар жамласидандир.

Кутубхоналар ижтимоий жиҳатдан муҳим маскан бўлиб, улар жамиятдаги барча катта-ю кичик ахолига хизмат қиласди, китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжлари бўйича иш олиб боради. Республикашимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Ана шу ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда кутубхоналарнинг ўрни ҳам бекиёсдир.

Кутубхоналарда ўтказиладиган турли мавзудаги тадбирлар ҳам шу максадга қаратилган, десак хато бўлмайди.

Республиканинг етакчи кутубхоналаридан бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам юқорида қайд этилган тадбирлар амалга оширилади, хусусан, ҳар йили 20 сентябрдан то 30 сентябргача “Мутолаа байрами” деган умумий ном остида туркум тадбирлар ўтказилади.

Бундан кўзланган максад республикамиз китобхонларининг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг мутолаа маданиятини қўтариш, китоб тарғиботини жонлантириш, аҳолининг кенг қатламларини ахборот олишнинг янгича технологиялари билан таниширишдан иборат. Ёшларимизнинг мутолаа маданиятини ошириш, уларни кутубхона ва китобга қизиқтириш максадида кутубхонада давра сухбатлари, турли танловлар ўтказилади.

Китобхонлик инсонни маънавий бойитиб, уни маърифий камолот сари етаклайди. Зоро, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши маънавий тафаккур илдизининг қанчалик чуқур ва мустаҳкамлигига

боғлиқ. Бу мустаҳкамлик эса китоб ўкиш, ўқиган китобининг энг муҳим нуқтасини илғаб олишдан иборатdir.

Китоб ёш авлодга таъсир этишининг энг қулай воситасидир, у инсон ҳис-туйгусига, ахлоқига, хатти-харакатига, дунёкарашига таъсир этади, айниқса, ўсмир ёшида, яъни унинг шаклланиш даврида алоҳида мавқега эга. Бадий адабиёт, турли фанларга доир кизиқарли китоблар, луғатлар, маълумотномалар болалар маънавиятини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўсмирлик ёшида киз ва ўғил болалар мустақил бўлишга интилишади. Уларга илгаригидек, болалардек муомала қилишни ёктирмайдилар, ўzlари билан катталардек, тенгдошдек муомалада бўлишни истайдилар. Бу борада ота-онадан энди эҳтиёткорлик талаб этилади. Бу мустақил бўлиш замирида уларнинг барча яхши хислатларга эга бўлиш истаги, унинг идеаллари мавжуд бўлиб, ташки қиёфасидаги номутаносиблиқ, овозидаги ўзгаришлардан кутулиш, эришиш қийин бўлган орзу-истаклар ётади. Айниқса, жинсий балоғатга етаётгани унинг ҳәётида ижобий томонга ўзгариш ўринига салбий хатти-харакатлар килишга ҳам улардаги физиологик иш психологик омиллар турткни бўлиши мумкин.

Маълумки, ўсмир болаларнинг кўп вақти мактабда, ўрта маҳсус тиљим муассасаларида ўтади. Шу боисдан ўсмирларга нафакат ота-она, балки улар билан бир қаторда ўқитувчи ҳам ижобий таъсир ўтказишни мумкин. Агар ўқитувчи болаларда ўзига ишонч руҳини сиптирига олса, бу унинг катта галабасидир. Китобхонлик – ана шу ишонч туйгусини уйготувчи муҳим восита. Китобхонлик ўсмирларнинг ўкув файларини ўзлаштиришидагина эмас, умуман шахс сифатида ишланишида ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ўсмирлар

китобхонлигига раҳбарлик қилучи устоз ёки кутубхона ходими унинг фақат ақлий шаклланишини хисобга олмай, балки бутун маънавий қиёфаси шаклланишига ёрдам бериши керак.

Ўсмирлар маънавияти тадрижий ривожланиб борувчи фаол жараён. Шу сабабли бу жараёнда иштирок этувчи масъул шахслар (ота-она, устоз-мураббий, кутубхоначи) китобдан фойдаланишда қуидаги омилларга эътибор беришлари лозим:

1. Ўсмирларда китоб ўқиш иштиёкини ҳосил қилиш. Бу масала ниҳоятда мураккаб бўлиб, ўсмирларнинг китобхонликка бўлган муносабатини белгилайди. Тан олиш керак. Ўсмирларнинг бугунги китобхонлик даражаси қоникарли эмас. Бу ижтимоий муаммодан чиқиб кетишнинг ягона йўли ота-онанинг ёрдамга келишидир. Мактабда ўқитувчи, уйда ота-она болада китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиши керак. Бунда оддийдан мураккабликка, яъни мураккаблиги жиҳатидан нормал, боланинг камолот даражасига мос бўлган китоблар танлаш кўл келади. Шарқ мутафаккирларининг тажрибасига кўра, китобхон (ўсмир) кайси мавзуга қизикса, унга шу мавзудаги китобни тақдим қилиш керак. У китоб ўқишига кўникма ҳосил қилгач, аста-секин унга ихтисослашган китоблар тақдим қилиб борилади.

2. Китоб танлашда ўсмирнинг маънавий даражасини хисобга олиш лозим. Ота-онанинг ўсмирда китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилишдаги илк вазифаси китоб танлаб беришидир. Уларнинг савиясига мос бўлган адабиётларни кенг тарғиб қилиш ўсмирларни жамиятнинг муносиб фуқароси, мустақил давлатимизнинг етук, баркамол инсонлари бўлиб етишишига олиб келади. Бироқ китоб танлашда китобхоннинг (ўсмирнинг) маънавий даражасини хисобга олиш бирмунча мураккаб омилдир. Бу ҳакида ёзувчи Худойберди Тўхтабоев

шундай дейди: «13-15 ёш ўртасида ўсмир қувноқ, беташвиш болалик билан хайрлашиб ўсмирилик даврига қадам қўяркан, унинг психологиясида, физиологиясида катта ўзгаришлар юз беради, кучига куч, гайратига гайрат қўшилади. Бу ҳолларда, болалиги ўтган мактаб ва оиласдан иборат дунё торлиқ килиб қолади, унга. Кенгроқ дунёга қадам кўйгач, шу кенг дунёнинг сиру асрорини билгиси келиб қолади. Баланд кояларни забт этган альпинистлар билан денгизларда бўронларга карши кўкрак керган жасур кишилар билан, бир ўзи ўнлаб душман билан жанг қилолган қаҳрамонлар билан учрашгиси келади. Жумбокларни ечгиси, жумбокларни осон ечган кишилар билан суҳбатлашгиси келиб қолади. Ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўзини йўқотмайдиган, жасур, матонатли кишилар ўсмир руҳига тинчлик бермай қўяди. Ўзи ҳам жасур, матонатли бўлгиси, қийин жумбоқларни сиб, ўзини шу қиёфада кўргиси келиб қолади ўсмирнинг. Худди шу наилада ўсмирлар саргузашт асарни ахтариб қолади, қаҳрамоннинг флолиятида бола ўзининг орзу-истакларини, ўзлигини ахтаради. Болаларнинг ва ўсмирларнинг саргузашт асарларга ўчлиги шундан. Айсуски, бу жанрдаги асарлар бизда бармоқ билан санаидир». Китоб танланшида ўсмирнинг маънавий даражасига таяниш унинг интеллектуал ўсишига олиб келади. Китоб танлашда ўсмирнинг ёш хусусиятини ҳисобга олиш унинг рационал ўсишига олиб келса, маънавий даражасини ҳисобга олиш эса интеллектуал ривожлантиради. Бу эса рационалликдан кўра кенг қамровли ва самаралидир. Шунинг учун бутун оиласда китобхонлик руҳи бўлиши керак. Бунда оиласдаги китобга бўлған муносабат, биринчи навбатда ота-онанинг китобга бўлган муносабати катта роль ўйнайди. Оиласда китобхонлик руҳи бўлса, бу биноводига бола руҳиятига ҳам таъсир этади. Юқорида таъкидланга-

нидек, бунда илк тавсияни бадиий адабиётдан бошлаб, кейинчалик ихтисослар бўйича китобларни тавсия этиш мумкин.

3. Китоб танлашга ихтисослашиш. Ўқитувчи, ота-она ўсмирни фаол китобхонга айлантиришда уни ихтисослаштириб бориш йўлини тутишлари керак. Бу борада ҳам эски технология – ўсмир юкори синфга ўтганда ихтисослаштириш керак, деган фикрдан воз кечиш лозим.

Аксинча, дастлабки (бошлангич) босқичларданоқ ўсмирнинг маънавий дунёси, тарбия мухити, кизиқиши, дунёкараши ва психолигик хусусиятлари хисобга олиниб, ихтисослаштирилиб борилиши зарур. Бу тажриба Америка таълим тизимида ўзини оклаган. Уларда болани 12 ёшга қадар ихтисослаштиришга ҳаракат қилинади ва шунга караб китоб танлаб берилади. Бу дастлаб мутахассисларни чўчитган эди, лекин Америка таълим тизимининг кейинги 30 йиллик тажрибаси ўсмирларни бошлангич синфлардаёқ ихтисослаштириш самарали эканлигини исботлади. Бунда асосий натижа ўсмирда мустакил фикрлаш ва ҳаракат қилишга интилишнинг пайдо булишига эришилди.

4. Китобни экспертизадан ўтказиш. Жамиятимиз эркинлашиб, демократлашиб боргани сари китоб нашр этиш ишларида ҳам эркинлик юзага кела бошлади. Табиийки, бу ҳол турли савиядаги китобларнинг нашр этилишига сабаб бўлмоқда. Шу маънода ота-она бола учун китоб танлаётганида китобнинг маъно-мазмуни, услуги жиҳатидан мутахассис кўригидан ўтказиб олиши мақсадга мувофиқ. Бундай қилиш тарбиянинг асосий йўналишларидан чалгимасликка, ўсмир маънавий дунёсининг тўғри шаклланишига ва қўйилган мақсадга этишишига олиб келади. Бу тажриба ўзбек миллий педагогикаси тарихидан ҳам маълум. Ота-оналар ёш жиҳатидан ёки асарнинг мазмуни жиҳатидан муайян талабларга тўғри келмайдиган китобни ўз фарзандларининг

ўқишини қатъий тақиқлаганлар. Бу ўринда Алишер Навоийнинг болалигига бўлиб ўтган воеа ибратли ва қўпчиликка маълум. (Алишербек 4–5 ёшлик чогида Фаридиддун Атторнинг “Мантиқ уттайр” достонини кўп мутолаа килганидан унинг таъсирида болада руҳий ўзгаришлар зоҳир бўла бошлаган. Бундан хавотирга тушган отаси китобни яшириб, уни ўқишини таъкиқлаб қўйган. Аммо бу тадбирнинг бефойда бўлганини биз биламиз: достон Алишербекка бошдан-оёқ ёд бўлиб кетган эди). Бугун ҳам тарбиянинг бу жиҳати муҳим саналади.

5. Китоб ўқишини кузатиб, назорат қилиб бориш. Бугун ота-оналар, устозлар, тегишли мутахассислар тарбия жараёнининг натижаси бўлган китобхонлик билан кўпроқ қизиқиши керак. Шу маънода ўсмирлар китобхонлигини мониторинг қилиб бориш мақсадга етишнинг самарали жиҳатларидан биридир.

Мониторинг, китобхонлик юзасидан тест синовлари, китобхонлик кечалари, мулоқот, давра сухбатлари, турли мавзууларда мунозаралар, илмий-амалий анжуманлар, сухбатлар, социологик-эмпирик тадқиқотлар ва аналитик текширувлар воситасида амалга оширилиши мумкин. Китоб ўқишини мониторинг қилиб бориша хориж тажрибаларига мосланиш янада мақсадга мувофиқдир.

Китобхонлик қобилияти түгма эмас, у инсоннинг ўз устида ишлаши орқали, тарбия воситасида камол топади. Китобхонлик бу ижодий меҳнат. Буюк мутафаккир олимлар, фан ва маданият арбоблари аввалимбор истеъоддли китобхон ҳам бўлганлар.

Ўсмирлар маънавий маданиятини шакллантиришда китоб қучли восита бўла олади. Китоб мутолаасидан ўтган инсон, ундан ўзига хулоса чиқаради. Натижада ўз билимини, дунёқарашини кенгайтиради.

Билимли, саводли, маданиятли, жисмонан бакувват, маънавий етук, руҳан тетик ва эътиқоди мустаҳкам инсон бўлиб етишади.

Афсуски, аксар мактаб кутубхоналари, академик лицей ва касбхунар коллажлари АРМлари керакли китоб жамғармасига эга эмас. Уларда фақат дарсликлар, турли қўлланмалар ва айрим бадиий китобларгина бор, холос. Ваҳоланки, бугунги шароитда ҳозирги машғулотлар – янги адабиётлар, вактли матбуот нашрлари, лугатлар, турли қомуслардан ҳам фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, ҳозирги кунда китобхонга унинг руҳини бойитадиган бадиий китоблар, тафаккурини чархлайдиган илмий рисолалар, ^{Узбекистоннинг} тарихи, маданияти, маънавий қадриятларига оид кундалик ҳаётда унга ёрдам берадиган қўлланмалар зарур.

Чунки, ўсмир дарсликдан билиб олганларини қўшимча адабиётлар мутолааси орқали мустаҳкамласа, унинг дунёкараши кенг, билими янада теран бўлади.

Болалик йилларига караганда энди ўсмирнинг кўп вақти мактабда ўтади. Мактабдаги барча таълим жараёни китоб билан боғлик. Улардан бешинчи-олтинчи синфларда китобхонлар фаоллашиб борса, VII-IX синфларда уларнинг сони камая боради. Энди уларнинг китобга қизиқиши онгли тус ола бошлайди. Уларнинг баъзилари илмий фантастика билан қизиқа бошласа, иккинчилари техника, табиат, спортга доир адабиётлар билан қизиқа бошлайди, бошқалари эса тарихий ва биографик адабиётларни севиб ўқиди. ^Ўсмирларни кескин, тез ривожланувчи, қаҳрамонлик, драматик сюжетли асарлар қизиктиради. Улар иродаси кучли, жасур инсонларни ёқтиради. Шунинг учун ҳам уларни саргузаштли адабиётлар ўзига тортади. Энди у китобни ўзи ўкий бошлайди. Ҳаёт ҳақида фикрлаш, инсонлар ўртасидаги муносави

батларни тушуниб етиш учун ҳам кўпроқ китоб ўқий бошлайди. Китобдаги қаҳрамонларга ўхшашни хоҳлайди.

Ўсмирлар китобхонлигига ота-оналар томонидан раҳбарлик уларнинг болалик даврига қараганда ўзгара боради. Бу даврда оддий насиҳатлар ўсмирларга ёкмайди. Энди ота-оналар ўсмирларга китобхонликда, мактабда ва уйда раҳбарлик қилишида ўзгаришлар бўлади: улар билан маслаҳатлашиш, фикрларини тинглашнинг аҳамияти орта боради.

Маълумки, китобхонни аввало китобда тасвирланган воқелик қизиқтиради. Аста-секин бу қизиқиш унинг ҳиссиётига таъсир этиб, тасвирланган воқелик билан ҳаёт воқелигини таққослай бошлайди, тасвирлардаги гўзалликни англай бошлайди, қаҳрамонларнинг характеристи ҳакида ўйлай бошлайди, муаллифнинг мақсади билан қизиқади.

Бугунги кунда ўсмирларда китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиш учун асосий мақсад – тарғиботнинг янгича турли усуслари асосида маданий-тарихий, маънавий-ахлоқий меросни тарғиб қилиш, ўтган буюк мутафаккирлар ижодини кенг ёйиш, ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз колдирган бой маданий ва маънавий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаллас қадриятларимизни саклаш ва асрраб-авайлашдек туйғуларни уйғотиш каби тарғиботни кенг йўлга қўйишимиз керак.

Факат бу борада биз китоб воситасида тарбиялашнинг янги усул ва механизмларини яратишимиз лозим.

Ўсмир болаликдан оиласда китоб ўқишини билган тақдирдагина яхши китобхон бўла олади. Адабиётшунос олим Сафо Матжон “Китоб ўқишини биласизми?” деган асарида шу масалада мулоҳаза юритади. У китобхонлик кўп жиҳатдан адабиёт ва жамият тараккиётига bogлиқ деб

кўрсатади ва китобхонликни ижодий меҳнат сифатида таъриф этиб, китобхонлик меҳнатининг шакли, даражаси, танланган асарнинг турига қараб ўзгариб боради, дейди олим. Бу борада илмий асарлар, албатта муайян меҳнат талаб этиши, бадиий асарни ўқиш гарчи меҳнат талаб этилмагандай кўринса ҳам, аслида китобхон қаҳрамон бошидан кечирган воқеалар орқасидан бориб, асарда тасвирланган воқеалар устида фикр юритади, қаҳрамонлар тақдирини ўйлаб, диққатини жамлайди, тафаккурини ишга солади. Бу ёзувчи мақсадини, асарда илгари сурилган муаммони ўйлашга, фикр қилишга йўллади. Ана шу жараён китобхонда эстетик хис-туйғу уйғотади. Шунинг учун ҳам, бадиий асарни ўқиш ва ўқиганини тушуниб ўқиш муҳим саналади. Хуллас, китобни “тушуниб” ўқиш, китобхонлик даражасини, унинг маданиятини кўрсатади. Буюк мутафаккирлар биринчи навбатда қобилиятли китобхон ҳам бўлганлар. Демак, китобхонлик қобилияти туғма эмас, балки инсоннинг китоб устида ишлаши, малака ва қўнималар ҳосил қилиши орқали камол топа боради, дейди олим⁴⁹.

Лекин буюк муҳаддис И мом ал-Бухорийнинг китобхонлик қобилияти бу фикрни бирмунча рад этади. Бунга И мом ал-Бухорийнинг китоб устида ишлашини мисол тарзида кўрсатиш мумкин. И мом Бухорий мактабда савод чикаргач, 10 ёшларидан араб тилини ўрганиш ва ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёзишга қунт билан киришадилар. И мом ал-Бухорий истеъододли ва зийрак, мулоҳазалари ўткир киши бўлганлар. Ривоят қилишларича, қайси китобни қўлга олиб, бир маротаба мутолаа қилсалар, ҳаммаси ёд бўлиб қолаверарди. И мом Бухорийнинг ўз сўзларига кўра, юз минг саҳиф (ишончли) ва икки юз

⁴⁹ Қаранг: Матжон Сафо. Китоб ўқишни биласизми? – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 25–26- бетлар

минг ғайри саҳих (ишончсиз) ҳадисни ёд билганлар. Машхур мухаддис 16 ёшга қадам қўйганда Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий (1181/736 – 1821/798) ва Вакиъ ибн ал-Жарроҳ (130/747–195/812)ларнинг китобларини батамом ёдлаб олган эканлар. Уларнинг ўзлари йигирма ёшларидан китоб ёза бошлаганлар.

Демак, китобхонлик туғма ҳам булиши мумкинлигига буюк мухаддис ҳаёти ва фаолияти бунинг далилидир.

Аммо Сафо Матжоннинг китобхонлик тарбиясига доир фикрлари дикқатга сазовор. У “Китобхонни аввало, асарда тасвиранган воқелик қизиқтиради. Бундай қизиқиши аста-секин ҳиссиётга таъсир кўрсатади. Китобхонда асарда тасвиранган воқелик билан ҳаёт воқелигини таққослаш майли уйғонади”, дейди ва китобхонлик тарбиясида бадиий адабиётнинг ҳаётни англашга ва китобхонга эстетик завқ беришига боғлик, деб кўрсатади.

Шунинг учун ҳам, Сафо Матжон ўсмирларда китобни танлаб ўқиш маданиятини таркиб топтириш гоясини илгари суради. Чунки китобни танлай олган китобхон маънавий бой китобхонга айланади.

Демак, ота-она биринчи навбатда болаларга китоб танлашда ёрдам бериши зарур. Бу борада факат бадиий асаргина эмас, ўсмир дунёкарашини кенгайтирадиган қизиқарли илмий-оммабоп китоблар ҳам, турли маълумотномалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Албатта, бу ишда болаларнинг индивидуал қизиқишлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Боланинг қайси соҳага қизикишини ўрганган ҳолда “Қизиқарли математика”, “Қизиқарли кимё”, “Қизиқарли ботаника”, “Болалар энциклопедияси”, “Нима? Қаерда? Нима учун?” каби китоблар ҳам секин-аста тавсия этиб борилади. Бунга оид шундай бир воқеани мисол келтириш мумкин. Иисмли ўсмирнинг 6-синфда оиласи бошқа шаҳарга

кўчганлиги муносабати билан мактаби ҳам ўзгаради. У тамоман бошқа мухитга тушиб, аълочиликдан ўртacha ўкувчи даражасига тушиб қолади. Айниқса, математика ўқитувчиси билан чиқиша олмай, дарсларга ҳам қатнамай кўяди. Ўнинчи синфга ўтганда ота-она ташвишга тушиб, таниш математик ёш олимдан ўгиллари учун қўшимча машғулотлар ўтишни илтимос қиласидилар. Тез орада И. бутун вужуди билан математикага берилиб кетади. У ҳатто йўл транспортида кетаётганда ҳам қизиқарли масалалар ечиш билан банд бўлади. Ўн биринчи синфни ўртacha битирса ҳам, институтга кираётганда барча имтиҳонларни табиий-математика фанлари бўйича муваффакиятли топшириб, тала-балик баҳтига эга бўлади.

Мазкур мисол ўсмирни китоб ўкиш ва билим олишда ота-онанинг китоб танлашга ихтисослашиши, китоб билан ишлашда болага индивидуал йўл топиш кераклигининг амалиётдаги намунаси саналади. Бу ўринда ўқитувчи янги ўкувчи қалбига йўл топа олмади, ота-она эса унда бошқа мураббий ўқитувчи ҳамда қизиқарли математика оркали китобхонликка муҳаббат уйғотди. Кейинчалик у ота-онаси кутубхона-сидаги ўттиз уч жилдлик жаҳон фантастикасига доир ва кутубхонадаги барча ноёб китобларни ўқиб чиқди ва ҳар қандай мавзуда ҳар бир шахс билан баҳслаша оладиган дунёқараш ва билимга эга, техникани чуқур эгаллаган мутахассис бўлиб етишди. Юқоридаги фикрга асосланиб айтиш мумкинки, китобхонлик қўлга тушган китобни ўкиш эмас, балки инсон қизиқишига ва дунёқарашига кўра танлаб ўкиш ҳамdir. Бола китоб ўқишини билган тақдирдагина, китоб болаларнинг маънавий хаётига кириб боради.

Демак, китоб ўқишини билиш энг аввало китоб ўкиш технологиясини билиш демакдир. Бунинг учун китоб ўкиш аввало боланинг

маънавий эҳтиёжига айланиши зарур. Ана шунда болага кутубхонадан китоб олиб ўқиш ёки оила кутубхонасидан фойдаланиш мунтазам, узлуксиз давом этишини ота-она назорат қилиб боради.

В.А.Сухомлинский шундай ёзади: "Китоб ўқиш бу – бамисоли бир дарча бўлиб, болалар шу дарчадан караб, дунёни ҳам, ўзларини ҳам билиб борадилар. Китоб ўқиш билан бир қаторда ва ҳатто илк бор китоб ва рақлашдан ҳам олдинрок сўз устида дикқат билан ишлаш бошланган бўлса, бу иш болалар актив фаолиятининг ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларини меҳнат, ўйин, табиат билан муомалада бўлиш, мусиқа, ижодни қамраб олган тақдирдагина ана шу дарча болага очилади. Гўзаллик яратувчи ижодий меҳнатсиз, эртак ва фантазиясиз, ўйин ва мусикасиз китоб ўқишни бола маънавий ҳаётининг соҳаларидан бири сифатида тасаввур ҳам қилиб бўлмайди"¹.

Буларнинг барчаси бола нутқи ва тафаккурини ўстиради. Ҳаётдаги воқеа ҳодисалар китобдаги воқеа ҳодисалар билан уйғунлигини сезгандагина, уни қўра олгандагина ва тушуниб хис этгандагина китобдагилар боланинг маънавий дунёсига айланади. Китоб ўқишга тайёрланиш хис-туйғуси боланинг маънавий ҳаётида зарурятга айлангандагина ҳақиқий китобхонлик пайдо бўлади. Ана шу пайтда ўсмир мактабдаги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув адабиётларидан топмаган маънавий озиқни ота-она тавсия этган китоблардан олади. Китоблар болаларга ўйлаш, атроф-оламдаги нарсаларни, воқеа-ҳодисаларнинг тасвиrlанишини хис этиш орқали уларга бефарқ муносабатда бўлмасликни тарбиялайди. Лекин булар боланинг аклий-хиссий-эстетик даражасига мос бўлгандагина унинг маънавий бойлигига айланади. Шунинг учун ўсмир ёшидаги болаларга

¹ Сухомлинский В.А. Сердце отдаю детям. – Киев: Радянська школа, 1974 г. - 288 с.

китоб танлашда “Ўзбек халқ эртаклари” ва достонлардаги қаҳрамонлар хаёти, ажиг манзарадар болалар қалбига ўрнашиб, маънавиятини ҳам шакллантириб боради.

Халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд бўлган болалар улғайган сари мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарини ўқий бошлайди. Ана шунда оила кутубхонасини ташкил этиш ёки мавжудларини бойита бориш болаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш ва маънавий шаклланишида энг муҳим восита саналади. Зеро инсонни мустакил ҳаётга маънавий тайёрлаш китоб оламига олиб киришдан бошланади. Агар бу иш педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилган бўлса, бола ўйлаш ва фикр юритишга ўрганади. Натижада, ўсмирнинг фикри, туйгуси, зътиқоди, дунёқараши тарбияланиб, улар ўз муаммоларига ўзлари жавоб топишга харакат қила бошлайдилар. Оиласида ўз оиласини, ўзи яшаётган Ватанини, ўз она тилини, жонажон тупроғи ва ерини, мусаффо осмонини, атрофини ўраб турган табиат ва мавжудотларни севгандагина ҳақиқий зътиқодга эга бўлади ва буларнинг барчаси китобга бўлган зътиқоди туфайли камол топади.

Ўсмир ёшида болалар рухиятида, жисман табиатида юз берадиган баъзи қалтис ўзгаришлар ёшлигидан китобга муҳаббат тарбияси натижасида барҳам топади. Китоб ўқиш унинг кундалик эҳтиёжига айланган тақдирдагина унинг қалбига яхшилик, эзгулик уруги униб чиқиб, уни маънавий шакллантиради.

Лекин республикамизда болалар китобхонлигини ривожлантиришда болалар адабиётининг ўзи талаб даражасида эмаслиги, ҳозирги иктиносидий тақчиллик шароитида нашр ишларининг тушиб кетганлиги, болалар учун яратилаётган кўпчилик асарларнинг бадиий юксак даражада эмаслиги, уларнинг болалар рухиятига мос келмаслиги, ота-

оналарнинг бу борада педагогик билимга эга эмаслиги, болалар китобхонлигига доир илмий-методик адабиётларнинг етишмаслиги болалар китобхонлигининг пасайишига ва мутолаа тарбиясининг талаб даражасида эмаслигига сабаб бўлмоқда.

Китобхонлик тарғиботи эса, онда-сонда баъзи ёзувчи, адабиётшуносларимизнинг куюнчак мақолаларидан нарига ўтмаяпти.

Мазкур муаммони ҳал этишда биз юкорида келтирган омиллар асосида қуйидагиларга риоя қилишимиз мухим.

Биринчидан, айниқса, болага, ўсмирларга тавсия этиладиган китобнинг бадиий юксак савияда бўлиши уларнинг маънавий шакллашишига ёрдам беради.

Иккинчидан, ота-оналар болаларга китоб танлашда, айниқса ўсмирларнинг ёши, психологияси, қизикиши, дидини ҳисобга олиши ёки зарурият пайдо бўлганда мутахассислар билан маслаҳатлашиши керак. Шу билан бирга ҳар бир асарнинг тарбиявий жихатларига ҳам зътибор бериш зарур.

Учинчидан, китоб танлашда факат ўзбек адабиётигина эмас, кардош ва чет эл адабиёти намуналаридан ҳам болаларга тавсия этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртингчидан, оиласарда яна бир мухим муаммо – китобни асрашва уни ўзидан кейинги оила аъзоларига ёки бошқаларга етказишидир. Кўпинча биз кузатган оиласарда китоб танлаш, уни ўкишга зътибор берилади-ю, лекин авайлаб-асрашга, китобга меҳрни тарбиялашга бефарқ қарайдилар. Айниқса, серфарзанд оиласарда хоҳ дарслик бўлсин, хоҳ бадиий ёки оммавий адабиётлар бўлсин, улар ҳар бир хонадон аъзосига ўзидан кейинги оила аъзоларига ҳам кераклигини тушунтириш асосий вазифалардандир.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, ёшлардаги мутолаа маданиятини янада такомиллаштиришда анъанавий китобхонлик тамойилларини, ҳар қандай усул билан бўлса ҳам, тўлиқ саклаб қолиш, шунинг баробарида янги замонавий электрон-техник воситаlardан ҳам тўлиқ фойдаланишни ўзлаштиришга эришиш даркор. Негаки, XXI аср постиндустриал жамият, ёки интеллектуал салоҳиятли кишилар даври, деб баҳоланаар экан, айнан ўзбек ёшларининг ақлий салоҳияти даражаси миллиатнинг эртанги кунини белгилашда муҳим омил бўлиб қолади.

2.2. Мутолаа маданиятини шакллантиришда янги ахборот технологияларининг ўрни

Жамиятда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг ривожланиши ҳамда маданий ва ахборот соҳалардаги давлат сиёсатининг такомиллашуви билан Ўзбекистон кутубхоналари тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди. Зеро, тоталитар жамиятдан фарқ қилиб, очиқ демократик жамиятда ҳокимият ва бошқарувнинг номарказлашиши, бозор иқтиқодиёти, телекоммуникациялар ривожи, эркин маълумот олиш имкониятлари билан боғлиқ янгича шароитлар кутубхонлардан янги, турли-туман ва мураккаб вазифаларни ҳал этишни талаб қилмоқда, улар янги устувор йўналиш, алоҳида тамойилга эга бўлиб, ўзаро ва атроф-муҳит, социум тузилмалари билан янгича шаклда алоқаларни ташкил қилмоқда. Ахборот асрида жаҳон ҳамжамияти билан тобора интеграциялашиб бораётган Ўзбекистонда бугунги кунда ахборот тўплаш, тарқатиш ва унга эга бўлиш жараёни, мазкур жараёнда кутубхона хизмати кўрсатиш ҳам янгича тусга кириб бормоқда.

Мазкур жараёнда ахолининг мутолаа маданияти улкан аҳамият касб этиб, жамиятнинг бутун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий,

маърифий, илмий ва ҳаказо институтлар билан мустаҳкам ўзаро алоқадорлик вазиятини сақлаб келмоқда. Ушбу ўзаро таъсирланишлар асносида мутолаа маданияти уларга таъсир кўрсатиш билан бирга, ўзи ҳам улардан таъсирланиб, тараккиётнинг янги босқичларига кўтарилимоқда.

Жамият тузилмасида мутолаа институтларининг асосий вазифаси фойдаланувчиларни тез ва сифатли равишда ахборот билан таъминлаш ҳамда аҳолининг билим ва кўнижмаларини ошириш, уларда китобхонлик тажрибаси ва мутолаа маданиятини шакллантиришдан иборот. Мутолаа институтларининг жамиятнинг бошқа ижтимоий институтлари билан ўзаро алоқадорликлари силсиласида мутолаа институтлари, хусусан, кутубхоналар жамиятнинг бошқа институтлари талабларига жавоб бериш учун уларни тез ва сифатли равишда муълумотлар билан таъминлаши лозим. Бунда уларга бугунги кунда янги ахборот технологиялари яқиндан кўмак беради. Кутубхоначилар мазкур жараёнда фаол иштирок этиб, маълумотлар билан таъминлаш борасида ўзларининг вазифаларини тўлиқ бажаришлари учун хизмат кўрсатишнинг янги шаклларини таклиф этишлари лозим.

Электрон ҳужжатларнинг кутубхона ва китобхон учун фойдали жиҳатлари қуидагилардан иборат:

1. Айрим ҳужжатларнинг электрон шакли фойдаланиш учун кулайрок, чунки уларни мазкур шаклда кидириш ва қайта ишлаш ёки стастистик хисоб-китобларни амалга ошириш осон кечади;
2. Баъзан ҳужжатларни факат электрон шаклда яратиш ва ишлатиш мумкин бўлади;
3. Нашр маҳалотларининг ҳажми шу қадар тез кўпаймоқдаки, кутубхоналар тобора камроқ маҳсулот харид қилишга мажбур

бүлмоқда. Электрон воситалар эса, нисбатан кам жойда улкан маълумот сақлаш имконини беради;

4 Сақлаш харажатларининг нашр маҳсулотларига қараганда анча арzonлиги.

Бироқ маълумотларинг электрон шакли кутубхоналар ва ноширлар олдида бир қатор хуқукий ва иқтисодий муаммоларни пайдо қилди. Хуқукий муаммолар муаллифлик хуқуки, маълумотга зғалик хуқуки, маълумот олиш ва ундан фойдаланиш қондаларидан иборат. Иқтисодий муаммолар эса маълумот олишни молиялаштириш билан bogлиқ. Одатда кутубхоналарга китоблар ва вактли нашр маҳсулотларини сотиб олишга бюджет маблағлари ажратилади. Ривожланган давлатларда эса кўпроқ «ахборот-ресурслари бюджети» тушунчаси ишлатилиб, бу ҳолда қанака шаклдаги манба бўлмасин, маълумот олиш имкониятини енгиллаштириш тушунилади.

Маълумотларнинг янгича шаклга ўтилишини тезлаштирган омил компьютер ва телекоммуникациялар соҳасидаги ривожланиш бўлди. Кутубхоналар мазкур жараёндан четда қолишилари мумкин эмас эди. Мутолаа жараёнлари кутубхоналардан ташқари индивидуал, жамоавий ва бошқа истеъмол тармоқларида амалга ошиб, маълумотлар базаларининг кескин ўсиб бориши анъанавий кутубхоналарни аҳамиятсиз ва иккинчи даражали муассасаларга айлантириб қўйиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун, кутубхоналар қуйидаги йўналишларда фаолият юритишлари тақозо этилади:

- ҳамкорлик ҳамда ресурслардан биргаликда фойдаланишнинг анъанавий шаклларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;
- хизмат кўрсатишнинг мослашувчан ва кенг миёсдаги шаклларини таклиф қилиш;

- янги ва энди ишлаб чиқарилаётган шаклларга эга бўлиш имконини яратиш;
- маълумот олиш имкониятини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ривожланаётган телекоммуникациялар инфраструктурасига кириш;
- молиялаштиришнинг янги манбаларини кидириб топиш ва ривожлантириш:
- бўлгуси ахборот технологияларининг ривожланишига кўмаклашиш.

Янги ахборот технологиялари ривожи кутубхоначилардан ўз соҳаси билан бирга, техник билимларга ҳам эга бўлишни тақозо килади. Фондлар ривожи келажакда ҳам турлича баҳолашни талаб этади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, бугунги кунда инсоният кутубхоналарда нисбатан кичикроқ жойда катта микдордаги маълумотларни саклаш ва узатиш имконини берувчи технологиялардан фойдаланиш даражасига етиб келди. Биро бугунгача бўлган йўл узоқ ва машақватли кечган эди.

Узоқ ривожланиш тарихи давомида маълумотлар аввал сопол бўлакларида, папирусда, пергаментда, қофозда, микрофильмлар ва компакт-дискларда сақлаб келинди ва бугунги кунда биз электрон шаклларни кўриб турибмиз. Мазкур эволюцион жараён кутубхоналарда маълумотни саклаш ва хизмат кўрсатиш усулларига ҳам ўзгариш киритиб боришни талаб этар эди. Бу максадда инсоният ўйиб ёзиш куроллари, сиёҳ, патқалам, матбаа қурилмалари, ёзув машинкалари, фотонусха кўчириш ускуналари, факслар ва ниҳоят компьютер ва замонавий телекоммуникация қурилмаларини ихтиро қилди.

Шахсий компьютерларнинг ихтиро қилиниши билан, уларни турли серверлар (ахборот ресурсларга бир вақтда кўпроқ фойдаланувчилар уланишини таъминловчи локал алоқа боғламалари) орқали бир-бири билан боғланиш имкони яратилиб, ахборот тармокларининг марказлаштириш хусусияти тақсимот хусусиятига айланди.

Халқаро тармок WWW (World Wide Web) – INTERNET орқали маълумотлар айрбошлиш ва кутубхоначиликдаги халқаро интеграциялашувга қўшилишнинг бир катор омиллари мавжуд булиб, уларнинг дастлабкиси маълумотни узатиш, кабул қилиш ва фойдаланиш учун техник ва телекоммуникация имкониятларининг талаб даражасида бўлишидир.

Иккинчи муҳим жиҳат эса, мавжуд кутубхоналар фаолиятида ҳам янги ахборот ва телекоммуникация техникаларини кенг кўллаш, китобларнинг марказлашган йигма электрон каталогини ҳамда мавжуд адабиётларнинг электрон нусхаларини яратишидир. Йигма каталоглар мавжуд маълумотларни саралаш ёки керакли маълумотнинг нусхалари яратилиши бошқа кутубхоналар билан маълумот айрбошлишда тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини яратади.

Учинчи омил INTERNET тармоғида маълумотларнинг барқарор тузилмаларини яратишдан иборат. Маълумки, бугунги кунда INTERNET даги маълумотлар барқарор бўлмай, тез ўзгарувчанлиги билан фарқланиб туради. Кўплаб давлатлар маълумотлар сақлаш ва алмashiшнинг ягона шаклларини яратишда ҳамкорлик қилишга интилмоқдалар.

Шунингдек, бугунги кунда INTERNET орқали маълумот сотиш амалиёти ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу амалиёт кутубхоналар учун кенг имкониятлар эшигини очиб бериши мумкин. Шу йўл билан улар ўз

фондларидаги маълумотларнинг исталганча нусхаларини сотиш имкониятига эга бўлди. Кутубхоналар бу борада ҳам халқаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишлари лозим.

Янги ахборот технологиялари бир қанча муаммоларни ҳал этиш билан бирга, янги муаммоларни ҳам пайдо қилди. Бу, аввало, фаолият ва ҳамкорликнинг хукукий асосларига тааллуклидир. Маҳаллий, миллий ва халқаро ташкилотлар бу борада ҳам ўз фаолиятларини мувофикалаштиришлари талаб этилади. Зеро, янги ахборот технологиялари ва телекоммуникацион имкониятлар, халқаро глобал тармоқлар билан биргаликда нафакат кутубхоналар ёки уларнинг техникаларини, балки халқларнинг ҳам интеграциялашувига олиб келмоқда.

Кутубхонанинг бир меъёрда фаолият кўрсатишини таъминлайдиган жараёнлар ва операциялар мажмугига кутубхона технологиялари дейилади. Кутубхона фондини бутлаш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, маълумотлар бериш, услубий ишлар, каталогглаштириш ва бошқа бир қатор кутубхона технологиялари мавжуд⁵⁰. Бир неча асрлар муқаддам кутубхонага кириб келувчи ҳужжатлар оқимининг камлиги сабабли, ягона журнал бир пайтнинг ўзида инвентар китоб, каталог ва библиографик реестр вазифасини бажарган бўлса, бугунги кунда китобхонлар ва китоблар оқимининг ортиб кетиши кутубхона технологияларининг ҳам мураккаблашувига олиб келди. Яъни бир қатор янги кутубхона технологиялари (фондни хисобга олиш, каталогглаштириш, хизмат кўрсатиш ва бошқалар) пайдо бўлди.

⁵⁰ Каранг: Фрумин И.М. Библиотечное дело, организация и управление -М. Книга, 1980.-272 с.

Кутубхона технологияларини янада майдароқ қисмларга – цикларга, жараёнларга ва операцияларга бўлиб қараб чикамиз⁵¹. Цикл бу – маълум бир мақсадга эришиш учун ўзаро боғланган жараёнлар мажмуи бўлиб, у янги объект (китобхонлар сўрови, кутубхонага китобларнинг янги туркуми келиб тушганда) пайдо бўлганда ўрнатилган тартибда кетма-кет бажарилади. Кутубхонада асосан учта цикл: китобларга ишлов бериш жараёнидаги “китоб йўли”, китобхонлар талаблари асосида пайдо бўладиган “сўровлар йўли” ва библиографик маълумотномалар олиш жараёнида пайдо бўладиган “маълумотномалар йўли” мавжуд. “Китоб йўли” цикли қуйидаги жараёнлардан иборат: кутубхонага келган китобларни қабул қилиш, ҳужжатларга техник ишлов бериш, илмий ишлов бериш, каталогглаштириш, тизимлаштириш, ҳужжатларни кутубхона фондига жойлаштириш. “Сўровлар йўли” цикли қуйидаги жараёнлардан иборат: сўровларни қабул қилиш, текшириш, сўровни китоб сакланадиган жойга жўнатиш, сўровга мос ҳужжатларни танлаш, танланган ҳужжатларни ўкув залига жўнатиш, китоб беришни расмийлаштириш. “Маълумотномалар йўли” цикли қуйидаги жараёнлардан иборат: сўровларни қабул қилиш, манбаларни кўриб чиқиш, ҳужжатларни танлаш, тизимлаштириш ва маълумотномаларни расмийлаштириш. Мазкур цикллардаги иш жараёнларининг ўзи ҳам бир қатор кичик қисмларга – операцияларга булинади. Бу операциялар ҳар бир ходим томонидан ҳар бир аниқ иш жойида бажарилади. Масалан, кутубхонага келган китобларни қабул қилиш жараёни қуйидаги операциялардан иборат: янги қабул қилинган

⁵¹ Каранг Тараканов К В Системный анализ библиотечных процессов -М.: МТИК, 1982.-80 с.; Рахматуллаев М.А. Информационные технологии в библиотеках . -Ташкент Национальная библиотека Узбекистана им. А. Навои. 2003 - 272 с.

китоблар туркумини йўлловчи хужжатлар билан таққослаш, китобларга штамплар қўйиш, йўлловчи хужжатларни расмийлаштириш. Кутубхона жараёнларини автоматлаштиришда кутубхона циклларини, жараёнларини ва операцияларини тўғри тушуниш, уларнинг бажарилиш кетма-кетлигини (алгоритмини) тўғри тасвиrlаш жуда мухим. Акс ҳолда, кутубхона технологияларини тизимий таҳлил қиласдан туриб автоматлаштиришга киришиш автоматлаштириш самарадорлигининг кескин пасайишига олиб келади. Масалан, ҳозирги кунда кутубхона технологияларининг тизимий таҳлилисиз, тартибсиз равишда олиб борилаётган автоматлаштириш кўплаб жараёнларнинг такрорланишига олиб келмоқда. ИРБИС тизими ёрдамида электрон каталог (ЭК) яратा�ётган кутубхоналарда даврий нашр (ДН) тасвири киритилмасдан, тўғридан тўғри ДН да эълон қилинган алоҳида мақоланинг аналитик тасвири тузишмоқда. Бир томондан олиб қараганда тизим бундай иш олиб боришига имкон беради (алоҳида олинган мақола учун аналитик тасвир тузиш мумкин). Аммо алоҳида олинган мақола учун аналитик тасвир тузиш технологиясининг тизимий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, дастлаб ДНнинг библиографик тасвирини тизим ЭК маълумотлар базасига киритиш, киритилган маълумотлардан фойдаланиб, ДНнинг мундарижасини хосил қилиш, мундарижадан фойдаланиб, ҳар бир мақола учун аналитик тасвир тузиш мақсадга мувофиқдир. Бунда аналитик тасвир тузиш технологиясининг ҳар бир босқичида аввал киритилган маълумотлардан нусха олиниади ва маълумотларни киритишида такрорга йўл қўйилмайди. Аввал киритилган маълумотлардан фойдаланиш, биринчидан каталогглаштириш жараёнини тезлаштирса, иккинчидан хатоларнинг камайишига имкон яратади ва, энг асосийси, китобхонларга тақдим қилинаётган мақоланинг аналитик тасвири

сифатли ва тўлик бўлади. Яъни китобхон ЭКда факат ДНнинг бирор бир сони борлиги тўғрисида маълумотга эга бўлибгина қолмай, балки ДН мундарижаси билан кейин эса, мундарижадаги хар бир мақолага берилган аналитик тасвир билан танишади. Керак бўлган ҳолларда аналитик тасвирга тўлик матнни улаш ҳам мумкин. Ўз навбатида мақолаларнинг аналитик тасвиirlари журнал номи ва сонлари билан ўзаро боғланади.

Ҳозирги пайтда республикамиздаги 20 дан ортиқ кутубхоналарда ЭК яратишга харакат қилинмоқда. Мустакил равишда ЭК яратишнинг ижобий томони билан бир қаторда салбий томони ҳам мавжуд. Масалан, Алишер Навоий номидаги ^{*}Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Миллий нашрларни марказлаштирилган каталогглаштириш” иши олиб борилмоқда. Миллий кутубхонада ИРБИС тизими буйича киритилган библиографик ёзувлардан республикамизда ЭК яратаетган барча кутубхоналар фойдаланиши мумкин. Аммо республика миқёсида кутубхона тизимларининг тизими таҳлили ўtkазилмаганлиги, бу соҳада мувофиқлаштириш амалга оширилмаётганлиги туфайли ЭКга маълумотларни киритишда жуда катта такрорларга йўл кўйилмоқда. Бу ҳолат мамлакат миқёсида ҳужжатларни каталогглаштириш борасида ортиқча меҳнат сарфи ва молиявий харажатларга олиб келиш билан бирга мутолаа жараёнларини оптималлаштиришга, китобхонларга энг кўп қулайликлар тугдиришдай эзгу ишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада бундан энг аввало болалар ва ўсмиirlар китобхонлиги зиён кўрмокда.

Ўтган асрнинг бошларида ёк В.Я.Стоюнин, Е.Елаичич каби методист олимларнинг болалар китобхонлиги борасидаги кузатишларида

аниқланған ютуқ ва камчиликлар муайян ҳолатда ҳозирги даврда ҳам намоён бұлмоқда.

Е.Елаич таъкидлаганидек, одатда, болалар китобни юзаки үқийдилар, улар матн ичига кириб бормайдилар. бирор жиддийрок асарни үқишидан эса үзларини олиб кочадилар, үкишни бошлабоқ дархол уни ташлаб құядилар. Беллитристик мазмундаги китобларни үқиганда эса фабула кетидан қувишлари, тасвирлар, мушоҳадалар ёзилған, ҳаракат баён этилмаган үринларни, баъзан бутун-бутун саҳифаларни ташлаб кетадилар, асардаги бадиий ҳақиқатни англаб етишга уриниб ҳам күрмайдилар. Ваҳоланки, “... күпинча чинакам санъаткор-муаллифнинг асарларида табиат тасвирларида. руҳий кечинмалар тасвирларда асарнинг бутун моҳияти, бор гүзалиги, куч-кудрати, бор аҳамияти ўз ифодасини топади... Айрим болалар “китоб үқишини севадилар”, ҳақиқатан ҳам гайриоддий күп, ҳайратомуз даражада тез, бир кунда биттадан қалин китоб үқийдилар, лекин бирор натижасиз ва үқилгандардан үзларида арзимас из колдириб үқийдилар”⁵².

Кузатишлардан маълумки, баъзан үкув фани үқитувчилари ҳам педагогик ва методик адабиётлар мутолаасида үzlари учун янги саналған иш усулларини излаш пайида бұладилар, шу усулларнинг психологик, педагогик ва методологик тавсифи, берилған үринларни күп вақт ташлаб кетадилар. Таълим технологиясини үкув фанини үқитиши техникаси деб түшунған методист олимлар Г.В.Рогова, И.Н.Врешчагиналар берган таърифға құра, таълим технологияси леганда «Үқитувчи қандай үқитиши, нима учун бошқача эмас, айни

52

Е.Елаич. Основные задачи детского чтения// Методика преподавания литературы: Хрестоматия-практикум. Автор-составитель Б.А.Лапин. -М.. Изд.центр «Академия», 2003.-С 54-55.

шундай ўқитиш кераклиги ҳақидаги илмий билимлар мажмуасини эгалламоги даркор эканлиги” англанади. Мутолаа пайтида ташлаб ўтилган ўринлар ўқитувчи янги деб топган таълим усулларининг худуди мана шу илмий асословлари, уларга доир билимлардир.

Ўкувчининг ҳам, ўқитувчининг ҳам мутолаасида, маърузаларни танлашларида юзакилик ана шунда кўринади.

В.Я.Стоюниннинг фикрича, «...бадиий асарларни шунчаки оддий ўкиш қанчалик яхши бўлмасин, педагогик вазифаларни бажара олмайди; ўкувчилар бошқаларнинг китоб ўқишлигини катта қизикиш билан тингласалар-да, лекин улар учун бундай ўкиш жиддий юмушдан кўра кўпроқ оддий эрмак саналади, холос”.

В.Я.Стоюнин асар мутолааси деганда унинг мазмуни хусусида онгда амалга ошириладиган уч хил операцияни назарда тутади:

- биринчидан, мен айрим фактларни ўрганиб чиқдим;
- иккинчидан, мен уларнинг ички алоқаларини англаб етдим;
- учинчидан, ушбу фактлар исботлаб бериши керак бўлган гояни қай даражада тасдиқлашини аниқладим, яъни, бошқача айтганда, мазмунини ўрганиб чиқдим, англаб етдим ва композициясини танқидий таҳлил қилдим.

Фақат ана шундай тўлақонли ўрганишгина ўкувчиларга фойда келтириши мумкин.

Ўқитувчи яқин ўтмишда асосан дарсликдаги билимларни тушунтириш, шу билимларни мустаҳкамлаш ва вакти-вакти билан такрорлаш ишларини уюштириб, айрим ҳоллардагина муаммоли таълим, интерфаол усуллар асосида ушбу билимларни тадқик этиш вазиятини юзага келтириб чиқарди. Бунинг оқибатида мактабни тамомлаган ёшларда мустақил мутолаа малакаси етарлича ҳосил

бўлмади. Бугун ўкувчилар мустақиллигига эътиборни таълим олувчи субъект сифатида тарбиялаш зарур деб белгиланди.

Таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш принциплари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да илгари сурилган асосий принциплар сирасига киради. Кутубхона фаолиятини демократлаштириш китобхонлар мустақиллигини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда. Бу борада В.А.Бородинанинг қуйидаги фикрлари масалага ойдинлик кирита олади: «Китоб ўқишга раҳбарлик қилиш назариясига нисбатан қилинган хужумлар, ундан халос бўлишга интилиш монофактурани қайта кўриб чиқиши билан ҳам боғлиқдир. Энди бундан ўзгача назарий ёндашувларга қатъий риоя этиши кузатила бошланди. Уларда демократлаштириш принципларига мувофиқ шахсий ҳаёт фаолияти соҳаларида китобхонга, хилма-хил ахборотларни танлаш ва улардан фойдаланишда унинг суверен хуқукига бўладиган ҳар қандай таъсирларни барҳам топтириш гояси ўз ифодасини топди”. Бизнингча ҳам, таълим муассасалари кутубхоналарида ўкувчиларнинг иззат-нафсига тегадиган ана шундай таъсир унсурлари ҳали ҳам мавжуд. Бу ҳолат китоб танлашда, китобни ўқиб чиқиб, кутубхонага қайтараётган пайтларда содир бўлади: кутубхоначи бола истамаган ҳолатларда ҳам, унга ўқилган китобнинг мазмунини сўзлатиш, уни саволларга тутиш харакатида бўлади. Бизнингча, ўкувчига бирмунча эркинлик бериш, қизиқишлирини ҳисобга олиб, уни сухбатга тортиш йўлларини излаш жоиз. Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида олимлар ёш авлод ҳаётида китоб ўқишнинг ролини ошириш йўлларини изламоқдалар. “Библиотечная работа с детьми за рубежом” (“Хориждаги кутубхоналарда болалар билан ишлаш”) ўкув қўлланмасида (1999 йил) “эркин

маданият” экспансияси шароитларида ёшларда китоб ўқишига ҳавас уйғотиб туриш, уларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш, ахборот манбаларига кириб бориш, Интернетдан фойдаланиш ва бошқа шу кабиларни таъминлашдек муҳим муаммолар күтарилгани бежиз эмас, албатта.

Ўқувчи ахборот олиш маданиятини эгаллаш асносида қуидагиларни уддалай олиши талаб этилади:

Ўзи учун керакли илмий-оммабоп китобни (электрон манбани) қиска вакт сарфлаб топа оладиган бўлиши, уни қаердан ва қандай излашни билиши, бу ишни тұғри амалга ошириши, олинган китобни саводли мутолаа қилиши, яъни уни қайта-қайта ўқиши ҳаракатини камайтириб, керакли маълумотларни бир-икки ўқишкадәк күпроқ олишга, бу маълумотларни күпроқ қайдлашга улгuriши (күчирмалар олиш, фактларни ажратиш ва б.), уларни фойдаланиш учун қулай ҳолатта келтириши (аннотация ва б.) ва амалда фойдаланиши лозим.

“Шахснинг ахборот олиш маданияти” тушунчаси кейинги йилларда одатдаги “кутубхоначилик – библиографик билимлар”, “китоб ўқиши маданияти”, “кутубхоначилик-библиографик маданият”, “ахборот олиш саводхонлиги”, “компьютер саводхонлиги” тушунчаларининг синтези сифатида юзага келди, инсон умумий маданиятининг таркибий қисмларидан бирига айланди.

В.А.Бородина «ахборот олиш маданияти акмеологияси» тушунчаси ва у билан боғлиқ йўналишни илмий асослайди. Унинг таърифлашича, «Ахборот олиш маданияти акмеологияси – шахснинг ҳаёт фаолиятидаги ҳар бир ёш босқичида инсоният эришган ахборотли ижтимоийлашув даражасига мувофиқ ахборот олиб ривожланиш

чўккисини кўлга киритишдаги қонуниятни ўрганадиган илмий соҳа”¹.
Бу ердаги грекча akme–чўкки маъносини ифодалайди.

Хуллас, ахборот олиш маданияти мутолаа учун китоб (электрон матн) топиш, танлашдан тортиб то уни ўқиб, ўзи учун билим ёки эстетик завқ олишгача ва китобга баҳо берган ҳолда, уни бошқаларга тарғиб қилишгача бўлган жараёнлардаги хатти-ҳаракатлар кўникмасини ифода этади.

Маълумки, XXI аср янги технологиялар асири бўлиб, жамиятнинг ахборотлашувига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўрта маҳсус таълим тизими АРМлари ва болалар кутубхоналари борган сайин янги ахборот технологиялари ва компьютер-коммуникация тармоқлари билан таъминланиб бормоқда.

Янги техника билан қуролланган бундай мутолаа институтлари замон талабларига мослашган ҳолда китобхон болаларнинг турли туман ахборотга бўлган талабларини қондиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг ҳамма жабҳаларида юз берайтган туб ўзгаришлар кутубхона ишининг кўпгина йўналишларини, жумладан ўрта маҳсус таълим тизими АРМлари ва болалар кутубхоналари ишини қайтадан кўриб чиқиши, янгиликлар жорий этишни талаб қилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўрта маҳсус таълим тизими АРМлари ва болалар кутубхоналари тармоққа, китоб фондларига, кутубхоначи кадрларга, моддий техника негизига суюниб фаолият кўрсатади ва бу фаолиятларнинг яхши ёки ёмон бажарилиши уларнинг

¹ Бородина В.А. Развивающие уроки в начальной школе: акмеологический подход. Маленькая книжка о больших проблемах обучения чтению. – СПб.: Академ-Пресс, 2000. С. 9.

жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Модомики шундай экан, янги авлодни аньанавий ва янги технологиялар воситасида тарбиялашда кутубхоначилик ишининг шакл ва усулларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мухим.

III- БОБ. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Ахборот-ресурс марказларида мутолаа маданиятини таркиб тотириш хусусиятлари

Ҳар қандай фаолият муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Жумладан, мутолаа билан шугулланиш ҳам, энг аввало, жамиятда шахсни шакллантиришвоситаси сифатида аҳамият касб этади. Собиқ иттифоқ даврида мутолаа ҳодисасини ўрганиш фақат коммунистик тузум манфаатларига хизмат килувчи жараёнга асосланар эди. Бунда шахснинг эркинлиги, унинг мустақил фикрлаши назардан соқит қилинганди. Фақат инқилобий, синфий гоягина барча фаолиятларга асос қилиб олиниб, шахсни ўрганишга қаратилган ҳар қандай тадқиқотларга табу (таъқиқ) қўйилган эди. Хусусан, ижтимоий фанлар, айниқса, социология, қисман психология четга суриб қўйилди. Ҳатто, октябрь тўнтиришидан олдин чор Россияси ва унинг Кавказ, Ўрта Осиё сингари чекка ўлкаларида мавжуд бўлган мутолаа ҳодисасига ижобий қарааш (илғор рус интелигенцияси), ялпи саводхонлик ва мутолаа орқали инсонни эрк ва озодлик учун курашчи шахс этиб тарбиялаш, миллатни маданий юксакликларга олиб чиқиш (жадидлар) гоялари ҳам зарбага учради.

Ваҳоланки, мутолаа воситасида инсонни тарбиялаш масаласида асосий дикқат эътиборни китобхонга, конкрет шахсга қаратиш кераклиги ўша даврлардаёқ кун тартибига қўйилган эди. Жумладан, рус маърифатпарварларидан бири Николай Александрович Рубакин⁵³ биринчилардан бўлиб китобнинг китобхонга таъсир этиш сабабларини илмий асосда тадқиқ этиш масаласини кўтарган эди. Бизда эса, ушбу муаммо фақат Ўзбекистон ўзининг сиёсий мустақиллигини қўлган

⁵³ Н.А.Рубакин. Избранные: Этюды о русской читающей публике. М.: Книга. - 1975.

киритгандан кейингина том маънода ижобий ҳал қилина бошланди. Айниқса, республикамизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши бу соҳанинг устувор йўналишлардан бирига айланишида муҳим роль ўйнади. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида шахсга шундай таъриф берилади: “Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчисидир”.⁵⁴ Бунда баркамол шахс инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлик бўлган ҳолда узлуксиз таълим тизими орқали шакллантирилади. Бу жараёнда мутолаа муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида шахс фаолиятида мутолаанинг ўрни ва уни такомиллаштириш муаммолари бўйича бир қатор тадқиқотлар яратилди. Хусусан, мазкур масалани психологик ҳамда социологик аспектда ўрганилган ишлар эътиборга сазовордир. Жумладан, социология фанлари доктори А.Умаровнинг “Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт” деб номланувчи монографиясида⁵⁵ мамлакатимизда комил инсонни тарбиялаб вояга етказишида мутолаанинг ўрни ва вазифаси масалаларига ўзига хос томондан ёндашилади. Яъни, аввалги яратилган ишларда асосий эътибор мутолаа субъекти бўлмиш шахсга эмас, балки шу соҳадаги социал институтларнинг такомилига, обьект-гагина қаратилганлиги асосли равишда танқид қилиниб, марказий ўринга шахс (*субъект*) қўйилади. Бунда мутолаанинг ижтимоий ҳодиса эканлиги ва унинг жамиятимиз келажагини таъминловчи комил инсонни етиширишида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланади. Мазкур тадқиқот мутолаа ҳодисасини бугунги кунда Ўзбекис-

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастири. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. Т.-Шарқ.- 1998.- 42-бет.

⁵⁵ А.Умаров. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. Т.-Фан.-2004 й. 88-б.

тон таълим тизимининг янги ва энг муҳим бўғинларидан бири бўлмиш ўрта маҳсус, қасб ҳунар таълими тизимида ҳам атрофлича тадқиқ қилиш вазифасини қўяди.

Республикамиздаги академик лицей ва қасб-ҳунар коллежларида ўтказилган социологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики⁵⁶, мамлакатимизда ёш авлод камолотига ҳар қачонгидан ҳам катта зътибор кўрсатилмоқда. Энг муҳими, ёш авлоднинг мутолаа манбалари имкониятлари тобора ортиб, такомиллашиб бормоқда. Жумладан, академик лицейларда мутолаа маданиятининг шаклланишида ижтимоий-рухий муносабатларнинг ўрнини аниқлаш бўйича ўтказилган сўровномада қуйидаги манзара намоён бўлди.

1. “Сиз ўз билимингизни оширишингизда қайси ижтимоий институтлар муҳим роль ўйнайди?” – деган саволга қуйидагича жавоб олинган:

- академик лицей ва қасб-ҳунар коллежларидағи дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар 46,4 %;
- кутубхоналар 8,3 %;
- оила 13,2 %;
- радио ва телевидение 4,7 %;
- газета ва журналлар 1,8 %;
- интернет 1,4%;
- мактабдан ташқари муассасалар (турли хил тўғарак, курслар) 22,9 %;
- ҳалқаро ва миллий таълим институтлари 1,5 %;
- жамоат ташкилотлари 0,5 %.

⁵⁶ Сўровнома 2007 йилда Наманган, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги 12 та коллеж ва лицейларда ўтказилди. Сўровга 800 та ўқувчи ва 350 нафар педагоглар ва раҳбар ҳодимлар жалб қилинган эди. Сўровнома социология фанлари доктори А.Умаровнинг услубий раҳбарлигига ташкил этилиб, сўров репрезентативлиги таъминланган ҳолда амалга оширилган.

Бундан кўриниб турибдики, республикамиз ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимидағи ўқув юртларда ўқувчиларнинг мутолаа билан шуғулланишларида ижтимоий институтлардан улар ўзлари ўқиётган академик лицей ёки қасб-хунар коллежи ҳамда улар истиқомат қилаётган шаҳар ёки тумандаги турли хил тўгараклар, курслар ҳамда оиласлари ўз билимларини оширадиган муҳим жой ҳисобланади.

2. “Сиз ўз билимингизни оширишингизда қуидагиларнинг қайсилари билан бўлган муносабатингиз муҳим роль ўйнайди?” – деган саволга:

- дўстим ва гуруҳдошим билан бўлган муносабатим деб – 30%;
- ўқитувчим билан – 49,8 %;
- ота-онам билан – 20,2 % деб жавоб берганлар.

Академик лицейлардаги ўқувчиларнинг ўз билимларини оширишларида уларнинг ўқитувчилари салкам 50 фоиз роль ўйнашлари айтилган. Бу табиий, албатта. Аммо уларнинг дўст ва гуруҳдошлари ҳамда ота-оналари ҳам биргаликда олганда мазкур жараёндаги ўрни аввалгисидан кам эмас. Маълумки, мамлакатимиздаги академик лицей ва қасб-хунар коллежларининг кўпчилиги ётоқхона билан таъминланган. Демак, ўқувчилар ҳафтанинг душанбасидан шанбасига қадар ўқув юртида бўладилар. Уларнинг энг яқин кишилари гуруҳдошлари, дўстлари ҳамда ўқитувчиларидир. Мазкур жараёнда ўқувчилар ўртасида самимий, дўстона муносабат ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Дарсдан кейин олиб бориладиган фан тўгараклари ҳамда кўнгил очар ўйинларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўқитувчилар ҳам (ётоқхоналардаги тарбиячилар ҳам) бунда ўз фаолликларини кўрсатишлари керак бўлади. Шу ўринда бир жиҳатга эътиборни қаратиш жойиз. Тажриба шуни кўрсатаяптики, кўпчилик ота-оналар таълим жараёнинг ана шундай холатида ўз бурчлари деб факат фарзандларини ўрта

максус ўкув юртларига юбориш ва молиявий таъминлаб туришни тушунмоқдалар. Бу нотүгри қараши. Чунки ўспиринга таъсир эта оладиган энг кучли шахс бу унинг ота-онасиdir. Ўқитувчи ролини инкор этмаган ҳолда айтиш керакки, мазкур тизимда ўкувчилар билимини такомиллаштириш, уларни баркамол авлод этиб тарбиялашда ота-оналарнинг ролини янада ошириш лозим. Бу, энг аввало, ўкув юритидаги педагогик жамоа ва раҳбариятнинг ота-оналарни ўкув юртига тез-тез жалб қилиш чора-тадбирларини кўриш лозимлигини кўрсатади.

3. “Сиз ўз билимингизни оширишда қайси мутолаа манбалари муҳим роль ўйнайди?” – деган саволга:

- китоблар деб, - 79,2 % ўкувчилар;
- газета ва журналлар – 10,8 %;
- интернет ва компьютерлардаги маълумотлар (электрон дарслеклар) – 2,2 % ;
- телевидение, аудио, видео – 3,8 %;
- турли хил тестлар - 5 % деб жавоб беришган.


Демак, ўрта максус, касб-хунар ўкув юртларида ўкувчиларнинг ўз-ўзлари билан муносабатлари, ўз билимларини такомиллаштиришда энг муҳим манба китоблигича қолмоқда. Бу яхши. Аммо бугунги кун глобал дунёдаги ахборот алмашувнинг тезлашуви, фан ва техникадаги жадаллашувни фақат китоблардангина ўрганиш унчалик тұғри эмас. Бу, бир сўз билан айтганда, замондан бир қадар орқада қолишга олиб келади. Ҳозирда республикамизда ишга туширилган академик лицей ва касб-хунар колледжларининг аксарияти энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланған. Уларнинг кўпчилиги Интернет тармоғига уланған. Бундан ташқари, Республика ўрта максус, касб-хунар таълими Маркази қошидаги республика ЎМКХТ ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш институтида Давлат Таълим стандартларига мувофиқ кўплаб электрон ўкув кўлланмалари яратилди ва яратилмоқда.

Шунинг учун, бу жабхада Интернет ва электрон дарсликлар, айниқса, масофавий таълимни такомиллаштириш, улардан фойдаланиш технологиясини яратиш навбатдаги долзарб вазифалардан бири бўлиб колади.

Бугунги кунда ўрта маҳсус таълим тизимида таҳсил олаётган ўкувчи-ёшларнинг ўзлари эгаллаётган касб-хунар соҳаси ёки фан йўналишига доир маълумотларга эҳтиёжи юқори даражада эканлиги тадкиқот натижаларидан маълум бўлди (Танланган соҳага ёки фан йўналишига доир маълумотлар – 58,7%).

5-расм

Асосан қайси йўналишдаги маълумотлар Сиз учун кизиқарли?



Ўсмир психологияси болалик ва етуклик ўртасидаги оралиқ психология бўлганлиги сабабли, бу даврда, бир томондан, вояга етган инсонлар каби келгуси ҳаётий мақсадларни режалаштириш, кизиккан соҳасига доир маълумотларни тўплаш, онгли равишда ўз билимларини ошириб боришга интилиш кабилар хос бўлса, иккинчи томондан,

болаларга хос бир манбага узоқ вакт дикқатни жалб қила олмаслик, тез-тез фикрларини ҳамда үрганиш объектини үзгартыриб туриш мавжуд бўлади. Шуларни эътиборга олган холда, ўсмир-ёшларга уларнинг танлаган соҳа ёки фан йўналишига доир маълумотларни беришда фақат дарслик ва ўкув қўлланмалари билан чекланиш самара бермайди. Буларга қўшимча равишда соҳага доир қизиқарли маълумотлар, соҳа вакилларининг ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи маълумотномалар ва шу кабилар бериб борилиши лозим.

Таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ўкувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Бу эса, ўсиб келаётган авлод маънавиятини истиклол талаблари асосида шакллантириш вазифаларини амалга ошириш, таълим муассасалари кутубхоналаридаги китоб фонди ва адабиётларни ўкувчилар ўртасида кенг ва мақсадли таргиг қилиш ишларининг самарадорлигини ошириш-ни талаб этади. Таълим-тарбия жараёнини ташкилий-педагогик жиҳатдан тизимли таҳлил этиш, ўз навбатида, бу жараённинг белгиларини үрганишни талаб этади. Ана шу тизимнинг марказий қисмларидан бири таълим муассасасидаги АРМнинг ахборот фондидир. Бугунги АРМларнинг ахборот фондини асосан китоб фонди ташкил этмоқда.

6-расм.

АРМ ахборот фонди ва унинг ташкилий элементлари



Ўрта маҳсус таълим муассасаси кутубхонасининг китоб фонди асосан дарслик ва фаннинг турли соҳаларига оид нашрлар, ўқувчилар учун қасб-хунар ўрганишга оид турли методик адабиётлар ҳамда бадиий асарлардан ташкил топади. Китоб фондига ўқув дастурлари бўйича синфдан ташқари ўқиш учун адабиётлар, таълим муассасаси ўқувчилари ва педагогик жамоаси учун вақтли матбуот нашрлари, ижтимоий-сиёсий, илмий-педагогик ва алоҳида фанларни ўқитиш методикасига оид адабиётлар ҳам киради. Бу эса, китоб фондига универсал ёки бошқача қилиб айтганда, барча фан тармоқларига оид асарлар бўлишини талаб этади. Китоб фонди ўқувчиларга тұлақонли таълим-тарбия беришнинг барча йұналишлари: ақлий, ахлоқий, ватан-парварлик, меҳнат, эстетик, жисмоний таълим-тарбия ҳамда касбга йұналтиришга оид адабиётлардан ҳам изборат бўлади.

АРМ фондининг асосини ташкил этувчи элементлардан бири – китоблар таълим муассасаси кутубхонасининг асосий иш мазмунини бажаришга хизмат қилувчи нашрлардир. Уларга таълим муассасасиning ўқув дастури бўйича ва синфдан ташқари ўрганилиши шарт бўлган бадиий асарлар ва дастурга киритилмаган классиклар ҳамда машхур замонавий ёзувчиларнинг асарларини киритиш мумкин. Ушбу адабиётлар ўсмир-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ҳамда уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга кўмаклашади.

Шу билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий, табиатшунослика оид илмий-оммабоп адабиётлар, техника-қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва соғлиқни саклаш, санъат, фалсафа, жисмоний тарбия ва спорт, адабиётшунослик, педагогика каби соҳалар бўйича услубий адабиётлар ҳам АРМ фонdlаридан жой олиши керак. Шунингдек, таълим муассасаси қошидаги АРМнинг китоб фондига ўқувчиларнинг ўқув

вазифаларини бажариши ҳамда педагогларнинг дарсга тайёргарлик кўришлари учун зарур бўлган лугатлар, маълумотномалар, энциклопедик асарлар ва турли библиографик нашрлар киритилиши зарур. Албатта, ўқув дастурига кирмаган адабиётлар, яъни маълумотномалар, энциклопедиялар камроқ нусхада олинади, чунки улар учун маблағ ажратиш имконияти муайян даражада чекланганлигини ҳам эътибордан соқит қиласлик зарур.

Маълумки, таълим муассасаси қошидаги АРМ фондининг ва нашрларнинг нусхаси шу муассасада таълим қайси тилда олиб борилиши, қандай хорижий тилларнинг ўргатилиши, ўқувчилар ва педагогик жамоанинг таркиби, миллий хусусиятлари, ҳар бир таълим муассасасининг ўз олдига кўйган вазифаси, касб-хунар соҳасига йўналганлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Ўрта маҳсус таълим муассасаси қошидаги АРМнинг ҳар бирида мустақил республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид адабиётлар, хусусун, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, давлат рамзлари – герб, байроқ ва мадхия мазмунини очиб берувчи, республика сиёсати, иқтисоди ва маданиятига оид адабиётлар бўлиши зарур.

Аникланган маълумотлар шундан далолат берадики, бугунги кунда таълим муассасаси қошидаги АРМлар фондида муайян ўринни бадиий асарлар эгаллаб келмоқда. Маълумки, бадиий асарлар инсонни ҳар томонлама ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бадиий асарлар мазмуни ўзбек ва жаҳон классиклари асарлари, ҳалқ оғзаки ижоди, ҳозирги замон машҳур ёзувчиларининг асарлари, шеърий тўпламлар, илмий-фантастик ва саргузашт, географик кашфиётлар ҳақидаги

адабиётлар, табиат ва унга муҳаббат, ҳайвонот дунёси, болалар ва ўсмирлар ҳаёти ҳақидаги адабиётлардан ташкил топиши зарур.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда табиий-илмий адабиётларнинг аҳамияти каттадир. Ўқувчиларда фан асослари, унинг тарихи, табиатшунос олимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги адабиётлар катта қизиқиш уйғотади. АРМ фондида юқоридаги масалалар бўйича илмий-оммабоп адабиётлар ҳамда машҳур фан арбоблари ҳақидаги нашрлар бўлишига катта эътибор берилиши лозим.

Ҳозирги шароитда таълим муассасаси кутубхоналари фондининг соҳалар бўйича таркиби, ўқувчиларни китоб билан таъминлаш меъёри қандай бўлиши керак? деган савол кўпчилик кутубхоначилар ва ўқитувчиларни қизиктирмоқда. Бунга аниқ меъёрларни қўрсатишнинг иложи йўқ, чунки таълим муассасаси кутубхонаси фондининг таркиби шу таълим муассасаси жойлашган минтаقا (шахар ёки қишлоқда эканлиги), таълим муассасаси тури, таълим қайси тилда амалга оширилиши ва бошқа бир қатор шарт-шароитларга боғлиқдир. Шунга қарамасдан, сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар хulosалари, амалий тавсияларга асосланиб, таълим муассасаси АРМ фонди ихтисослашган таркибининг қуйидаги намунавий қўринишини тавсия этамиз.

Соҳага оид қўрсаткичларнинг китобхонлар талабига мутаносиб бўлиши соҳалар бўйича китоб тақсимотининг таълим муассасаси АРМ китоб фондига мос келиши ёки кўпроқ бўлиши билан белгиланади. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг адабиётлар билан таъминланиши АРМнинг аниқ имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда китоб фондидан фаол фойдаланиш орқали амалга оширилади. Ўсмирлар учун чоп этилган адабиётлар ҳажмини эътиборга олганда, ҳозирги қунда ҳар

бир ўқувчига 20 та адабиёт түгри келиши (дарсликлардан ташқари) нисбатан яхши күрсаткич ҳисобланади.

Ўрта маҳсус таълим муассасаси кутубхонасининг иш фаолиятида вақтли матбуот асарлари фонди ҳам катта аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз ва чет эллардаги янгиликлар, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, мухим воқеа ва ҳодисалар кундалик ижтимоий-сиёсий газета ва журналларда қайд этиб борилса, илм-фан ютуклари педагогика ва халқ таълими соҳасидаги илмий изланишлар, кашфиёт ва янгиликлар илгор иш тажрибалари янги бадиий асрлар илмий-оммабоп, услубий газета ва журналларда чоп этилади. Шунинг учун таълим муассасаси АРМ фонди ўз имкониятлари ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда, газета ва журналларга обуна бўладилар. Ўқувчилар учун республикамизда чоп этиладиган «Туркистон», «Ёшлиқ», «Китоб дунёси» каби газета ва журналлар, «Шарқ ўлдузи» каби ижтимоий-сиёсий ва бадиий ҳамда ўқитувчилар учун «Халқ таълими», «Узлуксиз таълим», «Ўрта маҳсус таълим муассасаси ва ҳаёт» каби журналлар кутубхонада бўлиши зарур деб ўйлаймиз.

Ўрта маҳсус таълим муассасаси АРМнинг китоб фонди тарғиботида унинг маълумотнома-библиография аппарати мухим аҳамиятга эга. Маълумотнома-библиография аппарати таркибига каталог ва картотекалар тизими маълумотнома-библиография фонди, бажарилган маълумотномалар картотекаси киради. Лекин республикамиз таълим муассасаси кутубхоналарининг ҳаммасида каталог ва картотека тизими мавжуд, деб бўлмайди. Аслини олганда, ўрта маҳсус таълим муассасаси кутубхонаси (ёки АРМ)да қўйдаги каталог ва картотекалар бўлиши зарур.

1 АРМда бутун китоб фонди учун алфавит каталоги.

2 Тизимли каталог.

3 Газета ва журнал маколалари умумий картотекаси.

Шу билан бир қаторда таълим муассасаси қошидаги АРМларда маълумот берувчи нашрлар: энциклопедиялар, ҳар хил лугатлар, библиография қўлланмалари ҳам бўлиши керак. Бу турдаги адабиётлардан ўқувчилар ҳам, педагоглар ҳам фойдаланадилар. Ўрта маҳсус таълим муассасаси қошидаги АРМ ходими эса, педагогларнинг касбига оид ва ўқувчиларнинг адабиётга бўлган эҳтиёжларини қондиришда маълумот- библиография аппаратидан фойдаланади. Ўрта маҳсус таълим муассасаси қошидаги АРМ фондини тарғиб қилишнинг оммавий шакли ва методлари фақат кутубхонанинг иш фаолиятигагина эмас, балки таълим муассасаси таълим-тарбия жараёнининг бир кисми сифатида кўпгина ўқув муассасалари амалиётида қўлланилаётганлиги кузатишларимиз натижасида аён бўлди.

Ўрта маҳсус таълим муассасаси қошидаги АРМдаги оммавий тадбирларнинг самарадорлиги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган ҳолда адабиётлар тарғиботини ташкил эта билишни такозо этади. Танланган оммавий тадбирлар эса, АРМ ходимлари ва ўқитувчилар билан бирга ҳамкорликда ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Ўрта маҳсус таълим муассасаси қошидаги АРМлар томонидан ташкил қилинадиган адабиётлар тарғиботи оммавий шаклларининг асосий мақсади ўқувчиларда бирор бир фан соҳасига ёки мавзуга қизиқиши шакллантириш ва уни изчил такомиллаштириб боришга қаратилади. Оммавий таълим-тарбия шакллари ватанпарварлик, маҳнатсеварлик, инсонпарварлик фазилатларини таркиб толтириш йўли билан ёшларни баркамолликка онгли сафарбар этишдан иборатdir.

Оммавий тадбирлар үкувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш, уларни мустақил равиша билим олишга ўргатишда муҳим аҳамият касб этади.

Оммавий тадбирларнинг асосий шакллари – китоблар кўргазмаси, адабий ўйинлар, китобхонлар конференцияси, китобларни таҳлил қилиш, янги китоблар муҳокамаси, китоблар ҳафталиги ва бошқалардир.

Оммавий таъсир кўрсатишнинг муҳим шаклларидан бири адабий ўйинлардир. Адабий ўйинлар таълим муассасаси қошидаги АРМларда кутубхоначи, ўқитувчи ва үкувчилар ҳамкорлигига ўтказиладиган оммавий тадбирлардан бири булиб, улар үкувчиларнинг ўз вактларини фойдали, самарали ва марокли ўтказишларига ёрдам беради. Уларнинг мутолаа маданиятини шакллантиришга кўмаклашади. Адабий ўйинларга тайёрланиш жараёнида үкувчиларнинг китобхонлик кўнилмалари фаоллашади уларни бадиий, илмий адабиётлар, турли луғатлар, маълумотнома нашрлардан фойдаланиш, қизиқарли саволлар, топишмоқлар ўйлаб толишга ўргатади. Үкувчилар китоб ёрдамида мустақил билим оладилар, ўзларига топширилган вазифаларни аниқ ва ўз вактида бажариш, иштирок этаётган груп олдидаги масъулияtlарини хис этишга ўргатади. Адабий ўйинлар үкувчиларнинг ўқиши кўнилмаси ва бадиий-эстетик дидларини оширади. Уларнинг билим доираларини, мушоҳадаларини кенгайтиради, мулоҳазали фикр юритишга ўргатади. «Бу фикр кимники?», «Бу қаердан олинди?», «Биласизми?» каби адабий ўйинлар ўтказиш, шубҳасиз, яхши самара беради.

Ўрта маҳсус таълим муассасаси қошидаги АРМларда ўтказиладиган оммавий тадбир турларидан яна бири китобхонлар коференциясидир. У барча китобхонларнинг ўқиган китобларни чукур таҳлил

қила олиш қобилиятини мустаҳкамлашдан иборатdir. Шу билан бир қаторда, бу тадбир ўкувчиларга китобга нисбатан жиддий муносабатни шакллантиради, уларнинг асар юзасидан жамоавий фикрларини қарор топтиради.

Китобхонлар кофереңциялари фан-техника, маданият, санъатга оид маълум бир муаммо, мавзу ёки бирон-бир ёзувчининг асарларига бағишлаб ўtkазилиши мумкин. АРМ ходими ва ўқитувчи бу тадбирни ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўриши лозим. Тайёргарлик жараёнида ўкувчилар устозлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Ўрта маҳсус таълим муассасаси АРМ ходими ташкилотчи раҳбар сифатида барча ишларни: конференция мавзуси мухокама қилинадиган саволларни бир-икки ой олдин белгилаб режалаштирилаётган тадбир режасини тушиб чиқади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтказиладиган кофереңциянинг мавзуси долзарб булиб, ўкувчиларнинг қизиқишлиари ва таълим муассасасининг таълимтарбиявий вазифаларига мос тушиши керак.

Ўкувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг яна бир воситаси бадий асар таҳлили булиб, унда долзарб масалага бағишланган адабиётлар ҳакида ўкувчиларга маълумот берилади. У таҳлилий тавсия ҳамда ахборот характерига эга бўлади. Бадий асар таҳлилини тайёрлашда ўкувчиларнинг ёши, қизиқиши ҳисобга олинади. Таҳлил учун адабиётлар сонини белгилашда мавзунинг кенглиги, кутубхона фондидаги мавжуд адабиётлар ҳажми, албатта ҳисобга олинади. Таҳлил учун 5 та дан 12 та гача адабиёт танланиб, тадбир 20–25 дақиқага мўлжалланиши керак. Бадий адабиётлар таҳлили мустакил педагогик иш шакли ҳисобланиб, кўпинча китоб кўргазма-

лари олдидан адабий кечалар, китоб муҳокамалари каби тадбирлар билан биргаликда амалга оширилади.

Ўтказилган педагогик кузатишлар натижалари шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини шакллантиришда «Китоб хафталиги» ўтказиш ҳам яхши натижалар бермоқда. Ҳафталик – комплекс тадбир бўлиб, бунда янги ёки бирор мавзуга оид китоб кўрик-кўргазмалари ташкил этилади, адабиётлар таҳлили ўтказилади. Ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар ва адабий кечалар ташкил килиниши ҳам мумкин. Бу тадбир хафта мобайнида ўтказилади ва бу даврда таълим муассасасидаги барча таълим-тарбиявий ишлар шу тадбирга қаратилган бўлиб, уни байрам руҳида ўтказиш тавсия этилади.

Маълумки, кейинги йилларда бутун дунёда жамият тараққиётида ахборотнинг муҳим ўрнини англаш юзага келди. Кўпгина илмий тадқикотлар ахборот ресурслари, ахборотлашув, ахборот маданияти каби ҳодисаларни ижтимоий-маданий контекстда ўрганишга бағишлиланмоқда.

Шахснинг ахборот маданиятини шакллантириш таълим муассасалари фаолияти билан тўғридан-тўғри боғланган.

Ахборот маданияти кейинги вақтларда техник-технологик жиҳатлар билан, шахсий компьютерлардан фойдаланиш кўнималари билан уйғунлашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-қутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида ҳам бугунги кунда ахборот маданиятини шакллантиришда компьютер технологияларининг ўрни юқори эканлиги таъкидланган.

Бизнинг назаримизда шахснинг ахборот маданияти маданият ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта-максус таълим муассасаларида кутубхона-библиография билимлари асосларини ўргатишни тақозо этади. Шахсда ахборот маданиятини шакллантириш жараёни жамиятдаги ижтимоий-маданий жараёнлар, энг аввало, маънавиятни шакллантириш билан чамбарчас боғлик.

Ушбу ҳолатларни амалиётга татбиқ этишнинг ягона йўли маданият йўналишидаги таълим муассасаларида барча ихтисосликлар учун «Ахборот маданияти асослари» курсини жорий этишdir.

Ушбу курс ўқувчи ва талабаларда китоб ёки ахборот манбаси бўлган бошқа хужжатлардан фойдаланишда нафақат уларни кидириб топиш, уларга маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тўғри ёндаша олиш кўникмаларини ҳам шакллантиришга олиб келади.

Ўқувчи ва талаба маънавиятининг таркибий қисми сифатида уларда ахборот маданиятини барқарор шакллантириш учун таълим жараёнида ахборот билан ишлаш кўникмаларини доимий равишида таркиб топтириб бориш лозим. Бу ерда барча мутахассислик ва умумгуманитар фанлар ўқитувчиларининг ўрни юқори бўлиб, улар тёшларда ахборот кидириш ва олиш кўникмаларини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам беришлари зарур. Бунинг учун улар талабаларни ўз соҳалари бўйича янги адабиётларни кидириб топишга рағбатлантиришлари, тавсия этилаётган адабиётлар микдорини ошириб боришлари, адабиётлар шарҳи бўйича топшириклар беришлари, турли мавзуларда рефератлар тайёрлашни топширишлари лозим.

Ахборот маданиятини шакллантиришда таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари ҳам иштирок этишлари мумкин. Бунинг учун АРМларда ахборот маданиятини шакллантириш бўйича ўқув-

услубий адабиётлар билан бирга, АРМнинг тузилмаси, унинг библиографик маълумотлар тизими, турли ахборот манбалари, электрон каталоглар ва картотекалар бўйича маълумот берувчи тизимлар ҳакидаги кўргазмали воситалар мавжуд бўлиши лозим.

Ахборот маконида қулайлик яратиш мақсадида Абдулла Кодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти кутубхонасида керакли манбаларни кидириб топишни енгиллаштирувчи электрон каталог ўрнатилган бўлиб, кутубхона ходимлари бу ерга мурожаат қилган талаба-ёшларда ундан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу нафакат кутубхонашунос талабалар, балки турли ихтисосликлар бўйича таълим оловчи талабаларда ҳам ахборот маданиятининг ошишига хизмат қилмоқда. Зоро, яқин-орада республикамизнинг барча ахборот-ресурс марказларини мана шунга ўхшаш компьютерлашган тизимлар қамраб олиши мумкин. Бу шароитда эса, анъанавий картотекалардан ҳам фойдаланиш малакасига эга бўлмаган китобхонлар, электрон картотекалардан бутунлай фойдалана олмаслиги ва, натижада, бу ҳол уларда ахборот маданиятининг янада пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Талаба-ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш билан боғлиқ яна бир муаммога алоҳида тўхталиш лозим. Кўпгина таълим муассасаларида 1-босқич талабаларига «Мутахассисликка кириш» дарслари ўтилиши режалаштирилган. Бироқ ушбу дарсларнинг ўтилишига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Маълумки, мана шу дарслар орқали ҳам талабаларда ахборот маданияти кўникмалари шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратиллар эди. Мана шу анъанани нафакат олий ўқув юртларида, балки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам тиклаш ва замонавий шарт-шароитлардан келиб чиқсан ҳолда, уни янги билимлар билан бойитиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

3.2. Академик лицей ва касб-хунар колледжлари ўкувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш йўллари

Таълим ўта қадимий жараён бўлиб, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга кўплаб илмий тадқиқот ишлари бағишланган. Таълим-тарбия жараёнларини тадқиқ этиш тарихига тўхталиб ўтирмасдан, бугунги кундаги таълим моделларини ёритадиган бўлсак, қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) оламнинг илмий манзарасини шакллантирувчи сифатидаги таълим модели;
- 2) тафаккур маданиятини шакллантирувчи сифатидаги таълим модели;
- 3) ҳаёт мактаби сифатидаги таълим модели;
- 4) касбга йўналтирувчи сифатидаги таълим модели.

Булар орасида бизнинг мавзуимизга бевосита даҳлдор бўлган тўртингчи моделга кенгроқ тўхталсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда шундай холат кузатилмоқдаки, кейинги ўн йилликларда ривожланган мамлакатлар таълим тизимида амалий фанларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилиб, илмий тадқиқотчиларни эмас, балки амалиётчи мутахассисларни тайёрлашга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Прагматик америкаликлар кўпроқ амалий фанларга эътиборни қаратишиб, фундаментал фанларга боланинг умумий ривожланиши учун етарли бўлган ҳажмда дарс соатлари ажратишмоқда. Буюк Британияда эса, таълим натижаларидан қониқмаслик оқибатида 1988 йилда амалга оширилган ислоҳотлар туфайли таълимнинг саноат билан алоқаларига кўпроқ эътибор қаратила бошланди. Зоро, айнан саноат таълим тизимининг бош буюртмачиси ва истеъмолчисидир. Францияда ҳам таълим ислоҳотла-

рининг марказида университетларни касбга йўналтириш турибди. ГФРдаги асосий ва реал мактаблар битирувчиларининг 90 фоизи иккиёклама таълим олишмоқда, яъни ташкилотда касбий маҳоратни ошириб, касб-хунар билим юртларида назарий таълим олмоқдалар. Худди шундай майл сўнгги вактларда Россияда ҳам пайдо бўлди: бу ерда ўрта таълимдаги мажбурий фанларни қисқартириб, ўкувчиларнинг танлашига қараб ўкув предметларини жорий қилиш ҳакида гал кетмоқда.

Айни пайтда касбга йўналтириш ғоясининг ўзи ҳам, уни таълим орқали амалга ошириш ғояси каби, инкирозга юз тутмоқда. Чунки, кўплаб соҳаларда замонавий техника ва билимларнинг тезда эскириб, қадрсизланиб қолаётганлиги, ҳатто бу билимларни талабалар ўзлаштиришга ҳам улгурмаётганлиги кузатилмоқда. Ёшлар ўкув юртларида ўрганган билимларининг ярми ўн йилдан кейин кераксиз бўлиб қолмоқда. Замонавий тадбиркорлар дунёси ёшларни касбга йўналтиришда тор ихтисослашувни эмас, балки умумий касбий тайёрлов ҳамда умумий дунёқарашни шакллантириш билан чекланишни талаб қилмоқдалар. Таълимнинг ўзи айни пайтда малака ошириш эмас, демак, меҳнат унумдорлигини ҳам юксак касб маҳоратини ва ишлаб чиқариш маданияти даражасини етук касб маданияти таъминлаб беради, бу эса, жамиятнинг умумий маданий даражасига боғлик. Демак, мазкур занжирда асосий бўгин – жамиятнинг умумий маданиятини юксалтириш муҳимлиги кўзга ташланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим-тарбия тизими-даги инқирозли холатлар натижасида педагогика соҳасида ўзига хос касбий фаолият бўшлиғи юзага келди. Педагогик тўқислик мавжуд бўлган холатда фаолият юритувчи ва «тайёр» мутахассисларни

етиштириб бериш вазифасини бажарувчи йирик ижтимоий институт бундай ёндашувнинг зарарли эканлигини ҳамда уларнинг ҳаёт даражасига салбий таъсир килиши мумкинлигини англаган ижтимоий мухитда (ота-оналар, болалар, манфаатдор жамоатчиликда) ўзига хос норозилик кайфиятини юзага келтириди. Мутахассислар ўзлаштирилган маҳсус билимлари, маҳорат ва тажрибасини қўллай олишлари учун ўзларини ўраб турган ижтимоий-маданий мухитга мослашишлари, ҳаёт конуниятларини ўзлаштиришлари лозим. Бунингиз олинган билимлар кераксиз бўлиб қолади. Айтайлик, денгиз ва океанлардан узоқ бўлган Ўзбекистонда сувости кемасини ясовчи мутахассислар тайёрлаш каби. Таълим муассасаларининг хизматлар истеъмолчиларидан, жамият аъзоларининг жамиятдан ажralиб қолиши кузатила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқларида ҳам, шу ҳолатга эътиборни қаратган эдилар⁵⁷. Яъни, ҳар йили 9-синфни тамомлаётган 450 минг ёшларнинг тахминан 100 минги, 11-синфни тамомлаётганларнинг эса 90 фоизи ҳаётда ўз ўрнини топа олмаяптилар. «Ва шунинг оқибатида 16 – 18 яшар йигит-кизларимиз ўз қобилияти, ҳаваси, интилишига мос, ҳаётда ўзига муносиб ўрин тополмаяпти»⁵⁸.

Мазкур ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда республикамизда 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида аҳамият берилди. 1997 йилда қабул килинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-

⁵⁷ Каранг: Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.

/Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тўплам. 10-бет.

⁵⁸ Ўша ерда.

нинг олдига қўйилган муҳим вазифа ҳам айнан ўша давр талабларига жавоб бера олиши ҳамда ажододлар меросини эъзозлайдиган авлодни тарбиялашга каратилганлиги билан ажралиб туради. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг олдида турган асосий вазифаларидан бири ҳам айнан «таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиши» эканлиги муҳимdir⁵⁹.

Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барқарорлашуви билан бирга меҳнат мотивациясида 90-йилларнинг бошларида кузатилган «бушлик» секин-аста тўлдирилиб бормокда. Ҳозирги кунда шахснинг меҳнат мотивациясида касб маҳоратини ошириш ва касбий камолотга интилиш биринчи ўринга чиқмоқда. Ижтимоий динамика-нинг муҳим ҳаракатлантирувчи жиҳатлардан бири бўлган мураккаб, кўпқиррали ҳодиса – профессионализм шахсдан ижтимоий фаолликни кучайтиришни ҳамда ўз тақдирни учун, шунингдек, жамиятдаги иктисолий жараёнларнинг самарадорлигига кўмаклашувчи масъулликни оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг касбий маҳоратга эга бўлишларида ўрта-маҳсус таълим муассасаларининг ўрни бекиёс. «Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий

⁵⁹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тутлам. 39-бет.

ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир»⁶⁰.

Қасб хунар колледжлари жихозланганлык даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўкув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари хисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий қасб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўкув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради⁶¹.

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун куйидагилар зарур эди:

- ❖ академик лицейлар ва қасб-хунар колледжлари фаолият кўрсатишнинг норматив базаларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши;
- ❖ соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиши;
- ❖ ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши;
- ❖ ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ўкув муассасалари учун таълим ва қасб-хунар дастурлари, ўкув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиши ва жорий этиши;
- ❖ академик лицейларнинг ўкувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиши ва жорий этиши;

⁶⁰ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. З.З.З.-бўлим. / Баркамол авлод –Ўзбекистон тараккиёти пойдевори. Т: Шарқ. – 1997. –47-бет.

⁶¹ Ўша асар, 48-бет.

❖ касб-хунар колледжларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиши;

❖ худудларнинг жўғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни хисобга олган ҳолда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида таълим муассасаларнинг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўкувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

❖ академик лицейлар ва касб-хунар колледжларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантиришида муҳим жараён ушбу муассасаларда таълим олаётган ўкувчи-ёшларнинг мутолаа маданиятини шакллантиришdir. Бугунги кунда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутолаа маданиятини шакллантиришда, ўкувчи-ёшларнинг ахборотни қабул қилиш ва уни ўзлаштириши билан боғлиқ бир қанча ҳолатлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатларга алоқадор муаммоларни ҳал қилиш ва ижобий тажрибани кенг тарғиб этиш лозим. Ана шундай муаммолардан бири матн мураккаблиги муаммосидир.

Маълумки, ҳар қандай матнда муайян ахборот бўлади. Мазкур ахборотни қандай килиб ўкувчига етказиш матн муаллифи маҳоратига боғлик. Бир қараганда, ушбу масала билан асосан матншунослар, усубушунос мутахассислар шуғулланадилар. Шунингдек, матн тури, жанри ва бошқа хусусиятларига қараб тилшунослар, адабиётшунослар, қолаверса тарихшунослар тадқиқикот олиб борадилар. Аммо китобхон ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, муайян адабиётни танлайди, кўзлаган

мақсади, жисмоний ва рухий тайёргарлик даражаси ва имкониятларига қараб уни ўзлаштиради. Бу мураккаб фаолият мутолаа жараёнида содир бўлади. Ана шу жиҳат шахс фаолиятини атрофлича ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида шахс ва унинг такомили мувоффикларига алоҳида эътибор берила бошланди. Хусусан, республикамизда таълимни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган тадбирлар буни яққол кўрсатиб турибди. Ана шулар боис жамиятда шахсни ҳар томонлама камол топтиришга боғлиқ бўлган ҳар қандай восита ва манбаларга илмий томондан ёндашиш бугунги куннинг долзарб масалалари сирасига киради.

Матн – мутолаа жараёнининг муҳим компоненти. У шахснинг мутолаа маданиятини шакллантиришда катта рол ўйнайди. Шу боисдан, матнни ўқувчи томонидан қабул қилиш, идрок этиш жараёнининг психологик ва социологик жиҳатлари чукур тадқиқ этилиши лозим. Шунингдек, мутолаа маданиятини шакллантиришда уни янада такомиллаштириш йўл-йўриклиарини ишлаб чиқишга кўмаклашувчи муайян социологик тадқиқотлар олиб борилишини ҳам тақозо этади. Бунда матн, ундаги зарурий ахборот ва мазкур ахборотга китобхон эътиборини жалб қилиши жараёнини ҳам ўрганиш мутолаа ҳодисаси ва уни такомиллаштириш масалаларига ойдинлик киритишга ёрдам беради.

Китобхон психологиясини ўрганишга багишлиган ишларда⁶² асосий эътибор шахснинг индивидуал қизиқиши, эҳтиёжи ва мақсад-

⁶² А.Н.Ванеев, Н.С.Карташов и др. Работа с читателями. Учебник. М. “Книга”. 1981. Левитов Н.Д. О психических состояниях человека. М., 1964. Садова М.А. В

лари қандайлигига қаратиласи. Аммо, негадир, мутолаа жараёнининг зарурий маңбаси, асоси бўлган матн хусусиятлари ва уни ўқувчи томонидан қабул қилиш муаммолари эътибордан четда қолиб келмоқда. Тўғри, мутолаа ҳодисасида шахс фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Бироқ уни ана шу фаолликка ундовчи маңба – матн хусусиятлари ва уни қай даражада китобхонга таъсир этиши масаласини ҳам ойдинлаштириш муҳим эканлигини унутмаслигимиз керак. Хусусан, мазкур жараённи такомиллаштиришда, муайян даражада юқори босқичларга кўтаришга қаратилган социологик тадқиқотлар яратилиши лозим.

Кутубхоначи китобхон эҳтиёжига қараб китоб танлашда ёрдам беради, матн муаллифлари эса, ўз маҳсулотларини ўқувчига манзур бўлиши учун ҳаракат қиласидилар. Бошқача айтганда, матн муаллифлари томонидан яратилган маҳсулотни истеъмолчига етказишда кутубхоначи, ўқитувчи, ота-она, ижтимоий институтлар, шунингдек, шахс ва уни камолга етказиш билан боғлиқ барча давлат ва нодавлат ташкилотлари ўз имкониятлари ва мавжуд талаблардан келиб чиқиб иштирок этадилар. Ана шу мураккаб ва айни пайтда муҳим бўлган жараённи психологик ва социологик аснода ўрганиш бугунги кун мутолаа маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, асосий мақсад – баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, асосий воситалар унга кўмаклашувчи субъект ва обьектлар, асосий маңба – мутолаа учун яратилган матнлар, деб тушунишлари керак. Матн қандай бўлса, унинг истеъмолчиси ҳам шундай шаклланади. Аммо бу ўринда матнни қандай қабул қилиш истеъмол-

поисках книги: библиографические разыскания при выполнении читательских требований. М., 1963.

чининг тайёргарлик даражаси ва унга ёрдам берувчи воситаларнинг муносабатларига ҳам bogliқ бўлади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун асосий мутолаа манбалари, табиийки, улар ўзлаштираётган дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳисобланади. Мустақиллик йилларида янги авлод дарслклари яратишида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 5 январда чиқарган “Узлуксиз таълим тизимини дарслклар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида” 4-сонли қарори бунда муҳим роль ўйнади. Қарорга кўра, узлуксиз таълим тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-услубий адабиётлар мажмуи билан таъминлашни такомиллаштириш, бу муҳим ишга етук олимларни, юкори малакали мутахассисларни жалб этиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Ўтган давр мобайнида ҳақиқатдан ҳам, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган, ўтмиш сарқитлари ва дорматик қарашларидан ҳоли бўлган янги авлод дарслклари яратилди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Аммо, шунинг билан бирғаликда, айрим дарслик ва қўлланмалардаги баённинг мураккаблиги, бошқача айтганда “академик услуг”нинг бальзан сақланганлиги, шунингдек, мавзуни ёритиш учун берилган материалларнинг меъёридан кўплиги уларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига кўпинча тўсқинлик килмоқда. Бизда янги дарслклар бир сидра нашр этилган бўлса-да, уларнинг қайта ишланган, тўлдирилган вариантларига ҳали тўла ўтилганича йўқ. Ана шу борадаги ҳолат уни янада аниқлаштириш йўлида олиб борилган социологик тадкиқотлар ёрдамида ўрганилди ва бу мавжуд муаммоларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш

чоралари бўйича айрим хуносалар чиқаришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Академик лицей ўкувчиларининг ўқитилаётган дарсликларни қандай ўзлаштираётганликлари ва бу борада мавжуд кийинчилик ва тўсиклар тўғрисида олиб борилган социологик тадқиқотларда 2 муаммо кўзга ташланади:

1. Дарсликларда мавзулар ҳаддан ташқари тиқишириб юборилганлиги ҳамда мавзуни баён этиш услубининг ғализлиги.

2. Мавзу бўйича берилган маълумотлар ва саналардаги чалкашлик, турли-туманликлар.

НамДУ қошидаги I-академик лицей билан ТДТУ қошидаги ахборот технологиялари академик лицей ўкувчилари берган жавоблар орасида кескин фарқ бўлмаса-да, тошкентлик ўкувчилар жавоб беришида кийналаман, деган иккиланишлар жуда кам. Бундан ташқари, улар ўкув юртидаги кўпчилик расмиятчиликларга ўзларининг танқидий муносабатларини дадил айтганларини ҳам ижобий ҳодиса сифатида таъкидлаш лозим. Юкоридаги социологик сўровнома натижаларидан маълум бўляяптиki, ўкувчиларнинг мавжуд матнларни ўзлаштиришларида улардаги мавзуларнинг мураккаблиги, материаллар ҳаддан ташқари тиқишириб юборилганлиги, баён услубининг ёрқин эмаслиги кўпроқ фоизни ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Жўмладан, академик лицейларнинг ижтимоий фанлар йўналишлари адабиёт фани ўкув дастурида⁶³ Захирiddин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганишга 2-босқичда бутун ўкув йили давомида 6 соатгина ажратилган. Ана шу

⁶³ Академик лицейлар учун ўкув дастури. Адабиёт. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ЎМКХТ Маркази томонидан тасдиқланган. Тошкент – 2000.

вакт мобайнида Бобурнинг бутун ҳаёти ва ижодини ўзлаштириш вазифаси кўйилган. Демак, бундан келиб чиқадики, ўкувчи дарсдан ташқари пайтларда Бобур ижодини ўзлаштиришга янада кўпроқ вакт сарфлаши лозим бўлади. Шунинг билан биргаликда, ўкувчиларнинг тарихимиз ҳамда мумтоз адабиётимизни янада чуқурроқ ва мукаммалроқ билишлари учун ўкув юртида мазкур ижодкорларга бағишлиланган турли хил адабий-бадиий кечалар ёки турли викториналар ўtkазишнинг аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Зоро, бундай тадбирлар кўпинча, календарь характерига эга бўлиб, фақат муайян ижодкорнинг туғилган куни ёки юбилей санасидагина ўtkазилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Шу ўринда матн хусусиятлари ва унинг ўкувчи мақсадини рӯёбга чиқаришдаги ўрни тўғрисида тўхталсак. Масалан, 2002 йилда касб-хунар коллежлари учун чиқарилган “Она тили ва адабиёти” деб номланувчи дарслекнинг мумтоз адабиётимизга бағишлиланган қисмида Захириддин Мухаммад Бобур тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган⁶⁴. Ваҳоланки, мазкур ўкув даргоҳини тутатган ўкувчилар таълимнинг кейинги босқичида ўқишини давом эттириш хуқуки мавжудлиги республикамиз “Таълим тўғрисида” ги Қонунида: “Академик лицей ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш хукукини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради”⁶⁵ – деб белгилаб қўйилган. Шунга ўхшаш манзара

⁶⁴ А.Рафиев, Н.Фуломова. Она тили ва адабиёти. Касб-хунар коллежлари учун дарслек. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент. 2002.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси қонуни. Таълим тўғрисида. 13-модда. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент. 1998 йил. 23-бет.

академик лицейларда тарих фанини ўқитишида ҳам учрайди. Давлат Таълим стандартлари бўйича академик лицейларнинг ижтимоий-гуманитар йўналишлари учун “Жаҳон тарихи” фанидан чуқурлаштирилган дастур режасида 320 соат ажратилган. Бу фан лицейнинг 1-босқичида ўтилади. Бунда ўқувчиларнинг академик лицей билан ундан аввалги умумтаълим, яъни VI–IX синфларда ўтилган материалларни тақоролаш учун 40 соат ажратилган.⁶⁶ Жумладан, “Қадимги Греция ва Рим” мавзусига 4 соат берилган. Аммо айнан ана шу 40 соатда тақоролашни тўлиқ амалга ошира олишлари ўқувчилар билим даражаларига ҳамда қандай мактабни тугаллаб келганликларига bogлиқ бўлиб қолади. Натижада, академик лицей дастуридаги стандартларга етиб келиш учун ўқувчидан мустақил мутолаа билан шуғулланиш жиддий талаб қилинади. Юкоридаги социологик сўровнома натижалари ҳамда ўқув дастурлари ва дарслеклар таҳлилларида келтирилган далиллар ва улардан чикадиган хulosалар ўрта маҳсус ўқув юртларида мутолаа жараёнига тўсиқ бўладиган омилларни бартараф этишида амалий ёрдам бўлади, деган фикрдамиз.

Дарслекларни ўзлаштиришда вужудга келадиган яна бир муаммо бу мавзу бўйича берилган маълумотлар турличалиги ва саналарда чалкашликлар мавжудлигидир. Масалан, академик лицейларда тарих фанини ўрганишда дарслеклардаги чалкаш маълумотлар, саналарни бир хил аниқликда берилмаслигини ўқувчиларнинг мазкур соҳадаги матнларни қабул қилишларидаги тўсиқлардан бири сифатида баҳолаш лозим.

⁶⁶ Жаҳон тарихи. Муаллифлар: М.Ф.Лафасов, Э.Х.Холиков, М.Очилов. Академик лицейларнинг ижтимоий-гуманитар фанлар ва хорижий филология йўналишидаги тармоқ таълим стандарти ва чуқурлаштирилган фанлар ўқув дастурлари. Т. “Арнапринт”босмахонаси. 2005 йил. 250–301-бетлар.

Маълумки, академик лицейларда тарих предметини умумтаълим фани сифатида ўқитиша 1- боскич ўқувчиларига қадимги дунё тарихи бўлими асосан ўрта умумтаълим боскичи (мактаб) дарсликлари асосида ўтилади. Шу асосда ўрта умумтаълим билан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими орасидаги узвийлик таъминланади. Ўрта умумтаълим мактаблари дарсликларидағи саналарнинг кўпчилиги ЎМКХТ ўқув юртлари билан мос келмайдиган жиҳатлари мавжуд. Бевосита ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув юртлари учун чиқарилган “Ўзбекистон тарихи” дарслигига ҳам ана шундай камчиликлар йўқ эмас. Жумладан, Р.Содиков ва Қ.Усмоновлар муаллифлигига нашр этилган дарсликда⁶⁷ Туркистон Мухториятининг хукумати мувакқат кенгаши таркиби 12 кишидан иборат эканлиги айтилади. Аммо ҳудди шу мавзу ўрта умумтаълим мактаблари дарслигига⁶⁸ эса, мазкур кенгаш таркиби 8 кишидан иборат, деб ёзилган. Бундай хилма-хилликлар рўйхатини янада чўзиш мумкин. Шу боисдан таъкидлаш лозимки, бу качиликлар тез орада тўғриланмаса, улар нафақат мутолаа маданияти шаклланишига, балки таълим мазмунига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи-ёшларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган – матн мазмунининг ўзлаштирилишига салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф этиш лозим. Бу ёшларимизга матнни ўзлаштиришни осонлаштириб, уларнинг билимлар уммонида эркинроқ сузишларига қўмаклашади.

Ўрта-маҳсус, касб-хунар ўқув юртлари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш ва уларга ахборот-кутубхона хизмати

⁶⁷ Р.Содиков, Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. Тошкент. Академик лицей ва касб-хунар коллажлари учун дарслик. Шарқ матбаа-нашриёт концерни. 2001 й.

⁶⁸ Р.Каримова, К Окилов ва бошқалар. 10-синф учун дарслик. Ўзбекистон тарихи. Тошкент. Шарқ матбаа-нашриёт концерни. 2004 й.

кўрсатиш ҳолатини ўрганиши мақсадида ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, ҳолатни яхшилаш бўйича бир катор таклифлар ишлаб чиқилди. Улар бир неча йўналишда бўлиб, дастлабкиси хукукий-меъёрий базани мустаҳкамлашга тааллуқли.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ўрта-максус таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг меъёрий-хукукий базаси янада такомиллаштиришга муҳтоҷ. Хусусан, куйидаги ҳолатлар жиддий кўриб чиқилиши лозим:


- таълим муассасалари низомларига ахборот-ресурс марказлари мақоми, стратегик мақсадлари ва муассаса раҳбарларининг АРМ олдидаги мажбуриятлари белгилаб берилган алоҳида бўлимлар киритилиши;

- таълим муассасаси қошидаги АРМларнинг намунавий низомини янада қайта ишлаш, бунда АРМнинг мақсад-вазифаларидан тортиб, ходимларининг сонигача белгилаб қўйилиши, шунингдек, уларнинг фаолияти тўғрисида алоҳида йўриқномалар қабул қилиниши зарур.

Иккинчи йўналиш АРМларнинг ресурс базасини такомиллаштиришдан иборат. Бу ўринда ресурс базаси деганда кутубхона фонди, маълумот-қидирув тизимлари, бошқа кутубхоналарнинг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш ҳолатлари назарда тутилмоқда. Таҳлиллар бу йўналишда қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш лозимлигини кўрсатади:

- асосий фондларнинг ҳам, ўкув фондларининг ҳам камайиб кетаётганлиги олдини олиш лозим. Бунда соҳалар бўйича адабиётлар (ҳам ўкув адабиётлари, ҳам умумий адабиётлар) билан таъминлашдан тортиб, ҳар бир ўкувчига тўғри келадиган китоб билан таъминланиш муаммоларигача ҳал қилиниши лозим;

Ахборот-ресурс марказлари фонд хажми



- таълим муассасалари қошидаги АРМлар иқтисодий тақчиллик даврида асосий эътиборни ўкув адабиётлари таъминотига қаратганлари учун бадиий адабиётлар билан таъминланиш даражаси пастрок. Бироқ айниқса қишлоқ жойлари ва чекка туманларда ўрта-махсус таълим муассасалари ахолининг бошқа қатламларига ҳам хизмат кўрсатишлари лозимлигини эътиборга олган ҳолда бадиий адабиётлар ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан таъминланишга ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим;

- таълим муассасалари АРМлари ўқитувчиларга мўлжалланган педагогик адабиётлар билан тўлдирилиши лозим;

- АРМлар ресурс базасининг асосий элементларидан бири бўлган каталоглар ва картотекалар тизими такомиллаштирилиши лозим.

Тадқиқот натижалари барча АРМларда кўпи билан 60–70 фоизгача фонд алфавитли ва системали каталогларда акс этганлиги маълум

бўлди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тадқиқотда иштирок этган кутубхоначиларнинг аксарият қисми (89%) электрон каталоглар бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширишни ҳамда ўкувчи-ёшларнинг ахборот маданиятини ўстиришга кўмаклашишни таъкидла-ганлар. Бироқ бунинг учун барча АРМлар тўлиқ компьютерлаш-тирилиши ҳамда қидирув дастурлари билан таъминланиши лозим.

Навбатдаги йўналиш АРМ ходимлари ҳамда педагогик жамоа билан хамкорлик килишdir.

Аксарият АРМлар ходимлари ўрта-махсус ва олий маълумотли мутахассислардир. Уларнинг аксарияти катта тажрибага эга ходимлар бўлиб, ўртача стажи 15 йил.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, ўрта маҳсус касб-хунар таълим маркази бўйича 914 та АРМ ташкил этилган. Уларга жами 8728 штат бирлиги ходимлар ишга қабул қилинган (хар бир марказга ўртача 9,5 нафардан). 2006 йилда АРМларнинг 93 та ходими ўз малакасини оширди. 2007 йилда эса ТАТУ ва ТДМИ курсларида жами 552 нафар АРМ раҳбар ва ходимлари малакасини оширишган. Бу ҳолатлар АРМ ходимларининг замонавий ахборотлаштириш муаммоларидан хабардорлик даражаларини оширишга кўмаклашади. Бироқ шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўрта маҳсус таълим тизимида ташкил қилинган АРМ ходимларининг кўпчилиги таълим тизимида фаолият юритиш бора-сида маҳсус билимларга эга эмас. Яъни, мамлакатимизда ўкув муассасалари АРМ ходимларини тайёрловчи олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари йўқ. Шу боисдан, таълим муассасалари АРМ ходимлари ва педагогик жамоа ўртасида айrim тушунмовчилик ҳолатлари юзага келмоқда. Хусусан, бу ҳолат таълим муассасалари

АРМлари ходимларининг таълим муассасасидаги мақоми билан боғлиқ. Яъни, кўп ҳолларда уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар сифатида қаралади ва таълим муассасасининг истиқбол режаларини белгилаш, умумий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ишларидан четда қолиб кетадилар. Сўровда иштирок этган АРМ ходимларининг 36 фоизи ўзлари хизмат қилаётган таълим муассасаси ички ҳаётидан бутунлай четда эканликларини билдиришган. 67 фоиз ходимлар эса, улар ҳатто АРМнинг ахборот фондларини тўлдириш ишларига ҳам аралаша олмасликларини, факат таълим муассасаси маъмурияти ва педагоглари ихтиёрини бажаришга мажбур эканликларини изҳор қилишган. Айни чоғда, 62 фоиз педагог ўқитувчилар таълим муассасаси АРМлари фондлари уларнинг эҳтиёжларини эътиборга олмасдан тўлдирилаётганлигини билдиришган⁶⁹. Таълим муассасалари АРМлари учун олий ва ўрта-маҳсус маълумотли мутахассислар тайёрлашни йўлга кўйиш юқоридаги каби муаммолар олдини олувчи қадамлардан бири бўлади, деб хисоблаймиз.

Шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги ТДМИ ҳамда ТАТУда тайёрланаётган “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” ихтинослиги бакалаврлари ўқув режаларига, ўсмирлар психологиясини назарда тутган ҳолда, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ишлашни ўргатишга мўлжалланган дарслар киритилиши лозим. Мазкур муассасаларда ташкил этилаётган АРМ ходимларини малака ошириш курсларида ўсмир-ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга багишланган машғулотларнинг киритилиши ҳам фойдадан холи бўлмайди.

⁶⁹ 2007 йил сўров натижалари.

Тўртингчи йўналиш ўқитувчилар ва ўқувчи-ёшларнинг мутолаа маданиятини оширишидир.

Замонавий жамиятда шахснинг мутолаа маданиятини ошириш маҳсус тайёргарлик ва профессионал таъсир кўрсатишни талаб этади. Яъни, таълим муассасаларида, айниқса, ўрта таълим тизимида маҳсус мутолаа маданияти дарслари киритилиши лозим. Бугунги кунда бу жараён АРМлар ходимлари томонидан ташкил этилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар орқали таъминланмоқда. Бироқ бу тизими бўлмасдан, хаотик тарзда, АРМ ходимларининг ташаббуслари ва ижодкорликларига таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Тадқиқотда ушбу ҳолат билан боғлиқ қўйидагилар аниқланди:

- таълим дастурлари таълим муассасалари АРМларидан самарали фойдаланишни назарда тутади, бироқ баркамол авлодни тарбия-лашда мутолаа маданияти ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олмайди;
- дастурларда ўрта-маҳсус таълим тизимининг ахборот ресурслари, уларни қидириш ва самарали фойдаланиш кўрсатilmайди;
- ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ошириш АРМ ходимларининг хизмат вазифаларига киритилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта маҳсус таълим муассасаси АРМларида ўқувчилар мутолаа маданиятини шакллантириш иши самардорлигини янада кўтариш имкониятлари мавжуд. Бу борада хорижлик ҳамкасбларнинг илгор тажрибаларидан ҳам фойдаланиш лозим эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Ўрта махсус таълим муассасаси АРМлари ўқувчи-ёшларининг мутолаа маданиятини ошириш билан бир қаторда ўқитувчиларнинг мутолаага муносабатларини ҳам ижобий томонга йўналтириб боришлари зарур. Бунинг учун:

- таълим муассасаларида махсус мутолаа маданияти дарсларини киритиш;
- мутолаа маданияти бўйича дарс беришга АРМ ходимларини ҳам жалб этиш;
- Тошкент Давлат маданият институти қошида ўрта махсус таълим муассасалари АРМ ходимлари малакасини ошириш курсларини ташкил қилиш ва бунда китобхонларнинг мутолаа маданиятини оширишнинг замонавий усуллари билан таништиришни йўлга қўйиш лозим.

ХОТИМА

Ижтимоий-маданий муҳит ҳамда аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришлар XX аср охирларида мутолаанинг асосий вазифаларининг ҳам ўзгаришига, уларнинг: ахборот бериш, ўргатиш ва рекреатив функцияларга айланишига олиб келди. Шу боисдан, мутолаа жараёнларини янгича ёндашувлар, хусусан социологияда кенг тараққий этган тизимли ёндашув асосида ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистонда фаолият юритаётган, сифат жиҳатидан янги – академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўкувчи-ёшларнинг мутолаа ҳодисасини тадқиқ этишда тизимли ёндашувни кўллаш мумкин. Бунда социолог мутахассислар:

- ўсмиirlар мутолаасининг турлари – оиласда, дарсда, синфдан ташқари вактда ўқишга бўлинишини;
- ўсмиirlар мутолаасининг йўналишлари – билим олиш, ахборот олиш, ҳиссий-ижодий фаолият, маданий ҳордиқ олишдан иборат эканлигини;
- АРМларининг фондлари ва ресурслари ўсмиirlарнинг ўзгаришлар даврига ижтимоий ва маданий мослашишларида кўмаклашиши лозимлигини;
- ўрта маҳсус таълим муассасаларининг АРМлари ўз фаолиятининг тарбиявий таъсирини эътиборда тутишлари ва жамиятда комил шахсни тарбиялашнинг муҳим бўгинларидан бири айнан АРМлар эканлигини ҳисобга олиши зарурлигини;
- АРМлар шахс ижтимоийлашувининг асосий институтларидан бири бўлиши кераклигини;

- АРМлар фаолиятини факат амалий томондан ўрганиш билан чекланмасдан, назарий таҳлил килиш ҳам муҳимлигини эътиборда тутишлари талаб этилади.

Монографик аснодаги илмий изланиш натижалари қўйидаги хуносаларга олиб келди:

- ўсмир-ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш тизими мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг атрофидаги барча ижтимоий институтлар мазкур тизимнинг тизим ясовчи элементлари бўлиши мумкин. Хусусан, бу тизимда ижтимоий муҳит, ўқитувчилар, тенгдошлар, оила ва ахборот-ресурс марказлари муҳим ўрин тутади;

- бугунги кунда ўсмир-ёшларнинг асосий қизиқиш йўналишлари тарих фанига оид адабиётлар, тилшуносликка (турли тилларни, айрникса инглиз тилини ўрганишга қаратилган) оид адабиётлар, ахборот технологияларига оид адабиётлар, бадиий адабиётлар (саргузашт, фантастик асарлар, ишқий-романтик қисса ва романлар, шеърият), спортга оид адабиётлар, танланган соҳалар (иктисодиёт, хукуқшунослик, тиббиёт)га оид адабиётлар, қисман аниқ фанлар (физика ва математика)га оид адабиётлардан иборат;

- ўрта-максус, қасб-хунар таълими мажбурий таълимнинг юқори бўгини бўлиб, ушбу тизимга жалб қилинган ўсмир-ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжининг катта қисмини танланган соҳага ва фан йўналишига доир маълумотлар ташкил этмоқда;

- эндиликда замонавий ахборот технологиялари ўсмир-ёшлар ҳаётининг турли жабҳаларига шитоб билан кириб борар экан, мутолаа жараёнларининг ҳам таркибий қисмига айланиб бўлди, яъни ўсмир-ёшлар ахборот манбаси сифатида WWW, HDD, DVD ва

бошқа шу каби тизимлар ҳамда технологиялардан кенг фойдаланмоқдалар. Бунда улар учун ахборот ташиш манбалари сифатида анъанавий китоблар билан бир қаторда замонавий компьютерлар, мобиЛЬ телефон аппаратлари ва шу кабилар хизмат қилмоқда;

- маълумотлар базалари кескин кўпайиб бораётган XXI асрда анъанавий кутубхоналар замон талабларига мос келувчи АРМ ва АКМларга айлантирилди; мутолаа жараёнлари мазкур муассасалардан ташқари индивидуал, жамоавий ва бошқа истеъмол тармоқларида ҳам амалга ошиб, мутолаа муассасалари ҳамкорлик қилишининг анъанавий шаклларини ривожлантириб, хизмат кўрсатишнинг мослашувчан ва кенг миқёсдаги шаклларини таклиф қилмоқдалар.

Юқоридаги хуросалардан келиб чикиб, академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўқувчи-ёшларнииг мутолаа маданиятини

ўстириш бўйича қўйидаги тавсиялар берилди:

- ўсмиrlар маънавияти тадрижий ривожланиб борувчи фаол жараён эканлигини эътиборга олган ҳолда, ўсмиrlар тарбиясига масъул ижтимоий институтлар – оила, таълим муассасаси, маҳалла ва бошқалар уларнинг китобхонлик маданиятини мақсадли ва режали равишда шакллантириб боришлари лозим;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ахолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўгрисида»ги қарори асосида академик лицей ва касб-хунар коллажлари кутубхоналари ва АРМлари тармоғини такомиллаштириш, ходимларининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва малакаларини ошириш, уларни янги электрон дарсликлар, ўкув кўлланмалари, шунингдек, ўсмир-ёшларнииг

дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган анъанавий ва замонавий манбалар билан таъминлашни йўлга қўйиш даркор;

- мутолаа маданиятининг негизида ахборот манбалари, яъни китоблар ва электрон маълумот базалари туришини назарда тутиб, барча АРМлар учун республикадаги етакчи кутубхоналарнинг фондларидан ҳамда электрон ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш масаласини давлат миқёсида ҳал этиш лозим;

- Тошкент Давлат Маданият институти ва Тошкент Ахборот технологиялари университетининг “ахборотлаштириш ва кутубхонашунослиқ” таълим йўналиши бўйича ўқув режасига “Мутолаа маданияти” ва “Мутолаа социологияси” номли маҳсус курслар киритиш, шунингдек, кутубхонашунослик соҳаси бўйича мутахассис тайёрлайдиган касб-хунар коллежларида ҳам “Мутолаа маданияти” курсини жорий этиш зарур;

- республикамиздаги мажбурий умумий таълимнинг сўнгги босқичи бўлган ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими тизими шахсда мутолаа маданиятини мақсадли равишда шакллантиришда ҳам сўнгги босқич эканлигини эътиборга олиб, АРМ ходимлари билан академик лицей ва касб-хунар коллежлари педагогик жамоаси, шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг оила аъзолари билан мутолаа маданиятини ошириш бўйича мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим;

- академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини АРМларига жалб қилишнинг янги шакл ва усусларидан, хусусан ўсмир-ёшлар психологиясидан келиб чиққан ҳолда соҳада ижобий ютукларга эришган замон қаҳрамонларининг эсдаликлари, улар хақида ҳикоя қилувчи бадиий китоблар ёки ҳужжатли фильмлар каби манбалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: ЎР Олий Мажлиси IX сесс.сўзлаган нутқи. 1997 йил 29 август. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 62 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.– Т.: Ўзбекистон, 1994. – 299 б.
3. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. –Т.: Ўзбекистон, 1993. – 48 б.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.– Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 160 б.
6. Каримов И.А. Тинчлик учун курашмок керак. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 47 б.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008. – 176 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 48 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 295 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.– Т.:Ўзбекистон, 1997.– 215 б.
11. Каримов И.А.Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида.– Т.:Ўзбекистон, 1994. – 48 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 264 б.

13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 74 б.

Қонунлар ва норматив ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ ЎР Олий Кенгашининг XI сесс.1992 й. 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 86 б.

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 й. 29 август //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 30.

3. Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 й. 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.20 – 29.

4. Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 й. 6 октябрь // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 62 - 63.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 апрелдаги 123-сонли “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори //Халқ сўзи. – 2002. – 12 апр.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги 381- сонли “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори // Ахборот-кутубхона

ва ахборот-ресурс марказлари ишини ташкил қилиш. Ҳужжатлар тўплами. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.10 – 13.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ёзувлilar уюшмаси хузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги 2010 йил 26 февраль № ПҚ -1292 Қарори //Халқ сўзи. – 2010. – 27 февр.

8. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури //Баркамол авлод - Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. – Т.:Ўзбекистон, 1997. – Б. 31– 61.

9. «Оммавий кутубхоналар тўғрисида»ги ЮНЕСКОнинг манифести // «Мафкура ва ёшлар». /Тўпл. Тузувчилар: Умаров А. ва бошқ. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, – 2003. –192 б.

10. Типовое положение о школьной библиотеке: Проект // Библиотекарь.-1988.-№9.-С.44 - 45.

Китоблар, монографиялар, мақолалар тўплами

1. Авлоний Абдулла. Ўсон миллат. – Т.: Шарқ, 1993. –144 б.
2. Айзенберг А.Я. Самообразование: история, теория и современные проблемы. – Москва: Высш.шк., 1986. – 126 с.
3. Ал-Фараби. Социально-этическое трактаты. – Алма-ата: Наука, 1973. – 448 с.
4. Андреева Г.М. Психология социального познания. – Москва:Аспект-Прес, 2000. – 288 с.
5. Анталогия мировой философии. В 4-х т. Москва: Мысль, 1969 Т.1, ч.1. – 576 с.

6. Антология педагогической мысли Узбекской ССР. – Москва: Педагогика, 1986. – 124 с.
7. Афанасьев В.Г. Системность и общество. – Москва: Политиздат, 1980.– 24 с.
8. Ахунджанов Э.А. Письменная культура Средней Азии. – Т.: Издательство народного наследия им.А.Кадыри, 2000. – С. 6-28 .
9. Бадиий адабиётларни тарғиб қилишнинг оммавий усуллари: Метод. Тавсия /Тузувчи З. Бердиева. – Т., 1985. – 29 б.
10. Бекмуров М. Социология асослари. – Т.: Фан, 1994. – 173 б.
11. Белянин В.П. Психологическое литературоведение. Текст как отражение внутренних миров автора и читателя: Монография. – Москва: Генезис, 2006. – 320 с.
12. Бель Д. Постиндустриальное общество. В книге «Социологический словарь» /Пер. с англ. под ред. С.А.Ерофеева – Москва:Экономика, 2000. –С. 231-232.
13. Березов Б.М. Методика самостоятельной работы с книгой. – Киев, 1981. – 141 с.
14. Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар. Т.: Фан, 1965. Т.11 Ҳиндистон. – 537 б.
15. Болалар китобхонлигини ўрганишнинг форма ва методлари /Тузувчи Э.Йўлдошев. – Т., 1992. - 13 б.
16. Бола хукуклари тўғрисида конвенция. – Т.: Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, 2005 й. 8-9 бетлар.

17. Бородина В.А. Развивающие уроки в начальной школе: акмеологический подход. Маленькая книжка о больших проблемах обучения чтению. – СПб.: Академ-Пресс, 2000. 52 с.
18. Бородина В.А., Бородин С.М. Учим... читать: Уроки динамического чтения. - Л.: Лениздат, 1985.- 192 с.
19. Бородина В.А. Психология чтения: Учебное пособие. - СПб.: СПБГАК, 1997. - 79 с.
20. Бинхем Р., Хэррисон К. Основы библиотечного дела /Пер. с англ.; Рос. Гос. Б-ка. Информкультура. – Москва, 1999. – 97 с.
21. Вебер М. Избранные произведения. – Москва: Прогресс, 1990. – 804 с.
22. Вормсбехер В.Ф., Кабин В.А. 100 страниц в час: Теория и практика динамического чтения и рациональной работы с книгой. – Кемерово, 1980. – 143 с.
23. Гегель. Сочинения., Т.7.- Москва: Мысль, 1978. – 219 с.
24. Гельвеций. Избранные сочинения. – Москва: Мысль, 1979. – 191с.
25. Гениева Е.Ю. Библиотека как центр межкультурной коммуникации. – Москва: «Российская политическая энциклопедия», 2007. – 208 с.
26. Гецов Г. Работа с книгой: рациональные приёмы. - Изд. 2-е, доп. - Москва: Книга, 1984. – 120 с.
27. Гецов Г. Как читать книги, журналы, газеты. - М.: Знание, 1989. – 144 с.
28. Гидденс Э. Социология. -Т.: Шарк, 2002. – 848 б.

29. Гончаренко Н.В. Гений в искусстве и науки. – Москва: Искусство, 1991. – 432 с.
30. Граник Г.Г., Бондаренко С.М., Концевая Л.А. Как учить школьников работать с учебником. - М.: Знание, 1987. - 80 с. - (Новое в жизни, науке, технике. Сер. «Педагогика и психология»; №3).
